

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“СУҒУРТА”**

**йўналиши**

**“ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2016**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТМИ, “Суғурта иши” кафедраси мудири,  
И.Х.Абдурахмонов

ТДИУ, ассистент, Адизов С.Р.

**Тақризчилар:** George Grishin - “OAKESHOTT INSURANCE”  
Managing Director, PhD, АСП.

Yinan Ke - “Willis Towers Watson Energy, Natural  
Resources Division Willis Insurance Brokers Co., Ltd.

*Ўқув - услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I	Ишчи дастури .....	4
II.	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари .....	9
III.	Назарий машғулот материаллари .....	20
IV.	Амалий машғулот материаллари .....	99
V.	Мустақил таълим мавзулари .....	102
VI.	Глоссарий .....	105
VII.	Адабиётлар ва тармоқ меъёрий ҳужжатлари рўйхати .....	136

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари иқтисодчи педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур Ўзбекистон суғурта бозори тарихи, замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, уни тузилиши, ривожланиш тамойиллари ва муамоллари, ва асосий профессионал иштирокчиларни фаолиятини ташкил этиш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

#### Модулнинг мақсади ва вазифалари

«Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари»  
**модулининг мақсад ва вазифалари:**

- **Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари**, Ўзбекистон суғурта бозорини тарихи, замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, уни тузилиши, ривожланиш тамойиллари ва муамоллари, ва асосий профессионал иштирокчиларни фаолиятини ташкил этилишини ҳам назарий, ҳам амалий томонларини ўргатиш ҳамда Ўзбекистон суғурта бозори бўйича малакавий кўникмаларини шакллантириш.

#### Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

«Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари»  
курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

##### Тингловчи:

- Ўзбекистон суғурта бозорига оид қонунлари;  
- Ўзбекистон суғурта бозори тарихини, замонавий ҳолатини ва ривожланиш истиқболлари, уни тузилиши;  
- ривожланиш тамойилларини ва муамоллари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

##### Тингловчи:

- Ўзбекистон суғурта бозорини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш; асосий профессионал иштирокчиларни фаолиятини ташкил этиш бўйича **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

##### Тингловчи:

- Ўзбекистон суғурта бозорининг ишлаши ва ривожланиш истиқболлари прогноз қилиш;  
- Суғурта бозорини ривожланиш тамойиллари;  
- Суғурта бозорининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;  
- Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишидаги муаммолари билиш  
**компетенцияларни эгаллаши лозим.**

#### Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

«Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари»  
курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**  
«Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари» модули мазмуни ўқув режадаги “Суғуртанинг долзарб муаммолари” ва “Суғуртада замонавий технологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбекистон суғурта бозоридagi мавжуд муаммолар ва уларни ечиш, суғурта бозорининг яқин, ўрта истиқболдаги ривожланиш тенденциялари, сценариялари тузишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимои

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси				
			жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Қўшимча машғулот	
1	Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишини тарихи ва босқичлари	4	4	2	2	-	
2	Суғурта бозорни тартибга солиш асослари	4	4	2	2	-	
3	Суғурта бозорни тузилиши. Суғурта бозори профессионал иштирокчилари	4	4	2	2	-	
4	Суғурта бозорнинг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш асослари	10	6	2	4	2	2
5	Ўзбекистон суғурта бозори муаммолари ва ривожланиш истиқболлари	10	6	2	4	2	2
	<b>Жами:</b>	<b>32</b>	<b>28</b>	<b>10</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишини тарихи ва босқичлари**

Инқилобдан олдинги Ўзбекистон суғурта бозори. Совет давридаги Ўзбекистон суғурта бозори. Мустақил Ўзбекистонда суғурта бозорини тикланиши. Ўзбекистонда ўрта асрларда суғурта фаолиятини ҳолати. Инқилобдан олдинги Ўзбекистон суғурта бозорини ҳолати. Совет давридаги Давлат суғуртани таҳлили. Мустақил Ўзбекистонни суғурта бозорини замонавий ҳолати. Ўзбекистонда суғурта хизматларининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги даврида суғурта компаниялар фаолияти. Суғурта фаолиятининг институционал базаси шаклланиши ва ривожланиши.

### **2-мавзу. Суғурта бозорни тартибга солиш асослари**

Давлатни молиявий тизимида суғурта бозорни аҳамияти ва ўрни. Суғурта бозорни давлат томонидан тартибга солиш. Суғурта бозорига тегишли асосий қонун ва меъёрий ҳужжатлар. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини тартибга солиш тизимини таркибий тузилишини таҳлили. Ривожланган давлатларда суғурта бозорни давлат томонидан тартибга солиш асослари. Ривожланган давлатларда суғурта бозорига тегишли асосий қонунчилик ҳужжатларни таҳлили.

### **3-мавзу. Суғурта бозорни тузилиши. Суғурта бозорни профессионал иштирокчилари**

Суғурта бозорни тузилиши. Суғурта бозорларни таснифлаши, ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини тузилиши. Суғурта бозорни асосий профессионал иштирокчилари: суғуртачилар, суғурта воситачилари, суғурта сюрвейерлар, аджастерлар, актуарийлар, ассистанслар. Ўзбекистонда ва ривожланган давлатларда суғурта бозорни тузилишини нисбий таҳлили. Суғурта бозорни ички ва ташқи муҳити. Суғурта мунособатларини амалга ошириш жараёнлари. Ривожланган давлатларда суғурта бозорни профессионал иштирокчилари. Суғурта бозорларни таснифлаш асослари. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини таркибий тузилишини таҳлили. Ўзбекистон суғурта бозорни профессионал иштирокчилари.

### **4-мавзу. Суғурта бозорни ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш асослари**

Суғурта бозор ҳолатини асосий баҳоловчи кўрсаткичлар. Суғурта бозорни иқтисодий таҳлил қилиш асослари. Суғурта бозорни баҳолаш ва бошқаришда экспертлар усулининг ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистонда суғуртанинг тадрижий тараққиёти ва унинг ўзига хослиги. Ўзбекистонда суғурта компанияларини инвестицион фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар. Қайта суғуртани баҳоловчи кўрсаткичлар. Суғурта фаолиятни рентабеллиги кўрсаткичлари. Суғурта бозор ҳолатини асосий баҳоловчи кўрсаткичларини таҳлили.

### **5-мавзу. Ўзбекистон суғурта бозорини муаммолари ва ривожланиш истиқболлари**

Ўзбекистон суғурта бозорни замонавий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. Ривожланган давлатларни амалиётини Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришда фойдаланиш истиқболлари. Ўзбекистон суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни

такомиллаштириш муаммолари. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини кенг ривожланишига тўскинлик қиладиган факторларни таҳлили. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-Амалий машғулот. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишини тарихи**

1. Инқилобдан олдинги Ўзбекистон суғурта бозори.
2. Совет давридаги Ўзбекистон суғурта бозори.
3. Мустақил Ўзбекистонда суғурта бозорини тикланиши.
4. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги даврида суғурта компаниялар фаолияти.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “интерактив”, “блиц сўров”, “ақлий хужум” усуллари.

### **2-Амалий машғулот. Суғурта бозорни тартибга солиш асослари**

1. Давлатни молиявий тизимида суғурта бозорни ахамияти ва ўрни.
2. Суғурта бозорни давлат томонидан тартибга солиш.
3. Суғурта бозорига тегишли асосий қонун ва меъёрий ҳужжатлар.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “интерактив”, “блиц сўров”, “ақлий хужум” усуллари.

### **3-Амалий машғулот. Суғурта бозорни тузилиши. Суғурта бозорни профессионал иштирокчилари**

1. Суғурта бозорни тузилиши.
2. Суғурта бозорларни таснифлаш ва ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини тузилиши.
3. Суғурта бозорни асосий профессионал иштирокчилари: суғуртачилар, суғурта воситачилари, суғурта сюрвейерлар, аджастерлар, актуарийлар, ассистанс.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “интерактив”, “блиц сўров”, “ақлий хужум” усуллари.

### **4-Амалий машғулот. Суғурта бозорни ривожланиш кўрсаткичларни таҳлил қилиш асослари**

1. Суғурта бозор ҳолатини асосий баҳоловчи кўрсаткичлар.
2. Ўзбекистонда суғурта компанияларини инвестицион фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар.
3. Қайта суғуртани баҳоловчи кўрсаткичлар.
4. Суғурта бозорни иқтисодий таҳлил қилиш асослари.
5. Суғурта фаолиятни рентабеллиги кўрсаткичлари.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “интерактив”, “блиц сўров”, “ақлий хужум”, “маъруза-сухбат” усуллари.

### **5-Амалий машғулот. Ўзбекистон суғурта бозорини муаммолари ва ривожланиш истиқболлари**

1. Ўзбекистон суғурта бозорни замонавий ҳолати.
2. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари.
3. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини кенг ривожланишига тўсқинлик қиладиган факторларни таҳлили.
4. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари.
5. Ривожланган давлатларни амалиётини Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришда ишлатиш.



6. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:**“интерактив”, “блиц сўров”, “ақлий хужум”, усуллари.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1	«Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш муаммолари ва истикболлари» модули бўйича	2.5	Лойиҳа – 1.5 балл Тест – 0.5 балл Мустақил иш – 0.5 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Юртимизда иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари, аввало, инсонпарварлик тамойилига асослангандир. Фалсафа, педагогика ва психологияда таъкидланганидек, бу йўналишнинг асосий фарқли томони шундаки, бунда бутун диққат-эътибор тингловчининг шахсига қаратилади.

Шунинг учун ҳам таълим жараёнида қўлланилиши лозим бўлган педагогик технологияларни тингловчининг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мустақил, фаол билим олиш фаолиятини ташкил этишга қаратиш асосий жиҳатлардан ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида барча мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган фанларнинг Ўқув-услубий мажмуаларини яратишда зарурий компонент ҳисобланган таълим технологияларини лойиҳалаштиришда ва унинг универсал кўринишини яратишда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

- ❖ академияда таҳсил олаётган тингловчиларнинг муқаддам амалий тажриба ва кўникмаларга эга эканлигини инобатга олиб, уларни ишлаб чиқаришга янада йўналтириш, мослаштириш мақсадида мутахассислик фанларидан чуқурроқ билимларни бериш, замонавий бошқарув кадрларига хос бўлган малака кўникмаларини шакллантириш;

- ❖ тингловчиларни илмий-тадқиқот фаолиятига тайёрлаш, сабабий боғлиқликда илмий хулосалар яшашга ўргатиш, ҳар қандай масалага танқидий, таҳлилий ва ижодий ёндашиш ва мушоҳада юритиш сирлари билан қуроллантириш, ўз мутахассисликлари бўйича ижтимоий-иқтисодий прогнозларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган замонавий билимларни етказиш;

- ❖ педагогик фаолиятга йўналтириш билан боғлиқ бўлган таълимнинг устувор усул ва воситаларини ўргатишдан иборат.

Маълумки, Академияда таҳсил олаётган тингловчилар бошқа ОЎЮ магистратураси босқичида таҳсил олаётган талабалардан бир нечта жиҳати билан фарқланади.

Биринчидан, Академия тингловчилари амалий тажриба ва кўникмаларга, яъни ўқишга киргунга қадар камида икки йиллик иш стажига эга ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларга берилаётган замонавий назарий билимлар, уларнинг амалий орттирган кўникмаларини янада бойитишга хизмат қилиши лозим.

Иккинчидан, тингловчиларнинг иш ўринларини сақлаган ҳолда таълим олишлари ва иш жойларида уларни соҳа мутахассислари эканлигини эътиборга олиб, уларни асосан бошқарув билан боғлиқ, яъни жамоани ягона мақсад сари етаклаш, тезкор қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ мажмуавий билимлар билан қуроллантириш лозим бўлади.

Юқорида айтилган жараёнларни мантиқий кетма-кетликда тақдим этиш учун Академиянинг магистратура мутахассисликлари Ўқув режаларида акс этган фанларнинг ўқув-услубий мажмуаларини яратишда зарурий компонент бўлмиш, таълим технологиясининг қуйидаги концептуал ёндашувларига устуворлик қаратилади:

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишини кўзда тутди. Бу эса, таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги раҳбар кадрлик фаолияти билан боғлиқ бўлган мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни назарда тутди.

**Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлигини.

**Сухбатли ёндашув.** Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик, тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларида биридир. Бу жараён илмий билимларни ҳаққоний қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари аниқлаш, диалектик тафаккурни ва уларни амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

**Таълимни (ўқитишни) ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишга асосланган оммавий, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

**Бошқаришнинг усул ва воситалари:** ўқув машғулотининг босқичлари, белгиланган мақсадга эришишда педагог ва тингловчининг фаолияти нафақат аудитория ишини, балки мустақил ва аудиториядан ташқари бажарилган гуруҳ ишларининг назоратини белгилаб берувчи ўқув машғулотларини ташкил этиш.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўқув машғулоти жараёнида (ўқув вазифа ва топшириқларни бажаргани учун баҳолаш, таълим олувчининг ҳар бир ўқув машғулотидаги ўқув фаолиятини баҳолаш) ва бутун семестр давомида таълим натижаларини режали тарзда кузатиб боришни ўз ичига олади.

## 1. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Маъруза – ўқитишни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- йўналтирувчилик – тингловчиларни ўқув материалининг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилишларига имкон беради;
- ахборотлилик – ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хулосалар моҳиятини очиб беради;
- методологик – маъруза вақтида ўқитиш усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади;
- тарбияловчи – ўқув материалига ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;
- ривожлантирувчи – билим олишга бўлган қизиқишларни, яъни мантиқий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

**Малака ошириш курсларида ўқитиладиган маърузаларнинг асосий шакллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

**Ахборотли маъруза.** Бу анъанавий маъруза шакли: маъруза режасига мувофиқ ўқув материални монологик тарзда ва мантиқий изчилликда баён этишдан иборат.

**Муаммоли маъруза.** Янги билимларни савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда тингловчиларни профессор-ўқитувчи билан ҳамкорликда ва сухбат жараёни орқали изланувчилик фаолиятига яқинлаштириш асосий вазифа ҳисобланади.

<p><b>Бинар маъруза.</b> Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2 та мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва тингловчиларни ўзида намоён этади.</p>
<p><b>Яқуний маъруза.</b> Қоида бўйича курсни яқунлайди ва бутун давр мобайнида ўтилган мавзуларни умумлаштиради. Бундай маърузага тайёрланишда семинар машғулотида, оммавий савол-жавоб жараёнида аниқланган тингловчилар билимидаги камчиликлар ҳисобга олинади ва уларни бартараф этишга, шунингдек келгусида ушбу соҳадаги тайёргарлигини такомиллаштиришга урғу берилади. Яқуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини беради ҳамда келгусида ушбу курсни ўрганиш давомида шаклланган билимлардан касбий ва раҳбарлик фаолиятида қандай қўллаш бўйича умумий кўрсатмаларни тақдим этади.</p>
<p><b>Анжуман-маъруза.</b> Олдиндан белгиланган муаммо ва маърузалар тизими билан илмий-амалий машғулот (5-10 дақ.) ўтказилади. Бунда муаммони ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилади. Машғулот якунида ўқитувчи мустақил бажарилган топшириқларга ва сўзга чиққанларнинг берган фикрларига яқун ясайди, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.</p>
<p><b>Маслаҳатли-маъруза.</b> Турлича режа кўринишида ташкил этиш мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. “Савол-жавоблар” – ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича тингловчиларнинг саволларига жавоб беради.</li> <li>2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни қандай излашни ҳам ташкиллаштиради.</li> </ol>

### **Ўқув машғулотининг таълим технологиясини амалга ошириш**

**Ўқув машғулотига кириш.** Маъруза мавзуси ифодаланади; режалаштириладиган ўқув натижалари тингловчиларга етказилади ва ушбу ўрганилиши кутиладиган масалаларнинг келгусида касбий ва раҳбарлик фаолияти учун аҳамияти тушунтириб берилади; хабар қилинади: маъруза режаси, асосий тоифа ва тушунчалар, мустақил иш учун адабиётлар рўйхати.

Янги ўқув ахбороти тингловчиларда аввалдан бор бўлган маълумотлар билан мантиқий боғлиқлиги кичик-маъруза, суҳбат, чалғитувчи ва муаммоли саволлар орқали таъминланади.

**Ўқув машғулотининг асосий босқичи.** Ўқув машғулотини тузилишига ва маъруза режасига мувофиқ маъруза олиб борилади/кенг қўламли суҳбат ташкил этилади. Ушбу жараёнда режанинг ҳар бир саволи бўйича тингловчилар ўртага чиқадилар/маъруза ва берилган топшириқларни муҳокама ёки мунозарага айланиши таъминланади.

#### **Маъруза мобайнида:**

- асосий тушунчалар, таърифлар, саналар ва бошқа статистик маълумотлар ажратиб кўрсатилади (айтиб турилади);
- ҳар бир саволни ёритиб бўлингандан сўнг, қисқа умумлаштирувчи хулосалар қилинади; маърузанинг бир саволидан кейинги саволига ўтишда мантиқий алоқа таъминланади;
- маърузада тингловчиларнинг билиш фаоллиги таъминланади: материалларни тушунишлари учун аниқлик киритувчи саволлар берилади; кичик гуруҳларда эркин фикр алмашишга руҳсат берилади; жамоавий мунозара ташкиллаштирилади; аниқ, муаммоли вазиятлар муҳокама қилинади, амалиётдан мисоллар келтирилади; тингловчиларга янги факт ва вазиятларни аввал ўрганган билимлари билан таққослаш таклиф этилади.

### **Ўқув машғулотининг якуний босқичи:**

Мавзу бўйича хулосалар орқали якун ясалади. Тингловчиларнинг саволларига жавоб берилади.

Ўқув машғулотининг натижалари изоҳланади:

- белгиланган мақсадга эришиш даражаси аниқланади;
- ўқув фаолият натижаларининг баҳолари эълон қилинади (имкони борича алоҳида).

Уйда мустақил ўқиб-ўрганишлари учун топшириқлар берилади (ишни бажаришга маълумотлар ва йўлланмалар тақдим этилади), уни баҳолаш кўрсаткичи ва мезонлари маълум қилинади. Зарур бўлганда қандай саволлар семинар машғулотида олиб чиқиши ва бошқа мустақил ўрганилиши лозим бўлган маълумотлар етказилади.

## **2. СЕМИНАР/АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ**

**Семинар** – таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда татбиқ этиш бўйича шароитни таъминловчи машғулотнинг ўқитиш шакли.

Семинар қуйидаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

- назарий материалларни тартибга солиш;
- кўникмаларни ҳосил қилиш;
- билимларни чуқурлаштириш ва назорат қилиш.

Семинар шаклидаги машғулотга ўтиш ўзаро ҳаракатни эшиттириш (трансляция) схемасидан мулоқотга ўтишни, монологдан диалогга ўтишни англатади.

Тайёргарлик ва семинарни олиб бориш бир қатор саволларга жавоб беришни талаб этади:

1. *Нима учун?* – вазифа ва семинарни олиб бориш умумий олганда таълим бериш мақсадларига мос бўлиши керак.

2. Семинар шаклида машғулотни олиб бориш технологиясини *Қандай қилиб?* - ишлаб чиқиш керак.

3. Семинар вақтида муҳокама қилиш керак бўлганда, материал мазмунида - *Нимани?* ишлаб чиқиш зарур.

4. Семинарни олиб бориш вақтида, яъни ҳисобга олиш муҳим бўлган омиллар - *Нимани ҳисобга олган ҳолда?* белгиланиши зарур.

5. Семинарни бошқариш учун унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ундан фойдаланиш мумкин бўлган, таъсир этиш воситасини - *Қандай йўл билан?* аниқлаш мумкин.

### **Малака ошириш курсларида ташкил этиладиган семинарларнинг асосий шакллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

<p><b>Кенг кўламли суҳбат.</b> Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва кўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қарата олиши; иш жараёнида очиқ берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.</p>
--

**Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади.

Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра истаган бир тингловчи ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича ёки семинар якунида ўз хулосасини тақдим этади.

**Муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб етишга ёрдам беради.

### **Ўқув машғулотининг таълим технологиясини амалга ошириш**

**Ўқув машғулотига кириш.** Семинар мавзуси ифодаланади; режалаштирилаётган ўқув натижалари айтилади ва уларни келгусидаги касбий фаолият учун аҳамияти тушунтириб берилади; семинар режаси ва ўқув машғулоти тузилиши маълум қилинади; семинардаги ўқув фаолиятининг баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари эълон қилинади.

Семинар ва маъруза машғулотининг мантиқий алоқаси кичик-маъруза, суҳбат, чалғитувчи ва муаммоли саволлар орқали таъминланади.

Текшириш ўтказилади/диагностика ва тингловчиларнинг семинарда тайёргарлиги баҳоланади.

**Ўқув машғулотининг асосий босқичи.** Танланган семинар машғулоти шакли билан мувофиқликда ўқув жараёнини ташкиллаштириш амалга оширилади: кенг қўламли суҳбат олиб борилади, бу жараёнда режанинг ҳар бир саволи бўйича тингловчилар фикр билдирадилар/маъруза ва рефератлар эшитилади ва муҳокама қилинади/мунозарага айланади/муаммоли топшириқлар, кейслар ҳал этилади/таълимий ўйин ўтказилади/ коллоквиум/пресс-конференция/ўқув лойиҳалар тақдимоти/кичик-гуруҳлар таркибида ўзаро ўқиш ташкиллаштирилади/ёзма (назорат) ишлари ёки махсус ўқув топшириқлар бажарилади.

Семинарда тингловчиларнинг билиш фаоллигини таъминлаш учун:

- семинар машғулоти муаммосини ечиш жараёнида ўқитувчи ва тингловчи ўртасида суҳбат ташкиллаштирилади;

- тингловчиларни ўз фикрларини билдиришларига, сўзга чиқишларига қизиқтириш амалга оширилади;

- тингловчиларнинг барча жавоблари ва фикрларининг амалий таҳлили ўтказилади;

- тингловчиларни конспектларда қайд этиб боришлари ташкиллаштирилади ва назорат қилинади.

- Семинар машғулотида мустақил иш натижаларини акс эттирувчи тингловчилар томонидан ёзилган конспект, жадвал, чизмалар ва бошқа материалларнинг тайёрланганлиги назорат қилиб борилади.

Танланган ўқитиш модели билан мувофиқликда қуйидаги самарали усуллар қўлланилади:

- Интерактив таълим методлари: аклий ҳужум, пинборд, муаммоли вазифа ва вазиятлар, кейсларни ечиш, таълимий ўйин, ўқув лойиҳалар методи, айлана стол атрофида эвристикли/ кенг кўламли суҳбат, мунозара ва бошқ.

- Оммавий, жамоавий ва гуруҳли (жуфтлик) таълим шакллари.
- Ўқитиш воситалари: мактаб ёзув тахтаси, флипчарт, компьютер жиҳозлари.
- Ўқув-услубий ва кўргазмали материаллар: ўқув материаллари, эксперт варақлари, йўриқномалар, ўқув топшириқлар, слайдлар ва ҳ.к.


- Тахмин қилинаётган ўқув натижаларига эришишни тезкорликда назорат қилишни таъминловчи қайтар алоқанинг йўллари: кузатиш, блиц-сўров, савол-жавоб, тест ўтказиш, конспектларни текшириш ва бошқ.

**Ўқув машғулотининг якуний босқичи.** Гуруҳли иш натижаларини ўзаро баҳолаш ташкиллаштирилади. Олинган натижалар умумлаштирилади. Якун ясалади. Тингловчиларнинг саволларига жавоб берилади.


Семинарда жамоавий иш натижаларига баҳо берилади. Тингловчиларни семинарда тайёргарлиги, уларни фаоллигига баҳо берилади. Ўқув машғулотининг натижалари изоҳлаб берилади:

- мақсадга эришиш даражаси аниқланади;
- алоҳида ўқув фаолиятининг баҳолари эълон қилинади.

### Семинарни педагогик бошқариш, унинг самарадорлигини баҳолаш



### Семинар машғулотининг самарадорлигини баҳолаш






## МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИДА ЭНГ КЎП ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

### Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

#### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



### Баҳс

**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

### Анжуман-баҳсининг роли

**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар муҳотида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалашни, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл кўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

### «Ақлий ҳужум»

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

## **МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРГАЗМАЛИ ТАҚДИМ ЭТИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ: ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР**




**Кластер**  
(Кластер – тутам, боғлаш)

Маълумот харитасини тузиш ва воситаси – барча фикр конституциясини фокуслаш ва аниқлаш учун қандайдир асосий омил атрофида ғояларни йиғиш. Билимнинг фаоллашишини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ассоциация тақдим этишга эркин ва очиқ кириб боришга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидалари билан танишади. Аудитория доскаси ёки катга қоғоз варағи марказида калит сўзлар 1-2 сўздан иборат тарзида ёзилади.

Калит сўзлар билан ассоциация бўйича ён томондан кичкина ҳажмдаги айланага “йўлдошлар” ёзилади – ушбу мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмаси. Улар чизик билан “бош” сўзга боғланилади. Ушбу “йўлдошлар”да “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин. Ёзувга ажратилган вақт тугагунга ёки ғоя йўқотулмагунча давом эттирилади.



**Тоифали жадвал**

Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).  
- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.  
- тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.


Тоифали шарҳни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий ҳужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гуруҳларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Ғоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин

**Ишнинг натижавий тақдими**

## МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, СОЛИШТИРИШ ВА ТАҚҚОСЛАШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

### Венн диаграммаси



### SWOT-таҳлил жадвали

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

### «Кучлар таҳлили» графиги



### «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қондаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## 1-МОДУЛ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАРИХИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

---

#### Режа:

- 1.1. Суғуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- 1.2. Суғурта бозорининг Республика молия тизимидаги ўрни ва роли.
- 1.3. Ўзбекистонда суғурта хизматларини ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.

#### Таянч иборалар

суғурта, суғурта маҳсулоти ва хизматлари, суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта бозори, суғурта муносабатларининг объекти ва субъектлари, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари.

#### 1.1. Суғуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Нотижарат суғуртанинг дастлабки шакллари эрамиздан 2000 йил олдин Бобил подшоҳи Хамурапи қонунларида, шунингдек форс кўрфази, қадимги Греция ва Миср, қадимги Римдаги савдогарларнинг ўзаро тузган битимларида ўз аксини топган.

Инсоният жамиятининг ривожланиб бориши билан суғурта жамиятлари ҳам ривожланиб, юксалиб борди. Рим империяси даврида диндорларнинг ўзаро бир-бирига ёрдам бериш сифатида пайдо бўлган суғурта жамиятлари замонлар ўтиши билан легионерларнинг ҳам суғурта жамиятлари барпо этишига олиб келган. Кейинчалик суғурта жамиятлари Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам турли шаклларда барпо этилган, жумладан Германияда савдо гильдалари шаклида вужудга келган. Бу суғурта жамиятлари ўз аъзоларига касаллик даврида ёрдам бериш, вафот этганда дафн маросимларини биргаликда ўтказиш билан чекланиб қолмасдан, вақт ўтиши билан алоҳида тармоқ сифатида ривожланиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий кучга айланган.

Тижоратга асосланган суғурта хизматлари эса асосан 15-16 асрларга келиб Европа мамлакатларида кенг ривожланди. Европа мамлакатларида суғурта жамиятлари фаолиятидан унинг аъзолари фойда олаётганини кўрган фуқаролар мулкий суғурта жамиятларига аъзо бўла бошладилар. Кейинчалик Англия, Германия, Ирландия, Франция, Шотландия мамлакатларида яшин уришдан суғурталаш ривожланди.

Гамбургда 1797 йили акционерлар суғурта жамиятининг ташкил этилиши суғурта бозорининг шаклланишига қўйилган дадил кадамлардан бири бўлди дейиш мумкин.

1866 йили АҚШда ҳам суғурта жамиятлари шаклланиб, универсал тариф ставкалари қабул қилинган. Бу суғурта жамиятлари асосан ёнғиндан суғурталаш билан шуғулланиб келган.

XX асрга келиб иқтисодий ривожланган дунё мамлакатларида давлат томонидан аҳолини суғурталаш тизими вужудга келди. XX асрнинг бошларида Европа мамлакатларида ишсизликнинг кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Англия ва бошқа мамлакатларда ишсизликдан суғурталаш давлат йўли билан мажбуран жорий этилди.

Туркистонда суғурта жамиятлари чор Россияси томонидан бу ўлкани босиб олиниб, Европа хўжалик тизимининг жорий этилиши билан пайдо бўлди. Бу суғурта жамиятларида асосан ёғ-мой ишлаб чиқарадиган заводларни ва пахта заводларини суғурталаш амалга оширилган.

Октябрь инқилобигача Ўзбекистонда суғурта ишида юксалиш сезилмади. Фақат октябр инилобидан кейин давлат янги суғурта тизимини жорий этиб, суғурта соҳасида давлат монополиясини ўрнатди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда турли ҳодисалардан суғурталаш Европа мамлакатларидагидек алоҳида суғурта компаниялари томонидан эмас, балки давлатнинг ягона суғурта ташкилоти (ГОССТРАХ) томонидан амалга оширилиб келинди.

Дунё мамлакатларида тижоратга асосланган суғурта ташкилотларининг кўпайиши суғурта бозорларининг вужудга келишига олиб келди ва суғурта бозорлари ҳудудий жиҳатдан мамлакатларнинг миллий бозори сифатида, географик жиҳатдан бир-бирига яқин мамлакатлар ўртасида минтақавий бозорлар сифатида ва халқаро бозорлар сифатида пайдо бўлди ва ривожланди. Кўрсатилаётган суғурта хизматлари хилма-хиллигининг ортиши билан алоҳида суғурта хизматлари бозорлари вужудга кела бошлади.

Суғурта бозори пулли муносабатларнинг алоҳида жараёни бўлиб, унда олди-сотди объекти сифатида суғурта хизматлари иштирок этади ва ушбу хизматларга нисбатан талаб ва таклиф ҳосил бўлади.

Суғурта бозори кўп факторли динамик тизим бўлиб, бу тизим доимий ўзаро муносабатда бўлувчи ва бирининг фаолияти бошқасининг фаолияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий элементлар, иштирокчиларнинг алоҳида гуруҳлари ва субъектлардан ташкил топган.

Суғурта барча қатламдаги одамларнинг ҳаёти ва иш фаолиятида мавжуд бўлган молиявий қалтисликлардан ҳимоя қилади. Суғурталовчилар машинага, уйга ҳаттоки ҳаётга етказилган зарардан ҳимоя қилади ва суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурталанувчига . ёки жабланувчига етказилган зарарларни қоплаб беради. Зарар кўрганлар суғурта шартномасига мувофиқ, полисда белгиланган тартиб асосида даъво аризаси билан мурожат этишлари мумкин. Суғурталовчилар одатда зарар етган объектни қайтара олмайдилар, лекин зарар туфайли юзага

келган иқтисодий тангликни молиявий йўл билан қоплашлари мумкин.<sup>1</sup>

Суғурта бозори амал қилишининг асосини такрор ишлаб чиқариш жараёнини ва унинг узлуксизлигини, ҳамда бир маромда фаолият кўрсатишини таъминлаш, бунинг учун иқтисодий субъектлар ва фуқароларнинг табиий, иқтисодий ва бошқа ҳодисалар туфайли кўрган зарарларини қоплаб беришдан иборат муносабатлар ташкил қилади.

Суғурта бозори турли хил мулк шаклидаги суғурта ташкилотларининг ўз суғурта хизматлари ва бошқа хизмат турларини бозорда таклиф этиши натижасида ҳосил бўлади. Суғурта бозори бир шаҳар, ҳудуд, мамлакат, минтақа миқёсида ва халқаро суғурта бозори сифатида шаклланади.

Суғурта бозори амал қилишининг зарур шарти суғурта хизматларига бўлган талабнинг ва бу талабни қондирадиган суғуртачиларнинг мавжудлигидир.

Суғурталовчилар бозорда ўзлари ишлаб чиқарган ўзига хос маҳсулот - суғурта хизматини таклиф этадилар. Ушбу хизматлар юзлаб, минглаб суғурта компаниялари томонидан сотилиши мумкин. Ўз-ўзидан бу ҳолат суғурта бозорида потенциал миқдорларни жалб этиш учун суғурта компаниялари ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади ва “маҳсулот”нинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Энг асосийси, потенциал суғурталанувчи ҳар томонлама ўзининг талабини қондирадиган “маҳсулот”ни сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

Бошқа товарлар ва хизматлар каби, суғурта хизматининг ҳам баҳоси талаб ва таклиф асосида шаклланади, бу баҳо ўзининг қуйи ва юқори чегараларига эга. Суғурта тушумларининг миқдори суғурта тўловлари ва суғурта ташкилотлари харажатлари миқдорига тенг бўлиши суғурта баҳосининг пастки чегарасини билдиради. Бундай шароитда суғурта компанияси асосий фаолиятдан фойда ололмайди. Кўп ҳолларда суғурта бозоридаги кескин рақобат, суғурта ташкилотларини потенциал миқдорларни жалб этиш мақсадида тариф ставкаларини камайтиришга мажбур этади. Чет мамлакатларда суғурталовчилар шундай ҳолатларда суғурта фаолиятдан зарар кўрганда, бу зарарни инвестиция фаолиятдан келадиган даромад ҳисобидан қоплайдилар.

## **1.2. Суғурта бозорининг Республика молия тизимидаги ўрни ва роли.**

Бутун бизнинг ҳаётимиз тасодифий ҳодисаларга бой ва бу ҳодисалар ҳар доим ҳам тотли бўлавермайди. Кўпчилик ҳодисалар соғлиққа, мол-мулкка, инсониятнинг яшаш турмушига, корхоналарнинг молиявий

---

<sup>1</sup> A.M. Best. Understanding the Insurance Industry. UK, 2014. 3 p.

ҳолатига зарар келтириши ёки кўзда тутилган режаларни ўзгартириб юбориши мумкин. Бундай содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар “қалтисликлар” номи билан боғлиқ. Кўзда тутилмаган қалтисликнинг содир бўлиши билан, табиийки унинг зарарларини қоплаш ва олдини олиш зарурияти юзага келади. Бусиз ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтовсизлигини таъминлаб, ҳаёт учун салбий таъсирини камайтириб бўлмайди.

Қалтисликларнинг инсонлар ҳаёти учун салбий таъсирини камайтириш бу “суғурта” орқали амалга оширилади, бунда содир бўлган салбий ҳодисалар оқибатларини бартараф этишга кетган харажатларни бир нечта хўжалик юритувчи молиявий субъектлар ўртасида тақсимлаш тушунилади.

Суғуртанинг молиявий бозор муносабатлари тизимидаги асосий тушунчалари моҳиятини англамасдан туриб суғурта секторининг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш масаласига нисбатан оқилона ёндашиб бўлмайди. Шулардан энг муҳимлари жумласига, қўйидаги асосий тушунчалар киради: суғурта, суғурта фаолияти, суғурта таваккалчилиги (суғурта хавфи)<sup>2</sup>, суғурта бозори, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари. Ушбу тушунчалар, одатда, суғурта фаолиятини тушунишга йул очиб беради. Уларнинг талқини эса суғурта ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ «Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан мўайян воқеа юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади»<sup>3</sup>. «Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти»<sup>4</sup> ни англатади. Суғурта таваккалчилиги (суғурта хавфи) тушунчаси– содир булиши ва зарар миқдори тасодифий булган ҳодисаларни англатади. «Суғурта бозори - суғурта ҳимоя (суғурта хизмати) олди-соттиси амалга ошириладиган ва унга талаб ва таклиф шаклланадиган иқтисодий пуллик муносабатларни айрим соҳасидир». Ҳамда шу қонуннинг 5-моддасида «Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанс суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидир. Суғурта брокери, қайта суғурта брокери

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисидаги» Қонунида «таваккалчилик», Фукаролик Кодексида «хавф» тушунчалари ишлатилган. Халқаро суғурта соҳасида эса «risk» атамаси қўлланилади.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси 358-II-сонли «Суғурта фаолияти тўғрисида» қонуни 2002 йил 5 апрел 3-модда

<sup>4</sup> Ўша манба 3-модда



ва суғурта агенти суғурта воситачилари ҳисобланадилар.»<sup>5</sup> деб қайд этилган.

Кўриб ўтганимиз, суғурта ва суғурта билан боғлиқ тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифларидир. Ушбу тушунчанинг мазмунини аниқлаш учун эса суғуртанинг келиб чиқиш сабабларини кўриб чиқамиз. Улар жамият ва унинг субъектлари учун маълум миқдорда зарар келтириши мумкин бўлган табиий, ижтимоий, хусусий, иқтисодий қалтисликларнинг мавжуд бўлиши каби жамият фаолияти объектив шароитларнинг таъсирига ва давлатнинг ижтимоий вазифаларига боғлиқ. Демак, суғурта муносабатлари вужудга келиши учун суғуртага нисбатан эҳтиёж бўлиши керак. Ушбу эҳтиёж, бир томондан, ўз фаолиятидаги (иқтисодий фаолиятидаги ҳам) қалтисликларни камайтиришга интиладиган субъект – фуқаролар, уй хўжаликлари ёки тадбиркорлар (суғурта қилдирувчилар) да ва иккинчи томондан, бундай қалтисликларни камайтириш имконини берувчи тузилмалар (аниқ суғурта воситалари орқали) – ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар (суғурта ташкилотлари) да юзага келади. Шундай қилиб, суғурта – бу авваламбор, қалтислик ва уни барқарорлаштириш борасида суғурталовчи билан суғурта қилдирувчи ўртасида юзага келадиган муносабатдир.

Одатда суғурта қилинадиган қалтисликлар: тасодифийлиги, жуда катта зарарга эгалиги, юзага келган зарарни натурал ёки пул формасида ўлчовга эгалиги, олдини олиш зарурияти, содир бўлган ҳодисани зарарини қоплаш ва оқибатларини бартараф этиш каби белгиларга эгадир.

Буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида суғурта соҳаси алоҳида рол ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш унда суғурта бозорининг ролини сезиларли даражада оширишни тақозо этади. Давлат, марказлашган суғурта (заҳира) жамғармалари, хўжалик субъектларининг ўзини-ўзи суғурта қилиш жамғармалари ва суғурта компанияларининг жамғармалари ўртасидаги нисбат тубдан ўзгармоқда. Давлат суғурта (заҳира) жамғармалари аввалги етакчилигини йўқотиб бормоқда. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг айрим субъектларини хатарлардан ҳимоялаш ва уларга тегишли бўлган маблағларни жамғариш каби анъанавий вазифалардан ташқари, хатарларни бошқариш, уларнинг оқибатларини камайтириш чора тадбирларини амалга оширишда суғуртанинг роли йил сайин ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси суғуртанинг назарий асосини, бирон бир ислоҳ қилинаётган иқтисодиётнинг ўзига хос шароитларига тадбиқан суғурта бозорини ислоҳ қилиш усуларини янада чуқур тадқиқ этишни талаб қилади.

Иқтисодий тараққий этган давлатларда суғурта кундалик ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўпчилик Фуқаролар фақат ўз ҳаётларинигина эмас, балки бутун мол-мулкни,

---

<sup>5</sup> Ўша манба 5-модда

фарзандларининг ҳаётини тўлиқ суғурталагани айни ҳақиқатдир. Улар суғуртани «тинч ҳаёт кечириш учун тўлов» деб талқин этадилар.<sup>6</sup> Бу ўринда мазкур давлатларда суғурта муносабатлари бир неча ўн ва ҳатто юз йиллардан бери ривожланиб келаётганига эътиборни қаратиш лозим.

Суғуртанинг моҳияти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Истиклол йиллари суғуртанинг янада ривожланиши учун шундай қулай шароитлар яратилдики, бунинг натижаси ўлароқ, суғурта бозори кескин суръатларда ривожланмоқда. Агар собиқ иттифок даврида мамлакат ичкарисидаги барча суғурта ишлари фақат «Госстрах» деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги 34 га яқин суғурта ташкилоти томонидан 200 дан ортиқ суғурта хизмат турлари кўрсатилмоқда ва ушбу ҳолат суғурта бозорининг мамлакат иқтисодиётидаги салмоғини орттирмоқда. Суғурта ташкилотларининг сонининг ортиб бориши суғурта қилдирувчиларга танлаш имконини беради, ўзаро рақобат муҳитини шакллантиради ва иқтисодиётнинг ўсишига салмоқли таъсир кўрсатиш имконини беради. Суғурта бозорининг тез суръатларда ўсиши молиявий тизимнинг ривожланиши ва жамиятнинг ривожланишга қараб илдамлашида муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта бозори ҳудудий жиҳатдан миллий, минтақавий ва жаҳон суғурта бозори кўринишида шаклланади. Миллий суғурта бозорининг асосини давлат ичида ташкил этилган суғурта ташкилотлари ташкил этади. Ушбу бозорга таъсир кўрсатувчи омилларни ташқи ва ички омилларга бўлиш мумкин. Ташқи омилларга давлатнинг иқтисодий ва суғурта сиёсати, ушбу мамлакатга чегарадош давлатлар ва жаҳондаги иқтисодий ҳолат, суғурта бозорларининг таъсири, молиявий инфляция, валюта курсининг ўзгариши кабиларни киритиш мумкин. Ички омиллар сифатида бозор инфратузилмасининг шаклланганлик ҳолати, ташкилотларнинг капитализация даражаси, малакали кадрлар билан таъминланганлиги, потенциал суғурталанувчиларнинг демографик ҳолатини келтириш мумкин.

Молиявий тизимнинг моҳияти бир томондан молиявий захираларнинг ҳаракатини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда кўринади, бошқа томондан эса давлатнинг табиатига боғлиқ, яъни давлатнинг аҳоли олдидаги ўз функцияларини бажариши учун солиқ ва солиқ бўлмаган кўринишдаги мажбурий молиявий ресурсларни йиғишда ўз аксини топади. Шундай қилиб молиявий тизим – молиявий захиралар фондларининг турли кўринишдаги йиғиндиси бўлиб, бунда давлатнинг тасарруфида бўлган, иқтисодиётнинг нотижорат сектори, алоҳида молиявий институтлар ва аҳолининг зиммасига тушадиган вазифаларни бажариши, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириши учун мўлжалланган молиявий


---

<sup>6</sup> Т.С. Маликов, Н.Х. Ҳайдаров, МОЛИЯ: умумдавлат молияси, Ўқув қўлланма.-Т: IQTISOD-MOLIYA, 2009, 426-бет.

ресурслар фондларидир.

Давлатнинг молиявий тизими ташкилий тузилмасини молияни бошқариш тизими билан боғлиқ молиявий ташкилотларнинг ва институтларнинг йиғиндиси ташкил этади. Молиявий фаолият билан боғлиқ бошқарувни давлат бошқарув органлари ва ҳокимиятлар амалга оширадilar. Молиявий тизимнинг институтлари ва органлари таркиби 1.1-расмда келтирилган.

Молиявий тизимнинг ҳар бир аъзоси такрор ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқич ва даврида ўз таъсирини ўтказди. Давлатнинг тасарруфида бўлган пул фондларининг марказлашган тизимини англатувчи «давлат молияси» мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда ва ижтимоий ривожланишида катта аҳамият касб этади. Давлат монетар сиёсат, инфляция даражаси, умумишлаб чиқаришнинг асосий тақсимоти, молиявий ресурсларнинг иқтисодиёт, ҳудуд, соҳалараро тақсимоти, шунингдек, мамлакатдаги иқтисодий, инвестицион, ижтимоий жараёнларнинг параметрларига ўз таъсирини ўтказди. Шу билан бир қаторда, бюджетдан ташқари фондлар орқали амалга ошириладиган ижтимоий суғурта аҳолининг ногиронлик, нафақа, меҳнатга лаёқатлилиги билан боғлиқ шахсий манфаатларининг ҳимоясини амалга оширади. Давлат кредити суғурта тизимига ўз таъсирини, суғурта ташкилотларидан қарз олиш ёки аксинча қарз бериш билан ўтказди. Давлат, суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигига кафил бўлиб ҳам чиқиши мумкин.



### 1.1-расм. Давлат молиявий тизимининг тузилмаси<sup>7</sup>.

Ташкилот, корхоналар молияси бирламчи фойда ва жамғармаларни

<sup>7</sup> С.В. Ермасов, Н.Б. Ермасова «Страхование» Дарслик. «Высшее образование» нашриёти, 2008. 87-бет.

шакллантириши орқали такрор ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади. Кўпгина ташкилотларда такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш жараёни фақатгина ўз маблағлари эмас, банклар кредити, суғурта ташкилотларининг бўш маблағлари, қимматли қоғозлар бозорида молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали билан ҳам амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, тижорат ташкилотлари, ижтимоий ташкилотлар ва жамғармалар транспорт воситалари, мол-мулки, молиявий ва техник қалтисликлари суғурталаниши бу ташкилотларнинг узлуксиз ва иқтисодий жараёнларининг барқарор ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, суғурта – такрор ишлаб чиқариш жараёнининг микро ва макродаражаларида тартибга солиб турувчи, молиявий тизимнинг муҳим таркибий қисмидир. У аҳоли фаровонлиги, бизнес ҳимояси ва ишлаб чиқаришнинг тўхтовсизлигини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан суғурта тизимини бошқариш ва тартибга солиш объектив зарурият ҳисобланади. Суғурта бозорида гоҳида суғурта ташкилотлари рақобатни чегаралаш мақсадида ҳамкорликда иш олиб боришлари ва бошқа суғурта ташкилотларининг бозорда фаолият кўрсатишларига қарши чоралар кўришлари, тарифларни сунъий равишда оширишга ҳаракат қилишлари, суғурта шартномалари шартларини бажариш билан боғлиқ суғурта қилдирувчилар ҳуқуқларининг поймол бўлишига сабаб бўладиган ҳолатларга йул қўйишлари мумкин. Ушбу ҳолатларни бартараф этишда давлат назоратчи вазифасини бажаради.

Давлат суғурта тизимининг ривожланишини таъминлайдиган қонунларни такомиллаштириб бориши ва уларнинг реал амал қилишини ҳам таъминлаши лозим. Ҳар қандай суғурта компаниясининг фаолияти молиявий тизим билан чамбарчас боғланган бўлиб, ушбу молиявий тизим ичида суғуртачи ўз фаолиятини амалга оширади. Барча суғурта компаниялари ўзаро муносабатлари замирида суғурта тизими шаклланади ва ушбу тизим ичида компаниялар манфаатлари уйғунлашади.

### **1.3. Ўзбекистонда суғурта хизматларини ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.**

Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданияти ҳисобга олинган ҳолда ислоҳ этилган ва миллий суғурта бозори ташкил

топиши ва шаклланиши секин асталик билан тубдан ўзгариб борган ва бир нечта босқичларни босиб ўтган<sup>8</sup>.

Республикамиз суғурта бозори ислоҳ этилишини биринчи босқичи (1991-1996 йиллар) суғурта бозорига хусусий суғурта компанияларни кириб келиши ва Давлат суғуртаси(Госстрах)ни трансформацияси жараёни бошланиши билан боғлиқ бўлиб, шаклланаётган тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси билан қўллаб қувватланган. 1991 йилнинг ўзида миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилинишини қонуний расмийлаштирилишига асос солган “Ўзбекистон Республикасидаги тадбиркорлик ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги каби ўша даврнинг прогрессив қонунлари қабул қилинган. “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси” (кодекснинг 52-боби суғурта масалаларига бағишланган) амалга киритилгунига қадар (март 1997 йил) “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги қонун хўжалик юритувчилар томонидан Республикамизнинг ўзига хос иқтисодий конституцияси сифатида қаралган.

1992 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 605-сонли қарори билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1979 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон ССР давлат текшириш органлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 700-сонли қарори бекор қилиниб, “Ўзбекистон давлат суғурта органлари тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бош бошқармаси (“Ўздавсуғурта”) ва унга бўйсунувчи давлат суғурта бошқармалари ва назорат муассасалари Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари ҳисобланган. “Ўздавсуғурта” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бўлиб, тўла хўжалик мустақиллиги шароитида иш олиб борган ва давлат суғурта органларининг ягона тизимини ташкил этган<sup>9</sup>.

Бу даврда нодавлат суғурта компаниялари фаолият юритган бўлсаларда, суғурта соҳасида Давлат суғурта органлари устун келган. Чунки, “Ўздавсуғурта” бутун Республика бўйича тарқалган кенг тармоқли ва барқарор давлат структураси имиджига эга бўлган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрдаги қарорлари билан амалга киритилган, фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси ва қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси каби ва бошқа суғуртага оид қонун ҳужжатлари “Ўздавсуғурта”га мажбурий суғуртани амалга оширишга устунлик берган.

---

<sup>8</sup> Умаров С.А. Становление и развитие рынка страховых услуг в Узбекистане. // Страховое дело, – Т.: 2007. №1. – С. 32-35.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси қарори. Ўзбекистон давлат суғурта органлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – Т., 1992. 12-сон, 40-модда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, эркин рақобатни талаб қилиши ва Ўзбекистон Республикасида секин асталик билан Давлат суғурта ташкилоти ўрнида янги суғурта ташкилотларини тузиш зарурияти туғилганлиги сабабли, 1993 йил 6 майда тижорат суғуртаси амалга оширилишига, суғурта фаолияти давлат назоратига ва миллий суғурта бозорида чет эл суғурталовчиларнинг фаолият юритишларига ҳуқуқий асос солган ҳамда “Ўздавсуғурта”нинг якка ҳокимлигини бартараф этилишига манба бўлиб хизмат қилган “Суғурта тўғрисида”ги қонун амалга киритилди.

Лекин, 1997 йилга қадар барча нодавлат суғурта компаниялари хиссасига умумий суғурта муқофотлари тушумининг бир фоизидан ҳам кам бўлган улуш тўғри келган<sup>10</sup>.

Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиш динамикаси 1.2-расмда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги қонуни амалга киритилганидан сўнг, 1994 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг суғурта химоясини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 206-сонли қарорига асосан “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб, устав сармояси 100 миллион АҚШ доллари бўлган Ўзбекистон Республикасига йўналтирилаётган хусусий чет эл инвестицияларини сиёсий таваккалчиликлардан суғуртавий таъминлайдиган “Ўзбекинвест Интернешнл” компанияси ташкил этилди ва Лондон шаҳри(Буюк Британия)да руйхатдан ўтказилди.

Бундан ташқари Республикамиз ҳудудида “Уз-АИГ” ва “Узбексуғурта-АОН-Лиху” қўшма суғурта компаниялари, “Умид”, “Йўловчи” каби хусусий компаниялар ва бошқа 60 тага яқин давлат ва хусусий суғурта компаниялари фаолият юритган<sup>11</sup>.



<sup>10</sup> Мирсадыков М.А. Этапы реформирования страхового рынка республики как важнейшего элемента финансовой инфраструктуры страны. Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари (Халқаро илмий-амалий конференция). – Т.: Молия, 2005. – С. 125.

<sup>11</sup> Чжен В.А ва бошқалар. Бозор қонуниятлари асослари. – Т.: Тошполиграфкомбинат, 1996. – 385-386-б.

Суғурта бўйича Молия вазирлигини Бош бошқармаси	Давлат ва давлат-акционер компаниялари Акционер компаниялари Жамоа компаниялари Хусусий компаниялар	Акционер компаниялар Жамоа компаниялари Хусусий компаниялар	
Суғурта хизматларни режалаштирилган ҳажми ва тасдиқланган номенклатураси	Суғурта хизматлар номенклатураси ошиши	Суғурта хизматлар сифати ошиши	Суғурта хизматлар номенклатураси ва сифати ошиши
Ракобатликни йўқлиги	Янги компаниялар учун катта имкониятлар борлигида ракобатлик	Рақиблар камроқ, лекин улар кучлироқ	Энг самарали суғурта компаниялар ўз фаолиятини амалга оширишади
Талабчан бўлмаган истеъмолчилар	Суғурта бозорни каттагина амалга оширилмаган потенциални мавжудлиги	Истеъмолчиларни суғурта хизматлар сифатига талабларини кучайиши	Суғурталовчилар уюшмалари ва суғурта қилдирувчилар иттифоклари кўпайиши
<b>ЎТМИШ</b>	<b>ЯҚИН ЎТМИШ</b>	<b>ҲОЗИРГИ ЗАМОН</b>	<b>КЕЛАЖАК</b>

## 1.2-расм. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиш динамикаси<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил қилиш тўғрисида”ги фармони билан тадбиркорликни ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ҳаракати давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳамда кредиторларга қарз капитали эвазига кафолатлар берилишини кўзда тутувчи дастурларни рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилиши мақсадида 10,0 миллион сўм устав жамғармаси билан “Мадад” суғурта агентлиги ташкил этилди.

1993 йил 7 майда қабул қилинган “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобил транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги, 1994 йил 16 июлдаги “Кўмир, нефт, газ қазиб олиш ва геология разведка ишлари тизими ходимларининг

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

мажбурий давлат суғуртаси тўғрисида”ги ҳамда 1994 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги қарорлари айрим соҳаларда рискларни камайтиришга, ушбу суғурта турларини амалга оширувчи суғурта компаниялари структурасини ривожланишига хизмат қилиб, шароит яратган ҳолда суғурта соҳасидаги шу даврнинг суғурта соҳасини ривожланиши учун шароит яратиб берган муҳим қонун ҳужжатлари бўлди.

Иккинчи босқич(1997-2002 йиллар)ни бугунги кунда пешқадам бўлган суғурта бозорининг асосий иштирокчилари шаклланган босқич деб атасак муболаға бўлмайди.

Бу босқичда, ҳукуматимиз раҳнамолигида бозор иқтисодиёти шароитига хос йирик суғурта компаниялари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. Компаниянинг устав сармояси 60 миллион АҚШ долларига тенглаштирилди ва даромаддан олинадиган солиқдан ҳамда мулк солиғидан беш йил муддатга озод қилиниб, солиқ солишдан озод қилинган барча маблағлар компаниянинг устав сармоясини ҳамда унинг суғурта захиралари жамғармасини кўпайтиришга йўналтирилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги ПФ-1713-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Давлат суғурта Бош Бошқармаси негизда очик акциядорлик жамияти шаклида 2000,0 миллион сўм устав жамғармаси билан “Ўзагросуғурта” Давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилди ва шу билан суғурта соҳасидаги давлат монополиясига барҳам берилди<sup>13</sup>.

“Ўзагросуғурта” Давлат-акциядорлик суғурта компанияси ҳам даромад солиғи ва мулк солиғи тўлашдан беш йил муддатга озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги ПФ-1713-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги "Ўзагросуғурта" Давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, корхоналар ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли мулкий манфаатларининг суғурта ҳимояси компания фаолиятининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

---

<sup>13</sup> Мирсадыков М.А. Этапы реформирования страхового рынка республики как важнейшего элемента финансовой инфраструктуры страны. Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари (Халқаро илмий-амалий конференция). – Т.: Молия, 2005. – С. 125.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ва 1993 йил 23 декабрдаги “Жамоа, давлат хўжаликлари ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари мол-мулкининг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”ги қарорлари бекор қилинди.

Кўп ўтмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги 144-сонли қарори билан “Кафолат” Давлат акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилди ва Республика шаҳарларида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш “Кафолат” Давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолиятининг устувор соҳаси этиб белгиланди. Шунингдек, мазкур суғурта компанияси суғуртанинг мажбурий давлат турларини ўтказишга вакил қилинди<sup>14</sup>.

Шу тариқа, бу даврда суғурта бозори бўлинди, ихтисослашди. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ташқи иқтисодий фаолият ва чет эл инвестициялари соҳасида, “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик суғурта компанияси қишлоқ хўжалиги рискларини суғурталашда ва қишлоқ жойларида транспорт эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини амалга оширишда, “Кафолат” Давлат акциядорлик суғурта компанияси шаҳар жойларида транспорт эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртасини ва бошқа мажбурий давлат суғуртаси турларини амалга оширишда ҳамда шаҳарларда жойлашган юридик ҳамда жисмоний шахсларни суғурталашда, “Мадад” суғурта агентлиги эса тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурталашда фаолият кўрсатиб, машғул бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (март 1997 йил) амалга киритилиши билан суғурта бозорининг асосий ва муҳим бўлган қонун ҳужжатлари шаклланиши ўз ниҳоясига етди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, суғуртанинг мажбурий турларини амалга оширишдаги Давлат суғурта ташкилотларининг яқка ҳокимлигини бартараф этди ва бу ҳолат нодавлат суғурта ташкилотлари ривожланишининг рағбатлантирувчи омили бўлиб хизмат қилди.

Бу босқични Ўзбекистонда суғурта фаолиятини Давлат томонидан назорат қилишни шаклланиши босқичи деб ҳам аташ мумкин.

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Кафолат Давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – Т., 1997. 144-сон. 56-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори билан суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш функциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилди. Вазирликнинг марказий аппаратида суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилди<sup>15</sup>.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан Республикада фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари зиммасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида қайта руйхатдан ўтиш мажбурияти юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларини қайта руйхатга олиш тўғрисидаги вақтинчалик низом”га мувофиқ қайта руйхатдан ўтказилган суғурта ташкилотларига берилган қайта руйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ўзига хос лицензияни ифода этган<sup>16</sup>.

Бу даврда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган суғурта ташкилотларининг активларига доир мажбуриятларини меъёрий нисбатларига алоҳида талаблар қўйилди, суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан суғурта ташкилотлари фаолиятини текшириш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланди, давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этилаётган қурилишлардаги қурилиш таваккалчиликлари мажбурий суғуртаси жорий этилди, суғурта ташкилотлари мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказишни, суғурта агентлари фаолиятини<sup>17</sup>, суғурта ташкилотлари томонидан суғурта резервларини жойлаштирилишини ҳамда ҳаёт суғуртасидан ташқари суғурта турлари бўйича суғурта резервларини шакллантиришни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон суғурта бозори шаклланиб, ривожланишининг учинчи босқичи 2002 йил бошида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан бошланиб бугунги кунда ҳам давом этмоқда<sup>18</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни суғурта муносабатлари иштирокчиларининг аниқ ҳуқуқ чегараларини, суғурта фаолияти иштирокчилари таркибини белгилаб

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Низоми. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларини қайта руйхатга олиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, – Т., 1998. №5 40-модда.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Низоми. Суғурта агентлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, – Т., 2003. №19. 15-модда.

<sup>18</sup> Мирсадыков М.А. Этапы реформирования страхового рынка республики как важнейшего элемента финансовой инфраструктуры страны. Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари (Халқаро илмий-амалий конференция.) – Т.: Молия, 2005. – С. – 125-126.

берди. Суғурта иккита соҳага, ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш) ва умумий суғурта (шахсий, мулкӣ суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари) соҳаларига бўлинади. Суғурта соҳалари эса суғурта таваккалчиликлари ёки улар гуруҳларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ суғурта турлари(класслари)га бўлинди.

Суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминланиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги фармонида мувофиқ мулкчилик шаклларида катъий назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинди ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсад, яъни мазкур ташкилотларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шаҳобчаларини ташкил этишга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилди. Шунингдек, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташланиши жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори<sup>19</sup> Ўзбекистон суғурта бозорида кескин бурилиш ясади. Илк бор суғурталовчиларнинг устав капиталининг энг кам миқдорларига катъий талаблар белгиланди. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом, суғурта фаолияти классификатори тасдиқланди. Суғурта фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотди, айримларига суғурта фаолиятини, жумладан мажбурий суғурта турларини эркинлаштириш, суғурта бозорида рақобатни шакллантириш борасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бу босқичда бир қатор суғурта агентлари фаолиятини, суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятларини тартибга солувчи, суғурталовчининг раҳбарига ва бош бухгалтерларига бўлган малака талаблари меъёрлари, суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларини шакллантиришнинг ўзига хос

---

19 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. – Т.: 2002. 27 ноябрдаги 413-сон.

хусусиятлари борасидаги, суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва тўлов қобиляти меъёрларини аниқлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта ишланди ва янгилари қабул қилинди.

Давлат томонидан суғурта хизматлари бозори ривожланишига шароит яратувчи ҳужжатлардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”ги Қарори бўлди. Мазкур қарор билан суғурта бўйича хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>20</sup> билан 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастурда суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш, суғурта соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар белгиланди.

Мазкур қарор билан суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги низом тасдиқланди ва фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларига (суғурталовчилар) устав капитали миқдорларига бўлган талаблар оширилди.

Суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очиқ ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта

---

20 Ўзбекистон Республикаси қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – Т., 2007 йил 10 апрель, ПҚ-618-сон.

хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, потенциал хорижий инвесторларга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига инвестициялашда кўмаклашиш, республика аҳолиси ўртасида суғурталаш масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш, суғурталаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал қатнашчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш масалалари фаолиятининг асосий йўналишлари бўлган Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси ташкил этилди<sup>21</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан “Суғурта агентлари тўғрисида”ги, “Суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида”ги низомга ҳамда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом ҳамда суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли қарори билан тасдиқланган 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ 2008 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантиришга қаратилган муҳим ҳужжат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди<sup>22</sup>. Мазкур қарор билан суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдорларига бўлган талаблар оширилди, суғурталовчиларга қимматли қоғозлар бозорида тегишли лицензиясиз инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Президентимизнинг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – Т., 2007 йил 10 апрель, ПҚ-618-сон.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 10 апрель, ПҚ-872-сон.

қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг биргаликдаги қарори билан “Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Суғурта фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 сентябрдаги 202-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига киришига розилик берилди. Бу ўз ўрнида суғурта назорати бобидаги халқаро тажрибалар республикамизга кириб келишига ва суғурта бозори ривожланишига ўзига хос замин яратади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозори суғурта соҳасидаги давлат сиёсати туфайли ривожланиб, шаклланган ва бугунги кунда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича энг муҳим ва асосий ҳуқуқий база яратилган. У суғурта фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек бир қатор бошқа суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонуности ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборатдир.

Баён қилинганларнинг ҳаммаси суғурта соҳаси, яъни Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиши, шу жумладан суғурталаш ишлари амалиёти хусусан суғурта андеррайтинги ривожланиши учун асос бўлиб, шарт-шароит яратмоқда. Охирги йиллар давомида аҳолининг суғуртага бўлган муносабатлари тобора яхшиланиб, фуқароларнинг суғурталовчиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндошилмоқда. Республикамиздаги суғурта компаниялари ходимлари профессионалликлари ҳам сезиларли даражада ошди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий суғурта бозори ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданияти ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич ислоҳ этилган ва Ўзбекистон суғурта бозори суғурта соҳасидаги давлат сиёсати, раҳнамолиги ва қўллаб-қувватланиши (солиқ имтиёзлари бериб борилиши, янги суғурта компаниялари ташкил этилиши ва х.к.) туфайлигина ривожланиб, шаклланган.

## 2-МОДУЛ. СУҒУРТА БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИ

---

### Режа:

2.1. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий тавсифи ва асослари.

2.2. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойиллари.

2.3. Ўзбекистонда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишдаги муаммолари ва такомиллаштириш истиқболлари.

### Таянч иборалар

суғурта назорати, мажбурий суғурта, суғурта фаолиятини лицензиялаш, суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта бозори, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари.

### 2.1. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий тавсифи ва асослари.

Суғурта тизими жорий этилиши ишлаб чиқариш секторидаги суғуртанинг барча турларини таъминлаш имкониятига эга бўлган барқарор суғурта индустриясини ривожлантириш марказлашган режали иқтисодиётдан транзит иқтисодиётга муваффақиятли ўтишидаги асосий жиҳатлардан биридир. Албатта ҳар қандай ўзгартиришларда ҳам маълум жиҳатли ноаниқликлар бўлади, айниқса иқтисодий сиёсий ва ижтимоий ўзгартиришлардаги жузъий эҳтиётсизликлар каттадан-катта салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам бу кўрсатмалар орқали юзага келадиган ноаниқлик ва мавҳумликнинг ўсиб бориши эса иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади. Албатта суғурта ноаниқликлардан бутунлай халос бўла олмайди, аммо у маълум маънода хусусий корхоналарнинг ҳам, шунингдек оддий фуқароларнинг ҳам молиявий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Суғурта – ишлаб чиқарувчи компания эгаларини ортиқча ташвишлардан халос этиб, уларнинг асосий эътиборини ишлаб чиқариш таваккалчилигага қаратиш учун имконият яратади. Шунингдек суғурта янги, юқори ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналарни тузиш жараёнини молиявий таъминлашда, қолаверса бутун иқтисодий ривожланиш даврида муҳим аҳамият касб этувчи омил сифатида ҳамда узоқ муддатли корхоналарни ҳар хил ҳодисалардан ҳимоя қилишда ўз хизматини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз суғурта тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу тармоқни изчил тараққий эттириш Президент И.Каримов ва ҳукуматнинг доимо диққат эътиборида бўлиб келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида таъкидлаб ўтди: “Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири – тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Улар мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортиқ суғурта хизматини таклиф этмоқда”<sup>23</sup>.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар: “Молия бозорида турли суғурта компаниялари борган сари фаол иш олиб бормоқда. Республиканинг собиқ Давлат суғурта бошқармаси қайта тузилди, унинг вазифалари анча ўзгартирилди. Акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб боровчи қирқдан ортиқ давлатга қарашли бўлмаган суғурта компанияси тузилди. Таваккалига қилинадиган ишларни сиёсий ва тижорат жиҳатдан суғурталаш, банк ва биржа операцияларини суғурталаш жараёни бошланди”<sup>24</sup>.

“Иқтисодиётимиз вужудга келтирилган мустаҳкам ҳуқуқий нормалар негизида институционал ўзгаришларга таяниб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб, барқарор ва собитқадам бўлиб бормоқда.

Умуман бозор инфраструктураси шакллантирилди. Банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва хом-ашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмаларининг янги тармоғи вужудга келтирилди. ... Энг муҳими, бозор тузилмалари амалда ишлай бошлади”<sup>25</sup>.

Суғурта компанияларининг фаолияти бошқа турдаги хўжалик субъектлари фаолиятдан кескин фарқ қилади. Чунки, улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ҳодисалари рўй берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу ҳолат, суғурталовчилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди ва шунинг учун, улар давлат томонидан назорат остига олинмоғи зарурдир. Суғурта фаолиятини давлат томонидан назоратга олишни шартли равишда 3 га бўлиши мумкин. Улар қуйидагилар: махсус назорат органи, солиқ ва мажбурий суғуртани жорий қилиш.

Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш турли шаклларда, хусусан, махсус қонунлар қабул қилиш, солиққа тортиш, аллоҳида ҳукумат қарорлари билан мажбурий суғурталашни жорий қилиш ва ваколатли суғурта назорати хизматини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Бозор тизими механизми яхши йўлга қўйилган ва ўз-ўзидан тартибга солувчи яширин имкониятларга эга бўлишига қарамай, тез-тез ҳамда мунтазам равишда издан чиқиб туради. Баъзан бу издан чиқишлар шундай кўламда рўй берадики, оқибатда иқтисодиёт барқарор мувозонат ҳолатига

<sup>23</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. - Т.:Ўзбекистон, 2003.-39- б.

<sup>24</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.:Ўзбекистон, 2005. – 100-б.

<sup>25</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.:Ўзбекистон, 1997. - 207-209-б.



келиши учун кўп вақт талаб қилинади. Бозор тизимида суғурта фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши ва давлатнинг ўрни ижобий натижа беради. Ваҳоланки иқтисодиётга давлатнинг аралашуви зарурлигини XVIII асрдаёқ маркантистлар исботлаб беришган эди. Бахслашаётган томонлардан бири суғурта фаолияти тизими ўзини-ўзи бошқариш ва тартибга солиш мумкинлигини исботлашга жон-жаҳди билан уриниб, давлат статистика ва назоратчи вазифасини ўташи лозим дейди.

Бошқа томон эса томоман бунинг аксини исботлашдан чарчашмаяпти. Уларнинг фикрича, бозор тизимида суғурта фаолиятини, ўзини-ўзи тартибга солиш қобилияти шунчалик пастки, у бутун иқтисодиёт ва унинг айирим тармоқлари танг ҳолатга тушмасдан тикланиб олишини таъминлай олмас ва иқтисодий тараққиёт даражалари тузилма жиҳатдан баравар бўлишини кафолатлай олмаслиги мумкин.

Суғуртанинг ўзини-ўзи бошқара олмаслигини исботлашга уринган иқтисодий тафаккурдаги иккинчи оқим XX асрда юзага келди. Бу пайтга келиб капиталистик бозор тизими қарийиб 400 йилдан бери ривожланиб келаётган эди. Лекин айтиш мумкинки, унинг камчилиги ва нуқсонлари ҳам намоён бўлган эди. Тарихнинг ўтиши ва кескин бурилиши даражасида давлатнинг аҳамияти айниқса катта бўлади. Бунда асосан бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш ва жаҳон молиявий инқирози даврлари назарда тутилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки саноати ривожланган мамлакатнинг суғурта тизими кўплаб ишлаб чиқарилган норматив ҳужжатларнинг етарлилиги, суғурталанувчи гуруҳларнинг эҳтиёжларини қаноатлантирилишига аниқ қаратилганлиги билан ажралиб туради. Унга бир томондан суғурталанувчиларнинг энг мураккаб талабларига жавоб бера оладиган, мослашган ва ишлаб чиқарилган суғурта қоидалари, йўриқномалари ҳосдир. Иккинчи томондан эса у жамият олдида юзага келаётган ниҳоятда муҳим муаммоларни баъзи ҳолларда ҳал эта олмайди. Бундан ташқари, суғуртанинг қуйида келтирилган муаммоларини ҳал қила олмаслиги суғурта фаолиятига давлат томонидан тартибга солиниши зарурлигини табиий равишда шарт қилиб қўяди.

1. Суғурта тараққиёти кўламини кескин ривожланиб бориши халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди. Суғурта тараққиёти шунчалик кўп қиррали ва шундай муаммоларни ўз ичига оладиган ҳатто энг йирик айрим компаниялар ҳам уларни удралай олмайди. Суғурта фаолиятини сиёсий молиявий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан назорат қилиш мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга.

2. Суғурта соҳасининг ривожланиши, ўз моҳиятига кўра рақобатли иқтисодиётнинг бўлишини инкор этадиган монполиялар, улкан компаниялар вужудга келишига олиб келади. Ваҳоланки, уларни ана шу иқтисодиёт дунёга келтирган.

3. Бозор иқтисодиётининг циклик ривожланиши вақт-вақти билан ижтимоий ва иқтисодий танглик оқибатида ҳар хил ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Фақат давлатгина ўзининг сиёсий, иқтисодий, қонуний механизмлари орқали мувозанатни барқарорлаштириши ёки мувозанатнинг тикланишига ёрдам бериши мумкин.

4. Давлат ўзини назарга олишга мажбур қила олсагина, ҳеч кимга ва ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган иқтисодий қудратга, аниқроқ айтганда мулкка эга бўлсагина ички ҳамда ташқи сиёсатни самарали олиб бориш мумкин. Давлат ушбу қудрат асосида ўзининг суғурта фаолияти назоратини ишлаб чиқаришини ташкил этадики, у бошқа ишлаб чиқаришлардан йирикроқ, турғунроқ, бақувватроқ ва мослашувчанроқ бўлади. Бинобарин, унда мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан нафақат давлат бюджети йўлида, балки иқтисодий фаолият субъектлари даражасида ҳам муносабатлар авж олади.

5. Ҳозирги замон суғурта фаолиятида ривожланиш кўлами катталашибгина қолмасдан, унинг салбий оқибатлари ҳам намоён бўлади, яъни суғурталовчи томонидан суғурталанувчига кўрсатилган хизматлари юзасидан ҳар хил хатоликларга йўл кўйилишига олиб келмоқда. Умуман олганда бу камчиликларни олдини олиш чора-тадбирлари албатта давлат томонидан назорат қилиниши лозим.

6. Давлат ўзининг ижтимоий сиёсати билан ҳам, иқтисодиёти билан ҳам кучлидир. У моддий бойликларнинг тақсимланиши ва айниқса қайта тақсимлашни тартибга солади, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглигини, шахсий ҳамда иқтисодий эркинлигини таъминлайди, таҳқирлаш, камситиш, ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўйишнинг барча кўринишларига қарши курашади ва ҳоказо.

Давлат зиммасига бозорда фаолият кўрсатадиган суғурталовчилар ва суғурталанувчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилишдек жиддий вазифа юкланади. Бозор муносабатларига асосланган, каттагина танлаш эркинлигини таклиф этган саноатли жамиятни ҳуқуқий тизимсиз, қонун устуворлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди, деб таъкидлайди таниқли инглиз социологи Карлл Поппер. Субъектлар иқтисодий фаолиятларини яхши амалга оширишлари учун қонун билан ҳимояланган бўлишлари зарур.

Суғурта бозори ташқи таъсирсиз, ўз-ўзидан юзага келишига қарамай, жамият олдида турган иқтисодий вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган механизмдир. Бироқ бу ҳол давлат ўйнаши лозим бўлган ролни инкор этмайди. Жамият иқтисодий тузилишининг энг мукамал кўриниши турли муамоларни ҳал қилиш учун давлат томонидан тартибга солиш механизмидан фойдаланишни назарда тутаяди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Суғурта назоратига кучли бозор, бозорга кучли суғурта назорати керак”<sup>26</sup>. “Суғурта фаолияти

<sup>26</sup> Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. -

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелдаги 359-II-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган, унда суғурталашнинг ҳуқуқий пойдевори шаклланган.

Ушбу қонуннинг 10-моддасида “Махсус ваколатли давлат органи” бўйича алоҳида тўхталган. У – суғурта ташкилотларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилгандир.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи:

- ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;

- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;

- суғурталовчиларнинг суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;

- суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди;

- суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

---

Т.: Ўзбекистон, 2003.-43- б.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Суғурта фаолияти тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 4-5-сон, 68-модда.

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фондининг энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади;

- ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;

- суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

- актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;

- актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказади;

- белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида ва бошқарув органларида иштирок этишга, шунингдек суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги 286-сонли “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>28</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>29</sup> қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига давлат суғурта назорати функцияси юклатилиб, унинг

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида. 1998 йил 8 июнь, 286-сон. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1998 йил, 7-сон, 24-модда.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 27 ноябрь 413-сон. / Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати қарорлари тўплами. - Т.: 2002 йил 11-сон.

ҳузурида суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суғурта фаолияти масалалари бўйича у ваколатлари доирасида чиқарилган норматив ҳужжатлари давлат бошқарув органлари, юридик шахслар, бирлашмалар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Республикамизда суғурта ишининг ривожланиши, суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичи эканлигидан далолат беради. Бу борада, жаҳон молиявий инқирози пайтида республика суғурта бозорини ривожлантиришда давлат миқёсида чора-тадбирларни қабул қилиш учун объектив талаблар юзага келди.

Ўзбекистонда суғурта бозорини жаҳон молиявий инқироз пайтида давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари, вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Мақсадлари:

- фуқароларнинг ва давлатнинг суғурта хизматларига бўлган талабларини максимал даражада қондириш;
- Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланишини ва такомиллашини жаддалаштиришга замин яратиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши шарт:

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада шакллантириш ва такомиллаштириш (биринчи навбатда қайта суғуртага ва ўзаро суғуртага, медицина суғуртасига тегишли);

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш норматив ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш (хусусан суғурта компанияларнинг инвестицион фаолияти ва Ўзбекистон Республикасида чет эл суғурта компаниялари фаолият олиб бориши тўғрисида);

- Суғуртанинг ривожланишини солиқ қонунчилиги йўли билан рағбатлантириш (чет элга узатиладиган қайта суғуртада 10%-лик солиқни камайтириш);

- Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори инфратузилмасини тезлашган ҳолда шакллантириш.

Республикамизда суғурта бозорини жаҳон молиявий инқирози пайтида давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналиши эса – республикада суғурта бозорининг ривожланишини янада жаддалаштиришдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона давлат сиёсатини белгилашда асосан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- суғурта муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва суғуртавий ҳуқуқ тизимини шакллантиришни такомиллаштириш;

- Ўзбекистон ҳудудида суғурта ташкилотларини назорат қилиш тамойилларини тартибга солиш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- мажбурий суғурта соҳасида фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатларини суғуртавий ҳимоялашнинг норматив ҳуқуқий базасини ривожлантириш.

Аҳолининг кенг қатлами ва турли хил мулкчилик шаклидаги ташкилотларни суғуртага жалб қилишни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- тиббий суғурта, узок муддатли йиғилиб боровчи ҳаёт суғуртаси, пенсия суғуртасини ривожлантириш учун меъёрий ҳуқуқий базани шакллантириш;

- юқорида айтиб ўтилган суғурта турларини солиқ қонунчилиги билан рағбатлантириш;

- маблағларни жойлаштириш учун қўшимча кафолатлаш, ўтказиладиган суғурта муомалаларининг рентабеллигини ошириш мақсадида суғурта ташкилотларининг акумиляцияланадиган маблағларини инвестиция қилишнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш.

Суғурта бозорини шакллантириш борасида эса қуйидаги ишларни амалга ошириш тақоза этилади:

- миллий суғурта бозорини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи кадрларни тайёрлаш, ва қайта тайёрлаш, ўқув дастурларининг ягона тизимини яратиш;

- суғурта муносабатлари жараёнига таъсир этувчи фуқаролар ҳамда мулкчиликнинг барча шаклидан қатъий назар юридик шахслар манфаатларини акс эттирувчи давлат суғурта сиёсатини амалга оширишга ёрдам берувчи ёки йўналтирувчи институтларни ривожлантиришга ёрдам бериш.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозори суғурта соҳасидаги давлат сиёсати туфайли ривожланиб, шаклланган ва бугунги кунда суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича энг муҳим ва асосий ҳуқуқий база яратилган. У суғурта фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек бир қатор бошқа қонуности ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборатдир.

**2.2. Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойиллари.**

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида суғурта соҳасини давлат томонидан тартибга солишни давлат суғурта назорати институти доирасида амалга оширилади. Уни ташкил қилиш ва ривожлантиришда Ўзбекистон хорижий тажрибасининг кенг воситаларидан фойдаланади ва

шу ваътнинг ўзида давлат томонидан тартибга солишнинг миллий йўналишларини киритади.

Жамият иқтисодий ва ижтимоий тузилмасининг шаклланиши ва ривожланишида тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида муайян сиёсат доирасида амалга ошириладиган давлат томонидан тартибланиш муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришига, ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишига имкон берадиган қурол, дастаклардан бири – суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишдир<sup>30</sup>.

Суғуртанинг асосий мақсади бу юридик ва жисмоний шахслар учун юқори сифатли суғурта хизмати кўрсатишдир, шу сабабли суғурта фаолияти дунё бўйича давлат назорати остида. Давлат халқ хўжалиги фаолиятининг муҳим тармоғи – суғуртани эътибордан четда қолдириши мумкин эмас эди. У суғурта жамиятларининг фаолиятини ўз назоратига олиши керак эди. Давлат назоратининг зарурлиги суғуртавий битимларнинг моҳиятидан келиб чиқади. Суғурта ҳар бир фуқаро тўғри тушунча ҳосил қилиши мумкин бўлган шунчаки оддий нарса эмас. Суғурта жамиятларнинг фаолияти ҳатто эҳтиёткор ва мулоҳазали хўжайин учун ҳам тушунарсиз ва ноаниқ бўлган асослар устига қурилган<sup>31</sup>.

Ишнинг яна бир мураккаб томони шундаки, суғурта шартномаси баъзи ҳолларда узоқ муддатга тузилади (шахсий суғурта). Суғурталанувчилардан суғурта бадалларини кечиктирмай олиб турган суғурта ташкилоти, масалан, бир неча йилдан кейин суғурта ҳодисаси юз берганда ўз маблағларини бажаришга қодирлигига қаттиқ, пухта ишонч бўлмоғи зарур. Ҳаёт суғуртасидан суғурталанувчи билан суғурта корхонаси ўртасида узоқ муддатли, чамбарчас боғланиш юзага келади. Суғурта тушунчасидан беҳабар суғурталанувчи ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайди. Унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлатнинг ёрдами керак бўлади.

Иш яна шу билан мураккабланиши, суғурта соҳасидаги суистеъмол унга йўл қўйган корхоналар учун ҳалокатли бўлибгина қолмасдан, балки аҳолининг суғуртага бўлган ишончини салбий томонга ўзгартиради ҳам. Виждонсиз суғурталовчиларнинг рақобати ҳатто энг обрўли суғурта корхонасига ҳам зарар етказиш мумкин. Шундан равшанки, суғурталанувчиларгина эмас балки суғурталовчиларнинг ўзлари ҳам суғурта назоратидан манфаатдорлар, чунки бундай назорат яшай олмайдиган корхоналарнинг ғирром рақобатидан муҳофаза қилади. Хатолар, укувсизлик ёки виждонсизлик билан иш юритиш оқибатлари орадан кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам суғуртага таъсир кўрсатади. Бу ҳол обрўли, катта ташкилотлар учун ғирром рақобатчилар билан курашни

<sup>30</sup> М. Умаралиев. Суғурта – бозор иқтисодиётининг муҳим шarti // Халқ сўзи, 2002 йил 31 май.

<sup>31</sup> Турбина К.Е. Тенденции развития мирового рынка страхования. – М.: АНКЦИЛ, 2000. – С.56.

қийинлаштиради, бошқа томондан эса ана шу яширин бузилиш даврида суғурталанувчиларни алдовга олиб келиши мумкин.

Суғурта фаолиятини самарали тарзда назорат қилиш ва бошқариш механизмини яратиш ҳукуматнинг асосий мақсадларидан биридир. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш жараёни 2.1- расмда келтирилган.



**2.1-расм. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш жараёни<sup>32</sup>.**

Суғурта компанияларининг фаолияти бошқа турдаги хўжалик субъектлари фаолиятдан кескин фарқ қилади. Чунки, улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ҳодисалари рўй берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу ҳолат, суғурталовчилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди ва шунинг учун, улар давлат томонидан назорат остига олинмоғи зарурдир.

Ўзбекистонда давлат суғурта назорати тушунчасини давлат томонидан тартибга солиш тизимининг қисми сифатида таърифлаш мумкин. Ушбу тизим суғурта фаолияти субъектларини суғурта иши соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиши, суғурта фаолиятини самарали ривожлантириш ҳамда суғурта қилдирувчилар ва бошқа манфаатдор шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилишининг олдини олиш, огоҳлантириш мақсадида уларни назорат қилишдан иборат.<sup>33</sup>

<sup>32</sup> Интернетда чоп этилган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>33</sup> Б.Б. Ашрафханов, М.А. Мирсадыков, Развитие страхового законодательства республики. // Рынок деньги и кредит, 2002. – №11-12. – С.21.



Ўзбекистон суғурта соҳасида давлат назорати зарурлиги бир қатор омилларнинг таъсири билан боғлиқ. Уларнинг асосийлари, менинг фикримча қуйидагилардир:

- суғурта соҳаси молиявий тизим институтларининг қисми сифатида, бир томондан ва мулкчиликни ҳимоя қилиш институтлари қисми сифатида иккинчи томондан, ўзига хос ролни ўйнайди;

- жамоат манфаатлари нуқтаи назаридан суғурталовчи суғурта хизмати сифатига мос келмайдиган нархни белгилаши, тузилаётган шартномаларнинг мазмуни ва шартларига нисбатан суғурта қилдирувчининг огоҳ эмаслигидан суистеъмол қилиш эҳтимоли мавжуд. Буларнинг хато ва ноаниқликлари суғурта ҳодисаси юзага келганидан сўнг аниқланиши мумкин;

- суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш зарурлигини аниқловчи сабабларнинг гуруҳи суғурта компанияси суғурта қилдирувчи олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаганида, умуман иқтисодиёт учун суғурта компанияларининг тўловга қодир эмаслиги ёки молиявий нобарқарорлиги оқибатлари билан боғлиқ. Бу нафақат суғурта шартномасида кўзда тутилган мол-мулк ёки экологик зарарни тиклаш билан, балки суғурта бозорининг яроқлилиги ва истиқболлари оқибатларига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат суғурта назоратига суғурта бозорини тартибга солишнинг жаҳон амалиётига жавоб берадиган вазифалар юклатилган. Булар:

- лицензиялаш;
- тўловга қодирлигини текшириш ва қалтисликларнинг олдини олишга кўмаклашиш;
- суғурта жамғармаларидан фойдаланиш нисбати ва йўналишларини белгилаш;
- суғурта майдонидан чиқиш шартларини аниқлаш;
- истеъмолчилар ҳуқуқларининг тўлиқ амалга оширилиши ва суғурта хизматлари сифатини таъминлашга кўмаклашиш;
- суғурта фаолиятининг ойдинлигини таъминлаш.

Ўзбекистон суғурта фаолияти амалиётида лицензиялаш институтининг асослари “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Назорат фаолияти мантииғи лицензиялаш институти шаклланиши асосида лицензиялаш субъектлари ажратилиши, лицензияларни бериш/беришдан воз кечиш мезонлари, унинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, назорат органининг мумкин бўлган субъектив ёндашиши ҳолатида лицензиялаш субъектларининг манфаатларини тиклаш жараёнини кўзда тутати.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Бугун биз мавжуд бозор тузилмалари ҳали такомилга етмагани, иқтисодиётни бошқаришнинг кўплаб вазифаларини ўз зиммасига олишга тайёр

эмаслигини тан олишга мажбурмиз”<sup>34</sup>. “...ва ниҳоят, эртага ўз ишимизни қай тарзда, қандай методологик-услубий ва ташкилий тамойиллар асосида ташкил этишимизни ҳам белгилаб олишимиз даркор”<sup>35</sup>.

Суғурта назорати ривожланишининг ҳозирги замон босқичи уйғун суғурта тизимини ривожлантиришга бўлган талабни қонуний равишда белгилаб берди. Бунинг учун эса суғурта бизнесини олиб боришнинг халқаро талабларга жавоб берувчи суғурта хизматлари рўйхати кенг бўлмоғи лозим. Суғурта хизматларининг Ўзбекистон бозорида олға босиши мулкчиликнинг турли шаклларидаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг манфаатлари ҳимоя қилинишини, қўйилган маблағлар қайтарилиши кафолатланишини ҳамда кўзда тутилмаган турли таваккалчиликлар камайишини таъминламоғи зарур. Ана шундагина суғурта ташкилотлари макроиқтисодиёт жиҳатидан янада барқарорлаштириш, давлатимиз иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш борасида республикамиз олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга ёрдам берган бўлади.

Суғурта иши субъектлари фаолиятини суғурта назорати шакллари ва усуллари такомилаштириш ўз ичига суғурта ҳуқуқини бузиш бўйича огоҳлантирувчи чора-тадбирларнинг самарали амалиётида ривожлантириш бўйича мажмуали тадбирларни олади. Давлат назорати тизимини такомилаштиришда у тартибга солишнинг шаклланган модели йўналишида кўриб чиқилиши мумкин, бу эса қуйида кўриб чиқилади.

Суғурта ҳуқуқи – мажмуали институтдир. У суғурта билан боғлиқ молиявий, маъмурий, фуқаролик, ижтимоий таъминот ҳуқуқи меъёрларини бирлаштиради. У нафақат суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи, балки суғурталовчи ва давлат бошқарув тизими ўртасидаги муносабатларни қамраб олган соҳанинг махсус ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларидан иборат. Шунини белгилаш керакки, ҳозирги кунгача суғурта қонунчилиги тизими аниқ ойдинлаштирилмаган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг умумсоҳа таснифлагичи ўз рўйхатига суғурта соҳасини киритмаган.

Суғурта қонунчилигига тизимли ёндашиш унинг тузилмасини ажратишни назарда тутиши муҳимдир (иерархия, бўйсунуш, табақалаштириш, бирдамлик ва фарқланиш нуқтаи назаридан ҳуқуқий базанинг асосий мақсадини бажариш, яъни иштирокчилар манфаатлари учун суғурта муносабатларини тартибга солиш учун меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тўплаш).

---

<sup>34</sup> Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 31 – б.

<sup>35</sup> Каримов И.А. Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш - устувор вазифа. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – 49 – б.

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг замонавий ҳолати таҳлили асосида суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойиллари кўйидагилар:

- суғурта компанияларининг капиталлашувининг ошишини таъминлаш;
- суғурта хизматларининг сифатини ошириш ва кенг оммалаштириш;
- суғурта фаолиятининг янги институтлари ва субъектларининг пайдо бўлишини таъминлаш;
- суғуртанинг ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш;
- суғурта фаолиятининг ойдинлигини таъминлаш.

### **2.3. Ўзбекистонда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишдаги муаммолари ва такомиллаштириш истиқболлари.**

Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида турли мулкчиликка асосланган суғурта тизими вужудга келди. Халқаро стандартлар талабларига кўра уларнинг давлат томонидан тартибга солиш ва назорат тизимини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга эришилди. Бу борада кейинги йилларда суғурта бозорини ислох қилишга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу муносабат билан суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш, унинг шакли усули ва услубини танлашга катта эътибор берилмоқда, лекин, шунга қарамай давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тизими шаклланишида ўзига хос муаммолар мавжуд.

Суғурта соҳаси молиявий тизим институтларининг қисми сифатида, бир томондан, ва мулкчиликни ҳимоя қилувчи институтлари қисми сифатида, иккинчи томондан, ўзига хос ролни ўйнайди. Шундай қилиб, у бир қатор муҳим ижтимоий вазифаларга эга, унинг маҳсулоти эса (масалан, молиявий бозорнинг бошқа маҳсулотлари – фонд ва банк соҳаларидан фарқли равишда) куйидаги хусусиятларга эга:

суғурта полиси сотилаётган пайтда суғурта хизмати сифатини баҳолашнинг имконияти йўқлиги, нархнинг ноаниқлиги (суғурта полиси сотилаётганида ва суғурта ҳодисаси юзага келганида хусусан зарарларни тартибга солишда суғурта маҳсулоти билан боғлиқ харажатларни тўғридан-тўғри баҳолашнинг имконияти йўқлигида акс этадиган), суғурта мажбуриятларини таъминлашнинг сезиларли қалтислик қисми (суғурта захираларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш) давлат томонидан тартибга солишда ўзига хос воситаларнинг фойдаланишини талаб қилади.

Жамоат манфаатлари нуқтаи назаридан суғурталовчи суғурта хизмати сифатига мос келмайдиган нархни белгилаши, тузилаётган шартномаларнинг мазмуни ва шартларига нисбатан суғурта қилдирувчининг огоҳ эмаслигидан суистеъмол қилиш эҳтимоли мавжуд.

Буларнинг хато ва ноаниқликлари суғурта ҳодисаси юзага келганидан сўнг аниқланиши мумкин.

Бизнингча, макро ва мезо даражаларда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишда (ва унинг назорат қисмида) давлат томонидан тартибга солиш ўзига хос зарурлиги суғурта фаолиятининг моҳиятли таркиби билан суғурталовчиларнинг мулкани ҳимоя қилиш омили сифатига боғлиқ. Ушбу роль айниқса ривожланаётган иқтисодиётларда нобарқарор ва динамик ривожланаётган иқтисодий жараёнлар учун муҳимдир.

Шунинг учун давлат суғурта хизматлари назоратини таъминлаш, суғурталовчиларнинг мажбуриятларини бажариш, суғурта компаниялари томонидан кўшимча даромадларни олиш учун суғурта қилдирувчиларнинг ахборотга эга эмасликларидан фойдаланиш эҳтимолини бартараф қилиш институтларини ташкил қилади. Бундан ташқари, тартибга солиш институтларининг долзарблиги ўз-ўзини бошқариш тизими ривожланмаганлигида кучаяди (истеъмолчиларни ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотларининг мавжуд эмаслиги ёки ривожланмаганлиги).

Суғурталовчи ўз фаолияти юзасидан иқтисодий-ижтимоий жавобгарлигини ҳис қилиши учун унинг устидан суғурта назоратини ташкил қилиш жамият эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бунда у суғурталовчи молиявий аҳволини ва суғурта қилдирувчилар олдидаги қабул қилинган шартнома мажбуриятлари бўйича тўлашга қодирлигини тўғридан-тўғри назорат қилишда ҳамда суғурта маҳсулотларини сотиш шартларининг шаклланиши тартибида зарур меъёрлар ва чекловларни белгилашда (суғурта тарифлари ва суғурта полислари шартларини белгилашда) ақс этади.

Суғурта бозори ривожланмаган шароитда давлат назоратининг вазифаси – бу суғурта полисларини сотишдаги норасмий муносабатларнинг олдини олишдир.

Россия тажрибаси кўрсатганидек, суғурталовчилар ўз капиталларини шакллантириш учун солиқ имтиёзларидан фаол фойдаланадилар, бунда улар “иш ҳақи чизмаларидан”<sup>36</sup> ёки пул маблағларини нақдга айлантириш учун суғурта қилдирувчи сифатида иштирок этаётган корхона раҳбарларига агентлик мукофотларини тўлашдан фойдаланишмоқда. Ўзбекистонда ҳам шундай шакллардан фойдаланиш хавфи бор. Маълумки, ҳозирги кунда ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг суғурта полисларини сотиб олишга сарфланадиган маблағлари солиққа тортиладиган маблағлар ҳажмидан чиқарилади. Ушбу имтиёздан кўпгина мамлакатларда суғурта муносабатларини кўшимча рағбатлантириш учун фойдаланилади. Аммо бу яхши ривожланган солиқ маъмуриятчилигига эга солиқ тизимларида

---

<sup>36</sup> Романова М.В. Анализ страховых операций для организации налогового контроля, включая контроль за “зарплатными схемами” // Методический журнал “Налогообложение, учет и отчетность в страховой компании” – М., 2011. - №10.-С.16.

қўлланилади. Шунинг учун Ўзбекистонда солиққа тортиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар шароитида суғурта назоратида давлат органи томонидан бундай амалиётдан фойдаланиш имкониятларининг олдини олиш меъёрларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Давлат назорати томонидан суғурта бозорининг миқдори ва барқарорлигини тартибга солиш бўйича вазифани бажариши авваламбор, суғурта фаолиятини лицензиялаш ва тўловга қодирлигини текшириш жараёнларига боғлиқ. Ушбу параграф доирасида суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг барча муаммоларини очиб беролмаслигимиз сабабли биз лицензиялаш жараёнига тўхталиб ўтамиз. Бизнинг нуқтаи назаримизда, лицензиялаш – бу муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) олиш, узайтириш, чақириб олиш билан боғлиқ ваколатли давлат органи ва хўжалик субъекти ўртасидаги ижтимоий муносабатлардир. Унинг ҳуқуқий оқибати – бу юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг рухсат этилган фаолияти тегишли равишда вужудга келиши, узайтирилиши ёки тўхтатилишидир. Ушбу тушунчадан лицензиялаш билан боғлиқ назорат вазифалари ҳам келиб чиқади. Қонунчилик суғурта бозорида иштирок этиш имкониятини қуйидаги мезонлар билан чеклайди:

- низом капиталининг миқдори билан;
- суғурта компаниялари раҳбарларига малака талаблари билан.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, низом капиталларининг кам миқдорлари нисбатан катта қалтисликларни қабул қилишига қўмаклашмайди, суғурта қалтисликларини хорижий суғурталовчиларга қайта суғурта қилиш учун беришга мажбурлайди. Бизнингча, низом капиталини бир неча баробар кўпайтириш бўйича ҳозирги талаб суғурта операциялари барқарорлиги учун минимал талабдир. Шуни белгилаб ўтиш жоизки, мазкур таклиф кичик суғурта компанияларининг ёпилишига олиб келиши мумкин. Аммо, бу суғурта бозорида кескин ўзгаришларга олиб келмайди. Аммо бу тадбирлар самаралироқ қайта суғурта талабларини камайтириши мумкин бўлган ўрта суғурта компанияларнинг ташкил этилишини ҳамда суғурта пуллари ва ўзаро суғурта жамиятлари каби янги институтларнинг пайдо бўлишини рағбатлантириши мумкин. Ҳозирги вақтда қонун чиқарувчи суғурта пуллари ва ўзаро суғурта жамиятлари фаолиятининг етарли ҳуқуқий базасини кўзда тутмаган, гарчи улар ўз самарадорлигини кўрсатди ҳамда Европа ва Шарқий Осиё мамлакатлари суғурта соҳасида етарлича ўринни эгаллашган.

Қонунчиликда суғурта компанияларни ташкил қилишнинг устувор ташкилий-ҳуқуқий шакли белгиланмаганлиги ҳам суғурта компанияларининг янада капиталлашувини тўхтатиб турибди. Бизнингча, Ўзбекистон суғурта бозорида масъулияти чекланган жамиятлари, ёпиқ суғурта жамиятларининг мавжудлиги капиталлашув кенгайишига чегаралар барпо этиб, суғурталовчиларнинг ўз фаолиятини юритишда

хатарлар туғдиради. Хусусан, суғурта компанияси масъулияти чекланган жамият шаклида амал қилишида низом капиталида улуши катта бўлган таъсисчилардан бири ундан чиқишида суғурталовчининг банкротлик ҳолати юзага келиши мумкин. Ҳисоблашимизча, Ўзбекистон банк соҳасига ўхшаб суғурта компаниялари ҳам акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил қилиниб, кичик ва йирик акциядорларнинг капиталларини жалб қилишга кенг истиқболлар яратиши лозим.

Бундан ташқари, бизнингча, суғуртага йирик қалтисликларни қабул қилишни кўзда тутувчи мажбурий суғуртанинг алоҳида турларини ўтказишга суғурта ташкилотларини киритишнинг қўшимча шарти сифатида суғурта ташкилотларининг суғурта пулларида мажбурий иштироки талабини ўрнатиш зарур. Суғурта (қайта суғурта) пуллари томонидан қўшма суғуртани амалга ошириш шартларини тартиблаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий базани тезда шакллантириш зарурияти мавжуд (шу ҳисобда суғурта шартномасини тузиш тартиби, суғурта қалтисликларининг миқдорини аниқлаш, жавобгарликни тақсимлаш, ўзаро ҳисобларни ташкиллаштириш ва бошқалар).

Мамлакатимизда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш керакли даражада ривожланмаганлигини қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

1. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни комплекс равишда амалга ошириш етарли даражада мураккаб бўлганлиги.

2. Суғурта компанияларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо бериш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларнинг мавжудлиги.

3. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш учун методологик базанинг зарурлиги;

4. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси ривожланмаганлиги;

5. Суғурта иши иштирокчиларининг суғурта маданияти ва молиявий саводининг пастлиги;

6. Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини ошириш тизимининг ривожланмаганлиги;

7. Ойдин ахборот муҳити таъминланмаганлиги.

Ўзбекистон суғурта бозорини ривожланган давлатлар миқёсига чиқариш учун суғурта тизимини давлат томонидан тартибга солиш лозим. Ушбу масалани ечиш учун хорижий мамлакатларда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишдаги таржибасини ва уларни Ўзбекистонда ижобий қўллаш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Олдин белгилаб ўтганимиздек, меъёрий ҳужжатнинг ҳуқуқий кучи мезони суғурта қонунчилигини тизимлаштиришнинг ягона усули эмас. Иқтисодий тизимларнинг турли моделларида у суғурта фаолиятини тартиблаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос тўпламидан иборат. Масалан, Францияда суғуртани ҳуқуқий тартибга

солиш Суғурта Кодексида (1976) жамланган, унда суғурта бозорини ташкиллаштириш ва уни тартибга солишнинг барча томонлари ифодаланган. АҚШда суғурта ва суғурта назорати тўғрисидаги федерал қонунлар мавжуд эмас. Ҳар бир штатнинг ўз суғурта қонунчилиги ва ўз тартиблаштирувчи органи бор, суғурта соҳаси эса монополияга қарши қонунчиликка киритилмаган ягона соҳадир. Буюк Британия суғурта фаолияти қонунчилигининг асосида суғурта компаниялари тўғрисидаги қонун ётади (1982), унда лицензиялаш, тўловга қодирлик, активлар ва пассивларни баҳолаш, инвестициялар масалалари акс эттирилган<sup>37</sup>. Баъзи мамлакатларда бирлаштириш тарзи амал қилади, бунда суғурта қонунининг айрим йўналишлари федерал даражада белгиланади, асосий меъёр ўрнатувчи ваколатлар эса провинциялар ҳокимиятларига берилган. Масалан, ушбу шакл Канадада қўлланилади<sup>38</sup>.

Қонунчилик яратишнинг бирон-бир тамойилидан фойдаланиш давлатнинг қабул қилган ҳуқуқий таълимоти (бу эса Ўзбекистонда ҳозирги кунгача аниқ белгиланмаган, шу ҳисобда ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий натижа мезонлари, бу эса ҳуқуқшунос олимларнинг сўзсиз фаоллигини талаб қилади) ҳамда иқтисоднинг суғурта соҳасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари билан тўлиқ аниқланади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда суғурта қонунчилиги тузилмаси унинг шаклланишининг бошланғич босқичидадир. Унинг ривожланиши қуйидаги муҳим масалаларни аниқлашни талаб қилади:

Авваламбор, бу суғурта қонунчилигини кодлаштириш имкони ёки мажмуали ёндашиш асосида қонунчилик базасини кенгайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш.

Суғуртанинг ҳудудий ҳуқуқий базасини шакллантириш учун меъёр яратувчи субъектларни кенгайтириш имкониятлари, бу масалан, ҳудудларда суғурта бозорини башоратлаш ва ривожланишини рағбатлантириш масалаларини тартибга солиши мумкин.

Фикримизча, биринчи масала суғурта қонунчилигини кодлаштириш фойдасига ҳал қилиниши мумкин. Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда жиддий бўшлиқлар мавжудлиги уларни такомиллаштиришнинг 2 та вариантыга эга:

Амалдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунга сезиларли ўзгартиришларни киритиш.

Суғурта Кодексини яратиш. Ушбу вариант қулайроқдир, чунки яратилган қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва қайта ишлашни талаб этмайди ва шу вақтнинг ўзида суғурта фаолиятининг ҳуқуқий доирасини сезиларли даражада кенгайтириш билан янги тизимни

<sup>37</sup> Самаркин Д.В. Системы страхования в США, Великобритании и Германии. М.:ПАИМС, 2001. –С.-286.

<sup>38</sup> Сплетухов Ю.Л. Место и роль государства в организации страхования в современных условиях // Финансы. 2000. - №14. С. -39-41.

ташқил қилиш имконини беради. Таъкидлаб ўтамизки, кодлаштириш моҳияти ҳуқуқни тизимлаштиришнинг ривожланган шаклидир.

Суғурта қонунчилиги бирдамлик, ўзаро бўйсунувчанлик, табақалаштириш, ажралиб чиқиш хусусияти каби белгиларга эга суғурта соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини ифода этади.

Ушбу таркибдаги ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрлари фуқаролик-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий тавсифга эга. Бунда қуйидаги талабга риоя қилинади: фуқаролик-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий тавсиф манбалари ўртасида маълум мутаносиблик мавжуд бўлиши керак, унинг моҳияти шундан иборатки, оммавий ҳуқуқий тавсиф манбалари назорат ва фискал вазифалардан ташқари таъминловчи вазифаларни бажариши керак.

Суғурта қонунчилигини кодлаштириш меъёрий базасини ривожлантиришни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидан суғурта ҳуқуқи меъёрларини ажратиб олишни ҳам назарда тутди.

Республика ҳуқуқий ҳужжатларининг умумҳуқуқий таснифида суғурта иши ҳужжатларини ажратишни кўзда тутиш керак.

Кўрсатилган чора-тадбирлар суғуртанинг барча институтлари самадорлигини ошириш учун зарур замин яратиш имконини беради.

Суғурта назорати ташкилотида етарли малакага эга бўлган мутахассисларнинг амалий жиҳатдан йўқлиги ҳам мамлакатимизда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш яхши ривожланмаганлигининг сабабларидан биридир.

Самарали фаолият юритаётган давлат назорати асосида, халқаро амалиёт кўрсатишича, қуйидаги кўринишда ифода қилинган тамойиллар бўлиши керак:

– иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг умумий тамойиллари ва суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига мослиги;

– суғурта қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида бошқа ижроия ва қонунчилик ҳокимияти органлари билан ўзаро алоқадаги мустақиллик;

– назорат тизимининг барқарорлиги, назорат вазифалари бажарилишини таъминловчи қонунчиликнинг очиклиги ва аниқлиги;

– суғурталовчиларнинг турли тоифаларига алоқадор тартибга солиш чора-тадбирларининг тенг ҳуқуқлилиги;

– вазифалар, тузилмаларнинг (шу ҳисобда ҳудудий) назорат усулларига ҳамда қонунчиликда белгиланган вазифаларга мувофиқлиги;

– суғурта қонунчилиги бузилганида қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чора-тадбирларининг олдини олиб бўлмаслик, мажбурийлик ва ўз вақтидалиги.

Назоратнинг хорижий амалиётида уни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари шаклланган: далиллар асосида (профессионал) фикр юритиш, қалтисликка



мўлжалланган назорат, булар ўз уйғунлигида назорат амалиётининг вазифаларига эришиш имконини беради. Масалан, амалиётга профессионал далилли фикр юритишнинг киритилиши назоратни ўтказиш механизмига катта эгилувчанлик беради, қалтисликка мўлжалланган назорат суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигига эътибор қаратади, қалтисликларни аниқлашнинг дастлабки босқичларидан суғурта фаолиятининг нобарқарорлик омили пруденциал назорат вазифасидир. Бунда назорат органи эътиборни суғурталовчи суғурта бозорида ўз мавқеини сақлаб қолишига ва мураккаблашган хўжалик конъюнктураси шароитида ўз вазифаларини бажаришига қаратади. Бундай тартибга солишнинг асоси – бу пруденциал меъёрлари ёки “донолик коэффициентлари”дир. Пруденциал тартибга солиш ривожланган мониторинг тизимини, миллий назорат органлари олдидаги ахборот ва ҳисоботларнинг очиқлигини ўз ичига олади ва бунинг асосини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат, ички жараёнлар ва текшириш, бозор интизоми ташкил этади. “Пруденциал назорат ва тартибга солиш тизими бозор ривожланишига ва алоҳида молиявий муассасалардаги ички бошқариш ҳолатига доимо мослашиши керак”<sup>39</sup>.

Хусусан, назоратнинг кўрсатилган йўналишларидан мажмуали тарзда фойдаланиш самарали таҳлилий ишларни назарда тутаяди, бу эса тегишли ахборот-статистика базасини талаб қилади. Аммо назорат ташкилоти Ўзбекистонда бугунги кунда бундай базага эга эмас. Бу давлат статистикаси ва ахборот ривожланишининг умумий муаммолари, етарли кадрлар салоҳияти йўқлиги ва унинг миқдор жиҳатидан чегараланганлиги, суғурта ташкилотлари томонидан статистик ҳисоботларни тақдим этишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги камлиги билан тушунтирилади. Бу назорат ташкилотидан кўшимча кўпроқ ташкилий ва услубий тушунтириш ишларини олиб боришни талаб этади. Бизнингча, назорат ташкилотининг ҳозирги кунда амал қилаётган тизими ва миқдорини сақлаб қолганда Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг уринишлари асосида суғурта статистикасини ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкин. Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли Қарорининг 1-иловасига мувофиқ суғурта фаолиятини лицензиялаш ва инспекциялар бўлими, методология бўлими, инспекция бошлиғи аппарати ташкил қилинган ва у ерда 15 киши ишлайди.

Шуни белгилаб ўтиш муҳимки, суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги босқичида назорат ташкилотининг барча эътиборини назорат органининг бевосита инспекцион фаолиятига қаратиш лозим. Ушбу

---

<sup>39</sup> Осадчая И. Глобализация и государство: новое в регулировании экономики развитых стран. МЭ и МО. 2012. №11.-С.

фаолиятда, молиявий йўналишлар ва суғурта захираларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишда чет эл тажрибалари асосида суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни автоматлаштириш ва компьютер дастурларини жорий этиш лозим. Бу қуйидаги самарани бериши мумкин:

а) ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш, суғурта компаниялар билан ахборот алмашишни тезлаштиради ва молиявий харажатларни камайтиради;

б) захираларни ҳисоблаш, шартномалар тузиш, тариф ставкаларини белгилаш, қопламаларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш имкониятини беради;

в) суғурта обрўсининг ошишига, жаҳон стандартлари даражасида суғурта хизматларини кўрсатишга замин яратади.

Мамлакатимиз ва ҳориждаги суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни солиштириш маҳаллий суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий мантиғи ғарб мамлакатларидаги каби йўналишда ривожланаётганлигини кўрсатмоқда. Асосий фарқ суғурта қонунчилиги базасининг етарли даражада ривожланмаганлигида ва суғурта назорати ташкилоти ходимларининг сони ва тажрибаси етарли эмаслигида.

Суғурта бозори ҳолати ва суғурта хизматларига бўлган талаб иқтисодиётнинг аҳволини акс эттиради. Маълумки, суғурта бозори кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига суғурта шартномасининг тузилишидан унинг тугашигача бўлган муддатни қамраб олади. Юқорида таъкидланганидек, диссертация иши суғурта муносабатларининг айнан суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ соҳасини ўрганишга ва уни такомиллаштиришга бағишланган. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Суғурта назоратига кучли бозор, бозорга кучли суғурта назорати керак”<sup>40</sup>.

Ўзбекистонда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари, вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Мақсадлари:

- фуқароларнинг ва давлатнинг суғурта хизматларига бўлган талабларини максимал даражада қондириш;

- Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланишини ва такомиллашишини жаддалаштиришга замин яратиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши шарт:

---

<sup>40</sup> Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 43 б.

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада шакллантириш ва такомиллаштириш (биринчи навбатда қайта суғуртага, ўзаро суғуртага ва медицина суғуртасига тегишли);

- Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш норматив ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш (хусусан суғурта компанияларнинг инвестицион фаолияти ва Ўзбекистон Республикасида чет эл суғурта компаниялари фаолият олиб бориши тўғрисида);

- суғурта ривожланишини солиқ қонунчилиги йўли билан рағбатлантириш (чет элга узатиладиган қайта суғуртада 10%-лик солиқни камайтириш);

- Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори инфратузилмасини тезлашган ҳолда шакллантириш.

Республикамизда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналиши эса - республикада суғурта бозорининг ривожланишини янада жаддалаштиришдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона давлат сиёсатини белгилашда асосан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- суғурта муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва суғуртавий ҳуқуқ тизимини шакллантиришни такомиллаштириш;

- Ўзбекистон ҳудудида суғурта ташкилотларини назорат қилиш тамойилларини тартибга солиш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- мажбурий суғурта соҳасида фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатларини суғуртавий ҳимоялашнинг норматив ҳуқуқий базасини ривожлантириш.

Аҳолининг кенг қатлами ва турли хил мулкчилик шаклидаги ташкилотларни суғуртага жалб қилишни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- тиббий суғурта, узок муддатли йиғилиб боровчи ҳаёт суғуртаси, пенсия суғуртасини ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш;

- юқорида айтиб ўтилган суғурта турларини солиқ қонунчилиги билан рағбатлантириш.

Суғурта бозорининг инфратузилмасини шакллантириш борасида эса қуйидаги ишларни амалга ошириш тақоза этилади:

- миллий суғурта бозорини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ўқув дастурларининг ягона тизимини яратиш;

- суғурта муаммолари жараёнига таъсир этувчи ва фуқаролар ҳамда мулкчиликнинг барча шаклидан қатъий назар юридик шахслар манфаатларини акс эттирувчи давлат суғурта сиёсатини амалга оширишга

ёрдам берувчи ёки йўналтирувчи институтларни ривожлантиришга ёрдам бериш.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш жараёни ўз ичига бир қатор ҳаракатларни қамраб олади:

- суғурта ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил қилиш;

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини танлаш, модомики, суғурта компанияси ва суғурта брокерининг ўрнини ҳар қандай ташкилот ёки шахс эгаллай олмайди (лицензиялаш орқали);

- суғурта бозорининг барча иштирокчилари (шу жумладан суғурта ташкилотлари) томонидан ҳаракат қилиш нормалари ва қоидаларининг бажарилишини назорат қилиш;

- ўрнатилган тартиб ва қоидаларнинг бажарилмаслиги ёки бажаришдан бош тортишда санкциялар тизимини қўллаш.

Бугунги кунда суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш жараёнининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлсада, суғурта назорати ходимларига профессионал билим ва малакага талаблари ўрнатилмаган ва ҳалигача суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Чет эл тажрибаси (Россия, Украина) шуни кўрсатмоқдаки, суғурта назорати ходимларига профессионал билим ва малакага эга бўлишлари лозимлиги жиҳатидан, шу фаолиятни олиб боришга қодирлиги нуқтаи назаридан улар албатта сертификатланиши лозим. Республикамизда суғурта назорати ходимларини сертификатлаш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас ва уни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш лозим.

Бундан ташқари суғурта назорати ходимлар профессионалликлари жиҳатидан ўз фаолиятлари учун шахсан жавобгар эканликлари нуқтаи назаридан уларнинг касбий жавобгарликларининг суғуртасини жорий этиш муҳим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 919-моддаси талабларига мувофиқ айнан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солишни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия қилинади:

1. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солишда чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта фаолиятини тартибга солишнинг услубий тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш керак.

2. Чет эл тажрибалари асосида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш фаолиятини автоматлаштириш ва компьютер дастурларини жорий этиш лозим.

3. Суғурта назорати ходимларига профессионал билим ва малакага стандарт талабларини ўрнатиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

4. Суғурта назорати ходимлари суғурта бозорни тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курсларни ташкил этиш.

5. Суғурта назорати ходимлари суғурта бозорни тартибга солиш ва назорат қилиш фаолиятини амалга оширишида объективликни таъминлаш.

### 3-МОДУЛ. СУҒУРТА БОЗОРИНИ ТУЗИЛИШИ. СУҒУРТА БОЗОРИ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

---

#### Режа:

- 3.1. Суғурта бозорининг тузилиши.
- 3.2. Суғурта компаниялари фаолиятини бошқариш.
- 3.3. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари

#### Таянч иборалар

Суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта бозори субъектлари, суғурта агенти, суғурта брокери, аджастер, актуарий, ассистенс.

#### 3.1. Суғурта бозорининг тузилиши

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг бугунги босқичида суғурта давлатимиз молиявий инфратузилмасининг ажралмас қисми эканлигини англаш муҳимдир. Суғуртанинг ривожланиши, ўз ўрнида қонунчилик базаси такомиллашганлигига, давлатимиз солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлигига, давлат суғурта назоратининг сифати ва суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг иш фаолияти ишончлилигига боғлиқдир.

Миллий суғурта бозори ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданияти ҳисобга олинган ҳолда ислоҳ этилган ва Ўзбекистон суғурта бозори суғурта соҳасидаги давлат сиёсати туфайлигина ривожланиб, шаклланган деб қайд этилса ҳеч муболаға бўлмайди.

Миллий суғурта бозори ташкил топиши ва шаклланиши секин-асталик билан тубдан ўзгариб борган ва бир нечта босқичларни босиб ўтган. Республикамиз суғурта бозори ислоҳ этилишининг биринчи босқичи (1991-1996 йиллар) суғурта бозорига хусусий суғурта компанияларнинг кириб келиши ва Давлат суғуртаси(Госстрах)нинг трансформацияси жараёни бошланиши билан боғлиқ бўлиб, шаклланаётган тадбиркорликнинг ҳуқуқий базаси билан қўллаб-қувватланган.

Иккинчи босқич (1997-2002 йй.)ни бугунги кунда пешқадам бўлган суғурта бозорининг асосий иштирокчилари шаклланган босқич деб атасак муболаға бўлмайди.

Бу босқичда, давлат раҳнамолигида бозор иқтисодиёти шароитига хос йирик суғурта компаниялари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармониға мувофиқ “Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси “Ўзбекинвест”

экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айлантирилди. Компаниянинг устав сармояси 60 миллион АҚШ долларига тенглаштирилди ва даромаддан олинган солиқдан ҳамда мулк солиғидан беш йил муддатга озод қилиниб, солиқ солишдан озод қилинган барча маблағлар компаниянинг устав сармоясини ҳамда унинг суғурта заҳиралари жамғармасини кўпайтиришга йўналтирилиши белгиланди.

Бу босқични Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг шаклланиш босқичи деб ҳам аташ мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш функциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилди. Вазирликнинг марказий аппаратида суғурта назорати давлат инспекцияси ташкил этилди. Инспекция бошлиғи, лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари этиб белгиланди. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан Республикада фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари зиммасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтиш мажбурияти юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларини қайта рўйхатга олиш тўғрисидаги вақтинчалик низом”га мувофиқ қайта рўйхатдан ўтказилган суғурта ташкилотларига берилган қайта рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ўзига хос лицензияни ифода этган.

Бу даврда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган суғурта ташкилотларининг активларига доир мажбуриятларнинг меъёрий нисбатларига алоҳида талаблар қўйилди, суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан суғурта ташкилотлари фаолиятини текшириш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланди, давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этилаётган қурилишлардаги қурилиш таваккалчиликлари мажбурий суғуртаси жорий этилди, суғурта ташкилотларининг мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказишни, суғурта агентлари фаолиятини, суғурта ташкилотлари томонидан суғурта резервларининг жойлаштирилишини ҳамда ҳаёт суғуртасидан ташқари суғурта турлари бўйича суғурта резервларини шакллантиришни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон суғурта бозори шаклланиб, ривожланишининг учинчи босқичи 2002 йил бошида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан бошланиб бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Бу босқичда бир қатор, суғурта агентлари фаолиятини, суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятларини тартибга солувчи, суғурталовчининг раҳбарига ва бош бухгалтерига малака талаблари

меъёрлари, суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари борасидаги, суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва тўлов қобилияти меъёрларини аниқлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта ишланди ва янгилари қабул қилинди.

Суғурта фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 сентябрдаги 202-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига киришига розилик берилди. Бу ўз ўрнида суғурта назорати бобидаги халқаро тажрибалар Республикамизга кириб келишига ва суғурта бозори ривожланишига ўзига хос замин яратади.



3.1-расм. Ўзбекистон суғурта бозорининг тузилиши<sup>41</sup>.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mf.uz](http://www.mf.uz) –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



Баён қилинганларнинг ҳаммаси суғурта соҳаси, яъни Ўзбекистон суғурта бозори ва унинг инфратузилмаси ривожланиши учун асос бўлиб, шарт-шароит яратмоқда.

Маълумки, бугунги кунда миллий суғурта бозори тез ва мустақкам суръатларда ўсиб бораётганлигини намойиш этмоқда. Унинг сифат тавсифи яхшиланиб, суғурта операциялари ҳажмлари тўхтовсиз ўсиб бормоқда, суғурталовчилар эса республика иқтисодиётида янада сезиларли ўрин тутмоқда. Ўзбекистон суғурта бозорининг тузилиши 3.1-расмда келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясининг маълумотларига кўра, 2016 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон суғурта ташкилотларининг умумий сони 30 тани ташкил этди. Йилдан йилга суғурта ташкилотларининг устав капиталларига қонунчиликда ўрнатилган талаб оширилиб борилмоқда (3.1-жадвал).

Мамлакатимиз миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари суғурта фаолиятининг маълум тармоғига ихтисослашиш билан бир вақтнинг ўзида универсал фаолиятни ҳам олиб бормоқдалар. Бунга мамлакатимизда суғурта соҳасининг юқори даражада ривожланмаганлиги, корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг суғурта тўғрисидаги ҳуқуқий билимларининг етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли суғурта хизматларига талабгорлар сонининг етарли эмаслиги сабабдир.

Ҳозирги кунда мамлакат суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг активлари ҳам турлича. Давлат суғурта компанияларининг устав капиталлари ва жами активлари бошқа суғурта компаниялариникидан сезиларли даражада кўп, ҳамда уларнинг таъсисчилари давлат идоралари ва ташкилотлари бўлганлиги учун уларга бўлган суғурталанувчилар ишончи юқоридир.

### 3.1-

жадвал

**Ўзбекистон суғурта ташкилотлари учун белгиланган устав капиталлари минимал миқдорларининг йиллар бўйича ўзгариши (2006-2009 йиллар минг АҚШ доллари ҳисобида, 2010-2014 йиллар минг ЕВРО ҳисобида)<sup>42</sup>**

Суғурта тармоқлари/ йиллар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Ҳаёт суғуртаси	250	250	750	750	1000	1000	1500	1500	2000
Умумий суғурта	150	150	500	500	750	750	1125	1125	1500
Қайта суғурта (фаолият мазмуни фақат қайта суғурта бўлса)	2000	2000	3000	3000	4000	4000	5000	5000	6000
Мажбурий суғурта	500	500	1000	1000	1500	1500	2250	2250	3000


<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда монополия юзага келишининг олдини олиш мақсадида бир тармоқда фаолият кўрсатувчи компаниялар сони камида ўн ва ундан ортиқ бўлиб, ушбу бозордаги бир компаниянинг суғурта хизматлари кўрсатиш бўйича ҳиссаси 31 фоиздан ошмаслиги, икки компаниянинг ҳиссаси 44 фоиздан ошмаслиги, учта компаниянинг ҳиссаси 54 фоиздан ошмаслиги ва тўртта компания улуши эса 64 фоиздан ошмаслиги керак. Ушбу нисбат бузилганда мазкур компанияларга нисбатан давлат иқтисодий санкциялар қўллайди ва уларнинг ушбу бозордаги иштирокини чегаралаб қўяди. Бундай кўрсаткич суғурта бозоридаги соғлом рақобат муҳитининг яратилишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан биридир.

Миллий суғурта бозорларидаги муҳим кўрсаткичлардан яна бири маълум мамлакат миллий суғурта бозоридаги суғурта мукофотларининг ушбу мамлакат аҳолисининг сонига нисбати кўрсаткичидир. Ушбу кўрсаткич асосида мамлакат аҳолиси ўртасида суғурта хизматларининг қанчалик оммалашганлигини билиш мумкин. Суғурта мукофотларининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши кўрсаткичининг ўсиш суръатига нисбатан бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати бирмунча юқори эканлигини кўриш мумкин. Ривожланган мамлакатлардаги ушбу кўрсаткич билан таққосланганда киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари миқдори мамлакатимизда кичик миқдорни ташкил этмоқда (2014 йил 5 АҚШ доллари), чунки бу кўрсаткич АҚШда 2000 АҚШ доллари, Японияда 4000 АҚШ доллари, Европа мамлакатларида ўртача 1600 АҚШ долларини ташкил этади<sup>43</sup>.

---

<sup>43</sup> [www.allinsurance.ru](http://www.allinsurance.ru). –интернет саҳифаси маълумотларига кўра.



**3.2-расм. Суғурта зичлиги – аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик суғурта мукофотлари (2013 йил).<sup>44</sup>**

Мамлакатимиз суғурта компаниялари капиталлашуви талаб даражасида эмаслиги, миллий қайта суғурталаш бозорини ривожлантиришга кам эътибор берилаётганлиги, қайта суғурталашга хорижий суғурта компаниялари жалб этилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз суғурта бозорида ахборотлар тизимининг тараққий этмаганлиги натижасида суғурталанувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларнинг талабига мос, молиявий барқарор ва тўловга лаёқатли суғурта компанияларини танлаш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси энг кичик кўрсаткичга эга бўлиб, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 6 фоизни ташкил этди. Ушбу ҳолатнинг қуйидаги сабаблари мавжуд: ушбу тармоқда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг сон жиҳатидан камлиги ва уларда малакали кадрларнинг етишмаслиги, инфляция даражасининг нисбатан юқорилиги, аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги ва компанияларга бўлган ишончсизликнинг мавжудлигидир.

Республика суғурта бозорида тузилмавий сиёсатнинг асосий жиҳати ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари ўртасидаги нисбатни

<sup>44</sup> A.M. Best. Understanding the Insurance Industry. UK, 2014. 4-5 p.

мақбуллаштиришдан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларининг тикланиши ва суғурта маданиятининг паст даражаси шароитида мажбурий суғурта турларини амалга ошириш муқаррардир, бундай шароитда мажбурий суғурта турларини амалга ошириш бозор капиталлашувини тезлаштиришга хизмат қилади. Суғурта мукофотлари тақсимотининг таҳлили маҳаллий суғуртачиларнинг суғурта портфелида асосий ўринни ихтиёрий суғурта турлари эгаллаганлигини кўрсатмоқда. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасига кўра, мажбурий суғуртанинг улуши ўртача 30 фоизни ташкил этиши керак.

Суғурта фаолиятининг моҳияти суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида суғурта шартномаси тузилгандан кейин шартномада кўзда тутилган ҳолатлар юз берганда суғурталанувчининг кўрган зарарини суғуртачи томонидан қоплаб берилишидан иборатдир. Йиғилган маблағларнинг аксарият қисми ушбу мақсадларга сарф қилиниши керак. Охирги йилларда йиғилган суғурта мукофотлари ҳисобидан тўлаб берилган суғурта қопламалари миқдори кичик ҳажмни ташкил этиб, ушбу нисбат олти йил давомида ўртача 15,5 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2011 йилда Россияда 53,7 фоизни ташкил қилган бўлса, бошқа ривожланган Америка, Япония ва Европа мамлакатларида 70-90 фоизни ташкил этади<sup>45</sup>.

Баён қилинганларнинг ҳаммаси суғурта соҳаси, яъни Ўзбекистон суғурта бозори ривожланиши, хусусан суғурта фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаси ривожланиши учун асос бўлиб, шарт-шароит яратмоқда. Охирги йиллар давомида аҳолининг суғуртага бўлган муносабатлари тобора яхшиланиб, фуқароларнинг суғурталовчиларга бўлган ишончи ортиб, суғурта ишига жиддий ёндошилмоқда. Республикамиздаги суғурта компаниялари ходимлари профессионаликлари ҳам сезиларли даражада ошди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий суғурта бозори ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданияти ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич ислоҳ этилган ва Ўзбекистон суғурта бозори суғурта соҳасидаги давлат сиёсати, раҳнамолиги ва қўллаб-қувватланиши (солиқ имтиёзлари бериб борилиши, янги суғурта компаниялари ташкил этилиши ва ҳ.к.) туфайлигина ривожланиб, шакллانган.

### **3.2. Суғурта компаниялари фаолиятини бошқариш.**

Суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар оқибатида кўриши эҳтимоли бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлди ва

<sup>45</sup> Insurance industry in Central and Eastern Europe, Sigma, 2012. - №7, - P. 27.

ривожланди. Шундай англанган зарурат аниқ суғурта манфаатлари негизида, суғурта муносабатлари юзага келди. Таъкидлаш лозимки, суғурта муносабатлари мураккаб ва кенг қамровли молиявий-пуллик иқтисодий муносабатлардир. Бу ўринда, суғурта муносабатлари юзага келиши учун ўзаро боғлиқ шарт-шароит мажмуаси мавжудлиги ҳам муҳим эканлигини таъкидлаш лозимдир.

Суғурта ташкилотларининг муҳим функциялари булар: инвестиция, актуарий фаолияти, андеррайтинг, даъволарни кўриб чиқиш ҳисобланади<sup>46</sup>.

Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан қатъий назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Суғурта фаолияти бозор муносабатларининг энг муҳим унсурига айланди. “Суғурта фаолияти деганда суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади”<sup>47</sup>. “Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар... суғурта тизимсиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имкониятига эга эмас”<sup>48</sup>.

Суғурталовчилар фаолияти мижоз (суғурталанувчи) лар базаси билан шаклланиши бўйича, суғурталанувчилар эса ишлаб-чиқариш фаолиятида ўзларини шахсий қизиқишларини қондиришлари билан характерланади. Суғурталовчилар ўзларининг суғурталанувчилари кўпайиши ҳамда фойда олишдан манфатдордирлар. Чунки, бошқа иқтисодий фаолият турлари каби суғурта соҳаси ҳам тижорат фаолиятига тегишли бўлиб, асосий мақсади фойда ва даромад олишдир.

Ҳар қандай бозорда бўлгани каби суғурта бозорида ҳам, суғурта хизматлари сифат жиҳатидан мукамаллигини ҳамда нарх жиҳатидан ҳаммабоп ва ҳамён кўтарадиган бўлишини таъминловчи рақобатдир. Суғурта бозоридаги рақобат муҳити аксарият, маълум даражада суғурта компаниялар бошқаруви (менежменти) томонидан шакллантирилади. Қолаверса, суғурта менежменти суғурта фаолиятини ташкил этишда муҳим таркибий элемент ҳисобланиб, суғурта унумли фаолият кўрсатиб, ишлаб туришини таъминловчи фаолият турлари мажмуидир.

Инглиз тилидан олинган “management” тушунчаси бошқарув, ташкил этиш, бошлиқликни амалга оширмақ мазмунини англатади. Умумилмий луғатларда ушбу тушунчага бир нечта изоҳ ва шарҳлар мавжуд:

Суғурта менежменти – бу суғурта ташкилотда ишлайдиган одамларни ўзаро мосланган ҳаракати орқали ушбу ташкилотни мақсадига эришиш.

<sup>46</sup> А.М. Best. Understanding the Insurance Industry. UK, 2014. 8-9 p.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Суғурта фаолияти тўғрисидаги. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2002. 3-модда.

<sup>48</sup> Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўллари. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 54-б.

Суғурта менежменти – бу одамий ва моддий ресурсларни ўзаро мосланган фойдаланиши орқали суғурта ташкилотининг мақсадига эришиш учун режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик ва назорат жараёни.

Вахоланки ушбу таърифлар турли бўлсада, шунга қарамадан, уларни таркибида учта умумий белги бор:

- бошқаришда албатта мақсад мавжудлиги кўрсатилади;
- ушбу фаолиятни ўзига хос заковатли феъли белгиланади;
- бошқариш ташкилотда амалга оширилиши маълум қилинади.

Суғурта менежменти – бу бозор муносабатларига хос бўлган алоҳида бошқариш тури. Суғурта менежменти бошқарувни иқтисодий усулларига асосланган ва суғурта фаолиятини фойда келтиришига ва даромадлилигига қаратилган.

Суғурта менежменти – бу касбий бошқарувдир. Суғурта менежменти – бу суғурта компания фаолияти бошқарувини аниқ шароитларини ҳар томонлама таҳлил қилишига, янгиликлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга, суғурта компания ривожланишини тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишга ва бошқаларга қаратилган ташкилий фаолиятни туридир.

Менежмент Америкадан келиб чиққан ва дастлабки ўзини уй хўжалиги юритиш қобилятини ёки қанақадир ишлар бажаришни англаган. Жамият, айниқса капиталистик иқтисодиёт ривожланган сари “менежмент” тушунчаси ҳам табиийки ўзгарган.

Қачонки бир талай янги касблар ва меҳнат турлари намоён бўлганда айрим кўринишдаги фаолият турида бошқариш фаолиятида эҳтиёж бўлди. Шу тарзда, менежмент одамий фаолиятини мустақил шаклига ишлаб чиқаришни бошқаришига айланди ва у мутахассисларни айрим гуруҳи касбий менежерлар томонидан амалга оширилади.

Замонавий босқичда менежмент ўзида бошқарувга меҳнат тури сифатида кўйиладиган талаблар хилма-хиллигини акс эттиради. Менежмент бўйича замонавий адабиётда энг кўп учрайдиган атама “ташкилот”. Кенг маънода у умумий мақсадга эга бўлган инсонлар (икки ёки кўпроқ) гуруҳини англатади.

Менежмент - бу бошқаришни энг унумли ташкил этиш ва оптималлаштириш тизими тўғрисидаги фандир. Ҳозирги пайтгача суғурта менежменти тушунчасини таърифлаш бўйича ягона ёндашув йўқ. Суғурта менежменти мазмуни турлича талқин қилинади. Иқтисодчиларнинг суғурта менежментини ифодаловчи изоҳ ва талқинлари хилма-хилдир. Албатта, бу хол ажабланарли эмас. Чунки жамият ривожланиши, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида ихтисослашган меҳнат фаолияти доирасини анча кенгайтирди. Иқтисодий ўсишни тезлаштириш моделларига ўтиш шароитида янги технологиялар янги қарорларни талаб қилганидек, уларни тушунишнинг ҳам янги босқичи талаб этилади. Сўзни тор маъносида суғурта менежментини суғурта компания ишчилар

фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлашади; кенг маъносида – суғурта компания ва унинг ишчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлашади. Суғурта менежментига берилган мавжуд изоҳ ва талқинларни таҳлилидан келиб чиқиб, мазкур диссертация ишига асос қилиб қуйидаги талқинни қабул қилиш мумкин: суғурта менежменти - суғурта компания ва уни ишчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.

Суғурта фаолиятида тезкор бошқаришни объекти – бу фаолият кўрсатаётган суғурта компанияси. Бозор иқтисодиёт шароитида ҳар бир фаолият кўрсатаётган суғуртачини иккита муомма ҳаяжонлантиради: қандай қилиб мижозларга энг унумли хизмат кўрсатиш ва қандай қилиб бошқариш сифатини ошириш.

Суғурта компания фаолиятини бошқариш функциялари 1.2.1-расмда келтирилган

Суғурта менежменти суғуртанинг мазмун моҳияти бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суғурта компанияларининг суғурта менежментининг самаралилигини баҳолаш, даромадни кўпайтириш ва суғурта компанияни бозор баҳосини оширишда биринчи қадам бўлиб ҳисобланади.

Шуни ёдда тўтиш керакки, собиқ иттифоқ даврида тижорат суғуртаси мавжуд бўлмаганидек, суғурта менежментига ҳам талаб бўлмаган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда суғуртага бўлган қизиқиш ортиб бораётган бир пайтда вазият тубдан ўзгарган, суғурта муаммоларига оид бўлган мақолалар, дарсликлар, илмий ишлар ҳажми кўпайиб бормоқда. Аммо суғурта бизнесини олиб бориш билан боғлиқ айрим масалалар ўз ечимини топганича йўқ. Бундай масалалардан бири суғурта менежменти бўлиб ҳисобланади.

Суғурта менежментининг асосий вазифаси – суғурталанувчиларнинг таваккалчиликларини самарали бошқаришдан иборатдир.

Шундай қилиб, суғурта менежментнинг асосий функциялари бу:

- таваккалчиликни баҳолаш;
- адекват суғурта тарифини белгилаш;
- суғурта шартларини белгилаш;
- даромадли суғурта портфелини шакллантириш;
- суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш.

Ҳар бир суғурта тури ўзига хос бўлган менежмент хусусиятларига эга бўлади. Суғурта таваккалчилигини ва қандай суғурта манфаати (суғурта объекти) суғуртага қабул қилинаётганлигини билмасдан, тушунмасдан, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоллигини ўрганмасдан, кутилиши мумкин бўлган суғурта товони миқдорини аниқламасдан суғурта таваккалчилигини баҳолаш мумкин эмас.

Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта менежменти вазифалари, бир шахс томонидан эмас балки суғурта агенти, суғурта брокери, суғурта сюрвейери ҳамда аджастер каби суғурта бозорининг профессионал

иштирокчилари томонидан ёки суғурта компанияларининг профессионал билим ва малакага эга бўлган ходимлари томонидан бажарилмоқда.

Қалтисликларни суғуртага қабул қилиш жараёни методик таъминланмаган ва суғурта бозори ривожланиб бораётган бир пайтда суғурта компанияларининг мулкӣ ва бошқа суғурта турлари бўйича сифатли менежмент амалга оширилишига бўлган талаблари кучайиб бормоқда.

Суғурта ривожланишининг тенденциялари, иқтисодий фаолият субъектларининг манфаатларини турли хил хавфлардан ҳимоя қилиш инструментини ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда менежмент, суғурта компаниясини оператив бошқаришнинг асосий қисми ҳисобланади, менежмент натижалари эса маълум даражада суғурта компанияси операцияларининг натижаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон суғурта бозоридаги рақобат менежер олдига янги поғонадаги масалаларни қўймоқда: қандай қилиб мижозларни ушлаб қолиш, қандай қилиб суғурта хизматлари сифатини ошириш ва суғурта фаолияти рентабеллигининг керакли даражасини сақлаб қолиш ва ҳ.к.



3.1-расм. Суғурта компания бошқариш цикли<sup>49</sup>.

Бугунги кунда суғурта компаниялари асосан суғурталанувчиларнинг индивидуал хавфлари билан ишлашда суғурта менежментини ташкил этиш ва ушбу жараёни бошқаришни ривожлантириш муаммоларига дуч келишаётганликлари табиий.

Менежментнинг мақсади суғурта компанияси томонидан қабул қилинган менежмент сиёсатида аниқлаштирилади ва унда қуйидагилар акс этиши лозим:

<sup>49</sup> Ефимов С.Л. Организация управления страховой компанией: теория, практика, зарубежный опыт. – М., 2000. – С. 38.



– суғурталовчининг мажбуриятлар бўйича тўловни амалга оширишга бўлган молиявий аҳволи (суғурталовчининг ўзида қолиши мумкин бўлган жавобгарлиги миқдори);

– суғурталовчининг бошқа сиёсатлар билан боғлиқлиги (молиявий, инвестицион, бюджет, тўловга оид, кадрларга оид ва х.к.);

– суғурта портфели рискларини бошқарувчанлиги;

– қайта суғурта сиёсатини;

– андеррайтер ваколатлари ва уларни асосларини;

– зарарлилик даражасининг прогнози;

– рақобатчиларни ва уларни суғурта бозоридаги ўрни;

– йўл қўйилиши мумкин бўлган дебиторлик қарзлар;

– қонун ҳужжатларидаги ўзгартиришлар ва уларнинг суғурталовчининг сиёсатида оператив ҳисобга олиниши.

Суғурта менежменти асосан суғурта турига қараб суғуртага қабул қилинаётган таваккалчиликни текширишдан иборатдир.

Мисол учун транспорт воситасини ихтиёрий суғурталашда автомашинани бошқаришга йўл қўйилган шахслар миқдори, уларнинг ёши, ҳайдовчилик тажрибаси, франшизани миқдори, автомашинани олиб қочишга қарши қўйилган асбоб-ускуналар, тунги вақтда автомашинани сақлаш шароити ва бошқа шу каби шароитлар ўрганилади.

Менежментни ишининг асосий натижаси бу даромадли суғурта пртфелини шакллантиришдан иборатдир.

Суғурта менежменти даромади деганда суғурта портфели ҳажми ва тўланган суғурта товонлари ҳажми ўртасидаги фарқи тушунилади.

Суғурта шартномаси тузилганидан сўнг ишга қайта суғурталовчилар киришади. Бунда ҳам агар суғурта шартлари умумий шартлардан тубдан фарқ қиладиган бўлса, суғурта таваккалчилигини қайта суғурта бериш масаласи оғир кечади. Бундан ташқари менежер жуда ҳам кичик бўлган тариф қўллаб қўйиши ҳам мумкин. Бунда суғурта таваккалчилигини қайта суғуртага бериб бўлмай қолади.

Ушбу жараённинг охирида барибир албатта суғурта портфели даромадлилиги қизиқтирадиган менежерлар ёхуд акционерлар бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, суғурта менежери шуни тушуниши керакки, унинг ишини натижаси, яъни суғурта шартлари ва суғурта тарифи белгиланиши унинг касбдошлари, қолаверса бутун суғурта компанияси ишини натижасини белгилаб беради. Бу эса жуда катта жавобгарликдир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани суғурталашда менежмент сиёсатини яқиндан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Суғуртада менежмент фаолияти ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида назарий билимларни шакллантириш ва бу билим кўникмаларни иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида қўллаш олиш, мулкий суғуртага доир мавжуд тажрибани умумлаштириш,

таҳлил этиш ва ўргатиш суғурта компаниянинг самарали фаолият кўрсатишига ижобий таъсир қилмай қолмайди.

Суғурта менежери билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган қуйидаги асосий талаблар мавжуд бўлишини келтиришимиз мумкин:

- суғурта объектини баҳолаш услублари андеррайтингнинг таркибий қисми сифатида бўлишини;

- суғурта суммасини аниқлаш ва уни суғурта манфаати билан боғлиқлигини;

- мулк суғуртаси объекти бўйича рискларни аниқлашни билиши ва улардан фойдалана олиши лозим:

- суғурта жавобгарлиги ҳажмини аниқлаш кўникмага эга бўлиши лозим:

- суғурта турларида мулкый манфаат ва суғурта суммаси;

- суғурта шартномаси тузишда зарур бўладиган ҳужжатларни менежмер томонидан кўриб чиқилиши бўйича малакага эга бўлиши керак.

Мулк суғуртаси объекти бўйича рискларни аниқлаш, таҳлил этиш ва уни суғуртага қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш, суғурта шартномасини тузиш учун талаб этилган ҳужжатларни экспертиза қилиш, суғурта жавобгарлиги ҳажмини аниқлаш, суғурталанувчини суғурта қилиш шартлари билан таништириш суғурта шартномасини тузишда менежернинг асосий вазифаларидир. Корхона мулкани суғурта қилиш бўйича шартномани амал қилиш муддати ва уни бекор этиш шартлари, корхона мулкани суғуртаси бўйича тариф ставкаси, суғурта мукофотини ҳисоблаш ва тўлаш жараёнини тартибга солиш, суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ва тартибга солишда менежментнинг вазифалари, автотранспорт воситаларини ишлатиш жараёнида юзага келадиган рисклар ва уларни классификациялаш, суғурта рискларини таҳлил этиш, баҳолаш ва танлаш – менежментнинг муҳим таркибий қисмидир. Суғурта турларига мувофиқ суғурта менежменти томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларга тўхталадиган бўлсак, корхоналар мол-мулкани суғурталашда:

- корхоналар мол-мулкани суғурталашнинг иқтисодий моҳияти;

- суғурта объектини баҳолаш услублари, менежмент сиёсати;

- суғурта суммасини аниқлаш ва уни суғурта манфаати билан боғлиқлиги;

- мол-мулк суғуртаси объекти бўйича рискларни аниқлаш, таҳлил этиш ва уни суғуртага қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш;

- суғурта шартномасини тузиш учун талаб этилган ҳужжатларни экспертизаси;

- суғурта жавобгарлиги ҳажмини;

- корхона мол-мулкани суғурта қилиш бўйича шартномани амал қилиш муддати ва уни бекор этиш шартлари;

- корхона мол-мулкани суғуртаси бўйича тариф ставкаси;

– суғурта мукофотини ҳисоблаш ва тўлаш жараёнини тартибга солиш;

– суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ва тартибга солиш каби масалаларни тўғри ва аниқ ҳал этилиши менежментнинг томонидан кўриб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта компаниялари бошқариш субъекти сифатида кўриб чиқиладиган бўлса, суғурта менежментига берилган мавжуд изоҳ ва талқинларни таҳлилидан келиб чиқиб, мазкур диссертация ишига асос қилиб қуйидаги талқинни қабул қилиш мумкин: суғурта компанияни бошқариш – бу суғурта компанияни ва уни ишчилар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш. Суғурта менежментни ишининг асосий натижаси бу даромадли суғурта портфелини шакллантиришдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон суғурта бозорида суғурта компаниялар бошқарилиши дастлабки босқичида турибди. Суғурта сюрвейери вазифалари аджастерлар вазифалари бажарилиши каби суғурта компанияларининг профессионал билим ва малакага эга бўлмаган ходимлари томонидан бажарилмоқда. Бу ҳолат айрим объектив сабаблар, яъни суғурта бозори инфратузилмасини ҳукуқий асослари фақат пойдевори яратилганлиги билан қолаверса, ушбу фаолият билан шуғулланувчи мутахасисларни билим ва тажрибалари етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

### **3.3. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари**

Суғурта институти бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида унинг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи-назардан, суғурта фаолиятида рисклар трансфери ҳам ўз навбатида, бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражасига боғлиқдир.


Шу ўринда, «инфратузилма» тушунчаси иқтисодий илмий луғатларда турлича: масалан, «асосий ишлаб чиқариш соҳалари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи иқтисодий тармоқлар йиғиндиси» ёки «маълум тармоққа хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарувчи ва ноишлаб чиқарувчи тармоқлар мажмуаси» каби маъноларда қўлланилишини қайд этиш мумкин. Хусусан, суғурта бозори инфратузилмасининг мазмун-моҳиятини очиб беришда, иқтисодиёт субъектининг самарали фаолият юритиши учун кафолатли шарт-шароит яратувчи фаолият турлари мажмуаси назарда тутилади. Маълумки, суғурта маҳсулоти сотилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва бу жараён:

- суғурта rischi ҳақида ахборот тўплаш ва уни аниқлаштириш;
- суғурта шартномасини имзолаш ва унинг амал қилишини таъминлаш каби босқичларни ўз ичига олади.

Суғурта фаолиятида рисклар трансферининг мазкур босқичлари ўзига хос билимни талаб этади. Айни ватда объектив ва субъектив сабабларга кўра, маълум қисқа давр оралиғида талаб этилаётган

мутахассис компаниянинг штатлар бирлигига киритилиши иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланиши ҳам мумкин. Шунинг учун компания ўз фаолиятида, одатда бошқа соҳа мутахассислари хизматидан фойдаланади. Демак, таъкидлаш мумкинки, суғурта бозори инфратузилмаси унинг профессионал иштирокчилари ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифатида суғурта фаолиятида рисклар трансферининг самарадорлигини таъминловчи омил саналади.

Суғурта бозори инфратузилмасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш мумкинки, унинг таркибига суғурта воситачилари, суғуртачилар уюшмаси, аврия комиссари (аджастер), сюрвейер, актуарий, ассистанс, суғурта аудитори, махсус ихтисослашган маслаҳатчилар ҳамда баҳоловчи фирмалар каби субъектлар киради. Шу ўринда, Лондон суғурта бозори инфратузилмаси таркибига суғурта андеррайтерлари ҳам киритилганлигини қайд этиш мумкин.



3.2-расм. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари<sup>50</sup>.

Уларнинг ҳар бири суғурта бозорида ўзига хос ўринга эга. Масалан, актуарий суғурта хизматлари нарҳини аниқлашда қатнашувчи субъект саналади. Бунда, у катта сонлар ва эҳтимоллик қонунлари, шунингдек, статистик маълумотлардан фойдаланади. Ривожланган мамлакатларда суғурта ташкилотлари актуарий фаолиятисиз суғурта хизматларига иқтисодий асосланган нарҳларнинг белгиланишини таъминлай олмайди. Актуарий суғурта фаолиятини стратегик режалаштириш, суғурта соҳалари, класс(тур)лари, шунингдек, компания бўйича суғурта портфели таркиби ва сифатининг таҳлили каби жараёнларда иштирок этади. Айрим давлатларда суғурта ташкилотининг ҳисоботи унинг ваколатли шахсларидан ташқари актуарий томонидан ҳам тасдиқланиши талаб этилади.

Ўзбекистонда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунда актуарийга қуйидагича таъриф берилган:

<sup>50</sup> Интернетда чоп этилган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Актуарий қуйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматларни кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахсдир:

-суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг такрорийлигини ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш;

-суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;

-суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга кўмаклашадиган тарзда аниқлаш;

-суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилиш;

-суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

-суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

-суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

Суғурта бозори инфратузилмасининг асосий субъектларидан яна бири авария комиссари (аджастер) бўлиб, у суғурта ҳодисаси юз бергандан сўнг шартнома шартларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятда иштирок этади. Таъкидлаш мумкинки, авария комиссари(аджастер) суғурта ташкилоти билан тузган шартномаси асосида фаолият юритади. У суғурта ташкилотининг вакили сифатида суғурта ҳодисаси оқибатида зарар кўрган мулкни кўриқдан ўтказиш, унинг кўлами ва сабабларини аниқлайди ҳамда авария сертификатини тузади. Баъзи мамлакатларда суғурта ташкилоти томонидан авария комиссарига маълум лимит доирасида йўқолган мулкни қидириш харажатларини амалга ошириш ҳуқуқи ҳам берилиши мумкин.

Мамлакатимизда аксарият ҳолларда суғурта ташкилотининг ўзи ёки ҳодисанинг турига қараб тегишли ташкилот (йўл патрул хизмати, баҳоловчи ташкилот ва бошқа)лар томонидан авария комиссари(аджастер)нинг вазифаси бажарилмоқда. Бу ҳолат, албатта суғурта хизматининг сифатига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мазкур жараёнда авария комиссари (аджастер) фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши турли субъектларнинг суғуртага бўлган ишончлари ортишига омил бўлади.

Ўзбекистонда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунда аджастерга қуйидагича таъриф берилган.

Аджастер суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

-суғурта ҳодисаси юз бергандан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

-суғурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;

-суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;

-суғурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда – суғурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш;

-тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш;

-суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш.

Суғурта бозори инфратузилмасида авария комиссари (аджастер) билан «ёнма-ён» сюрвеер диспашер ҳам фаолият кўрсатади. Сюрвеер - бу махсус эксперт бўлиб, у суғурта объектларини суғурта ташкилоти сўровига асосан кўриқдан ўтказувчи субъект саналади. У суғурталанувчи томонидан объектни кўриқдан ўтказиш учун жалб этилиши ҳам мумкин. Таъкидлаш лозимки, унинг авария комиссари билан ўзаро ўхшаш ҳамда ўзига хос фарқли томонлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари сюрвеернинг ихтисослашганлик даражаси одатда авария комиссари(аджастер)га нисбатан юқори саналади. Шунинг учун авария комиссари ҳам баъзан сюрвеер хизматидан фойдаланади.

Ўзбекистонда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунда сюрвеерга қуйидагича таъриф берилган”.

Суғурта сюрвеери қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

-суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

-суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

-текширилаётган суғура объекти бўйича хулоса тузиш.

Суғурта бозорида авария комиссари(аджастер) ва сюрвеер билан биргаликда диспашер ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Мазкур фаолият денгиз суғуртаси билан боғлиқлиги сабабли асосан денгиз бўйи давлатларида ривожланган. Мол-мулк ёки бошқа объектлар денгиз орқали манзилга етказилиш жараёнида юз бериши эҳтимол бўлган турли

рисклардан суғурталанади. Маълумки, денгиз транспортида бир неча субъектларнинг мол-мулки юкланган ҳамда улар суғурталанган бўлиши мумкин. Денгизда суғурта ходисаси юз бериши оқибатида мулкларнинг зарарланиши умумий авария деб номланади.

Суғурта бозоридаги яна бир профессионал иштирокчи ассистанс деб аталади. Ассистанс суғурталовчиларга ҳамда суғурта қилдирувчиларга суғурта шартномаси доирасида техник хизматлар, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир. Ассистанс ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартнома асосида амалга оширади. Ассистанс хизмати учун суғурталовчи томонидан хизмат хақи тўланади.

Ассистанс хизмати суғурталанувчига суғуртага йўналтирилган, мақсад жиҳатидан кўшимча хизмат кўрсатишни англатади. Булар ўз ичига тиббий, техник, ҳуқуқий ва шу каби бошқа хизматларни олиши мумкин. Масалан, агар инсон ҳаёти суғурталанган бўлса, суғурта ташкилоти билан муайян шартнома асосида хизмат кўрсатувчи шифохонанинг доимий кузатувида бўлади. Зарур бўлган пайтда шифохона суғурталанган шахсга тиббий ёрдам кўрсатишга масъулдир.

Агар суғурта компанияси таркибида ассистанс хизмати ташкил этилса ёки ассистанслик хизматини кўрсатувчи алоҳида юридик шахс билан мазкур хизматни кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиб қўйилса ўз ҳаёти ёки соғлигини суғурталаган шахслар учун кенг қулайликлар яратилади. Бундай қулайликлар сифатида суғурталанган шахс маълум касалликка чалинганда уни белгиланган касалхонага олиб бориш, расмийлаштириш ва тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни ассистанс хизмати амалга оширади.

Суғурта бозори инфратузилмасида суғурта воситачилари профессионал иштирокчилар сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди. Улар суғуртачи ва суғурталанувчи ўртасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш борасида муҳим субъектлар ҳисобланади. Суғурта воситачиларининг таркибига суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари каби субъектлар киради.

Хусусан, суғурта агенти бу суғурта ташкилотининг номидан ёки унинг топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва унинг ижро этилишини ташкил этувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Суғурта брокери эса суғурталанувчининг номидан ёки унинг топшириғига асосан шартномани тузиш ва унинг амал қилиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс ҳисобланади.

Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта воситачилари суғурта маҳсулотини сотиш бўйича махсус тизимга эга бўлиб, суғурта бозорининг ўзига хос инфратузилмасини ташкил этади.

Суғурта бозори инфратузилмасида аудиторлик ташкилотлари ҳам ўзига хос ўринга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ суғурта ташкилотлари ҳам аудиторлик текширувидан ўтишлари мажбурий қилиб белгилаб қўйилган. Аудиторлик текшируви суғурта ташкилотининг сўровига асосан амалга оширилади. Унинг натижасига кўра, аудитор суғурта ташкилотининг молиявий аҳволи юзасидан ўз хулосасини беради. Мазкур хулосада суғурта ташкилотининг молиявий ҳолати акс эттирилади. Суғурта ташкилоти аудитор тақдим этган хулосадан келиб чиқиб, ўзининг молиявий ҳолатини яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқади ҳамда уни амалга оширади.

Суғурта фаолияти ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, махсус (масалан, тижорат банклари бухгалтерияси каби) бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шуни қайд этиш лозимки, суғурта фаолиятини текширувчи аудитор бу соҳа юзасидан махсус билимга эга бўлмаса, томонлар ўртасида келишмовчилик юзага келиши мумкин. Шу сабабдан, суғурта фаолиятини ривожлантиришда унинг ўзига хос бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан ташқари махсус ихтисослашган маслаҳатчилар ҳам суғурта бозори инфратузилмасининг субъекти сифатида фаолият юритишлари мумкин. Мазкур субъектлар жумласига ихтисослашган ва кенг қамровли маслаҳат бюролари, адвокатлик ҳамда баҳоловчи фирмаларни киритиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда маслаҳатчилик хизматининг ривожланганлик даражаси ҳозирда юқори эмас ва мазкур мутахассислар суғурта фаолиятида деярли иштирок этишмаяпти.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор инфратузилмаси суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш билан бир бутунликда кечадиган жараёнدير. Ўзбекистонда суғурта бозори инфратузилмасининг шакллантирилиши бирмунча ўзгача тарзда кечмоқда.

Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги 618-сонли қарори асосида қабул қилинган Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари тўғрисидаги низом асосида тартибга солинади. Унга кўра суғурта ташкилотлари ва суғурта брокерлари Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинади, қолган иштирокчилар туманлардаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Аджастерлик, сюрвеерлик, ассистанс ҳамда актуарий фаолиятини



кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар суғурта ва қайта суғурта фаолиятини амалга оширишлари, воситачилик вазифасини бажаришлари ҳамда суғурталовчиларнинг устав фондида муассис сифатида иштирок этишларига рухсат этилмайди.

Мамлакатимизда, гарчи, суғурта бозори инфратузилмасининг ривожланиши сустр кечаётган бўлсада, суғурта ташкилотларининг ўз инфратузилмасини ривожлантиришга бўлган ҳаракатлари кўзга ташланмода. Хусусан, бу борада «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг етакчи бўлаётганини, унинг қошида «Суғурта олами» номли суғурта бизнесини ўқитиш ва «Инновация ва суғурта хизматларини ривожлантириш» марказлари, «Ўзбекинвест Эксиминформ» маркетинг ҳамда «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентликлари «Ўзбекинвест Сармоялари» инвестицион компания шунингдек, бошқа шўба корхоналар самарали фаолият кўрсатаётганлигини қайд этиш мумкин.

Суғурта бозори инфратузилмасини шакллантириш ва унинг субъектлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш Ўзбекистонда суғурта бозори тараққиётини янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Хусусан, мамлакатимизда актуарий, ассистанс, аджастер, сюрвеер каби субъектларнинг фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу жараён суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг алоҳида ихтисослашувини ҳамда уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этади

## 4-МОДУЛ. СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

---

### Режа:

- 4.1. Ўзбекистон суғурта бозори кўрсаткичлари таҳлили
- 4.2. Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти кўрсаткичлари.
- 4.3. Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини шакллантириш механизмлари

### Таянч иборалар

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), қайта суғурта қилиш шартномаси, ҳисобланган суғурта мукофоти, ҳисобланган суғурта товони, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти, тўлов қобилияти маржаси, алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятлар, ўз маблағлари манбаларининг суммаси, ажратилган активлар, бартараф этилмаган, боғлиқ шахслар, Давсуғуртаназорат, диверсификация, маблағларнинг ликвидлиги, наф олувчи, техник захиралар.

### 4.1. Ўзбекистон суғурта бозори кўрсаткичлари таҳлили

Ўзбекистон суғурта бозори бир неча йилдан бери барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб келмоқда, бу эса ўз навбатида унинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ошириб бормоқда. Маълумки, мамлакат молия секторининг, шу жумладан, суғурта соҳасининг ривожини мамлакатнинг умумиқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғланган. Суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиётининг ривожини билан узвий боғлиқлиги сабабли, ушбу соҳа мамлакатдаги умумиқтисодий ўзгаришларга жуда тез таъсирчан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги замон иқтисодиётида суғурта тизими стратегик аҳамият касб этмоқда, бунинг боиси суғурта тизимининг давлат сиёсати даражасига кутарилганлиги, суғурта бозорининг давлат бошқаруви идоралари (органлари) томонидан мамлакатнинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисмларидан бири сифатида кўриб чиқиладиганлигидадир.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиши билан суғурта соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон суғурта бозори Марказий Осиёда энг тезкор суръатлар билан ривожланаётган бозорлардан бири ҳисобланади. Бозор бир неча йилдан бери барқарор ўсиш суръатига эга бўлиб келмоқда, бу эса ўз навбатида унинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ошириб бормоқда. Маълумки, мамлакат молия секторининг, шу жумладан, суғурта соҳасининг ривожини мамлакатнинг умумиқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғланган. Суғурта соҳаси мамлакат

иктисодиётининг ривожини билан узвий боғлиқлиги сабабли, ушбу соҳа мамлакатдаги умумиктисодий ўзгаришларга жуда тез таъсирчан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий суғурта бозорининг ривожланиши асосан ялпи суғурта мукофоти ҳажми анча ошиши билан тавсифланади. Монополияга асосланган давлат суғурта тизимидан бозор муносабатларига ўтилди.

2016 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон суғурта бозорида 31 та суғурта компанияси мавжуд бўлиб, улардан 28 таси умумий суғурта соҳасида (Non-Life Insurance), 3 таси ҳаёт суғурта соҳасида (Life Insurance) фаолият юритмоқда. Мавжуд компанияларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва миқдоран охириги беш йил ичидаги ўзгариши масаласига тўхталадиган бўлсак, бугунги кундаги суғурта компанияларни кўп қисми МЧЖ шаклида ташкил этилганлигини ва суғурта компаниялари миқдори охириги беш йил ичида йил сайин тебранаётганлигини 5.1-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда мажбурий суғурта турлари бўйича қабул қилинган қонунлар барча суғурта компанияларда ўзларининг янги бўлимлари ва агент тармоқларини кенгайтириш устида иш олиб боришларига туртки бўлди.

#### 4.1-жадвал.

#### Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари сони ва уларнинг ташкилий ҳуқуқий шакли динамикаси<sup>51</sup>

Йил	Жами суғурта компаниялари	Миллий (давлат) компаниялар	Акционерлик жамиятлари	Маъсулияти чекланган жамиятлар	Шўба корхоналар
2003	20	1	10	8	1
2004	21	1	10	8	2
2005	23	1	10	10	2
2006	25	1	10	12	2
2007	27	1	10	14	2
2008	31	1	10	18	2
2009	32	1	10	19	2
2010	33	1	10	20	2
2011	37	1	10	24	2
2012	33	1	10	20	2
2013	33	1	10	20	2
2014	31	1	10	18	2
2015	31	1	10	18	2

Бунинг натижасида республикамизнинг барча ҳудудларида агент тармоқларини моддий техника базалари мустаҳкамланди ва мутахассислар тайёрланди. 2015 йил 1 январ ҳолатига юридик мақомга эга бўлган суғурта агентлари сони 1977 донага етган бўлса, жисмоний шахс мақомига эга бўлган

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

суғурта агентлари сони 5659 донага етди. (қаранг 5.2-жадвал).


Ўзбекистон суғурта бозорида кўп вақтдан буён йирик Давлат суғурта компаниялари илғорликни қўлдан бой бермай келишмоқда. Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган энг йирик суғурта ташкилотлари сифатида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” акциядорлик суғурта компанияларини келтириш мумкин. Лекин шундай бўлсада уларнинг бозордаги улуши пасайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин

#### 4.2-жадвал


#### Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий кўрсаткичлари, млрд.сўмда<sup>52</sup>

Йил	Суғурталовчилар сони	Суғурта мукофотларининг ҳажми	Суғурта жавобгарлигининг ҳажми	Суғурта қопламаларининг ҳажми
2008	33	88,1	35715,6	15,5
2009	34	146,1	54786,9	20,7
2010	33	171,4	69139,7	27,0
2011	37	212,1	91790,6	44,5
2012	33	285,9	111265,1	46,0
2013	33	338,5	161580,4	66,9
2014	31	439,1	240519,7	74,6
2015	31	551,5	380148,6	111,0

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.




**4.1-расм. Ўзбекистон суғурта бозори бўйича суғурта мукофотларининг ўзгариш динамикаси.<sup>53</sup>**




**4.2-расм. Ўзбекистон суғурта бозори бўйича тўланган суғурта**

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**қопламаларининг ўзгариш динамикаси.<sup>54</sup>**



**4.3-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг таққослама динамикаси.<sup>55</sup>**



<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

4.4-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг таққослама динамикаси.<sup>56</sup>

#### 4.3-жадвал

### 2010-2015 йилларда умумий суғурта тармоғидаги суғурта мукофотларини йиғиш бўйича республикамиздаги илғор суғурта компаниялари<sup>57</sup>

Компаниялар номи	Бозордаги улуши, %					
	2010	2011	2012	2013	2014	2015
1. “Ўзагросуғурта”	18,0	16,2	17,7	18,2	18,9	19,8
2. “Ўзбекинвест”	12,9	13,8	15,1	13,0	13,8	14,5
3. “Кафолат”	8,2	7,2	7,3	9,2	9,6	10,5
4. “Капитал суғурта”	6,5	5,1	4,8	5,5	6,1	4,8
5. “Alfa invest”	6,1	4,9	3,7	6,1	5,9	4,8
6. “Алском”	6,0	4,2	4,6	5,5	5,6	5,8
7. “Asia insurers”	7,3	8,4	10,2	10,3	5,2	5,1
8. “Temiryo`l sug`urta”	3,0	3,5	3,9	4,0	4,0	3,7
9. “Uvt inshurans”	6,5	6,1	4,9	4,5	3,9	2,5
10. “Инго Ўзбекистан”	2,7	3,3	2,7	2,7	3,0	2,6

Таъкидлаш жоизки, суғурта бозорининг реал ўсиши ихтиёрий суғурта турлари ҳисобига таъминланди. Миллий суғурталовчиларнинг суғурта портфелидаги асосий суғурталаш шакли ихтиёрий суғурта бўлиб, ихтиёрий суғурта турлари ҳажмларининг кескин ўсиши кузатилмоқда. Ялпи суғурта мукофотлари ҳажмининг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши, суғурта бозори ривожланишини ифодаловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич охириги йилларда 0,32% атрофидаги барқарорликка эришди, бу маҳаллий суғурталовчилар томонидан суғурта хизматларига бўлган тўлов қобилиятига қўйилган талабнинг тўлиқ қондирилганлигидан далолат беради.

#### 4.4-жадвал

### Суғурта мукофотларини йиғиш бўйича дунёдаги йирик суғурта компаниялари (минг АҚШ доллариди)<sup>58</sup>

2012	2011	Компани номи	Жойлашган joyi	2012 yilda kelib tushgan sug`urta mukofotlari	% o`zgarishi*
1	1	AXA S.A.	France	106,427,371	4.37
2	2	UnitedHealth Group Incorporated(1)	United States	99,728,000	8.42
3	4	Allianz SE	Germany	88,230,150	4.03
4	5	Assicurazioni Generali S.p.A.	Italy	83,398,971	0.13

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг <http://www.mf.uz> интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>58</sup> A.M. Best. Understanding the Insurance Industry. UK, 2014. 10 p.

5	6	National Mut Ins Fed Agricultural Coop	Japan	74,142,362	10.53
6	3	Japan Post Insurance Co., Ltd.	Japan	68,836,419	-5.47
7	9	Munich Reinsurance Company	Germany	66,319,993	4.80
8	...	Prudential Financial Inc	United States	65,354,000	168.94
9	12	China Life Insurance (Group) Company	China	58,719,710	4.01
10	10	State Farm Group(2)	United States	57,617,962	1.88
11	7	Nippon Life Insurance Company	Japan	56,978,881	-0.41
12	13	Kaiser Foundation Group of Health Plans(3)	United States	56,781,093	5.96
13	11	WellPoint Inc.	United States	56,567,400	0.50
14	18	Prudential plc	United Kingdom	47,540,387	16.33
15	15	Zurich Insurance Group Ltd.	Switzerland	47,495,000	8.81
16	8	Meiji Yasuda Life Insurance Company	Japan	39,080,177	-29.28
17	16	Dai-ichi Life Insurance Co Ltd.	Japan	38,729,345	3.03
18	17	Life Insurance Corporation of India	India	38,380,509	2.85
19	21	MetLife Inc.	United States	37,975,000	4.44
20	19	American International Group Inc.	United States	37,717,000	-1.13
21	...	People's Ins Co (Group) of China Ltd.	China	37,105,330	11.42
22	23	Humana Inc.(1)	United States	37,009,000	5.42
23	24	Berkshire Hathaway Inc.	United States	35,727,000	8.57
24	...	Ping An Ins (Group) Co of China Ltd.	China	35,086,824	12.32
25	22	MS&AD Insurance Group Holdings Inc.	Japan	34,069,332	7.61

Manba: A.M. Best tadqiqotlari, 2012 yil holatiga.

\*Foiz o'zgarishi milliy valyutaga asoslangan. (1) Ishlab topilgan sug'urta mukofotlar keltirilgan. (2) Sug'urta mukofotlar faqat AQSh uchun ko'rsatilgan. (3) A.M. Best tomonidan jamlangan/

Маълумки, бугунги кунда миллий суғурта бозори тез ва мустақкам суръатларда ўсиб бораётганлигини намоён этиш мумкин. Унинг сифат тавсифи яхшиланиб, ЯИМ даги суғурта хизматлари улushi ортиб, суғурта операциялари ҳажмлари тўхтовсиз ўсиб бормоқда, суғурталовчилар эса республика иқтисодиётида янада сезиларли ўрин тутмоқда.

Таҳлилларга кўра, республикамиз бўйича суғурта хизматлари кўрсатилиши қамрови охири беш йилда сезиларли даражада ошган. Бу ҳолат суғурта компанияларни суғурта бозорида суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва миқдорларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, миллий суғурта бозори ривожланиши давлат миқёсида ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, мавжуд шарт-шароитлар, миллий суғурта анъаналари ва маданияти ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич ислоҳ этилган ва Ўзбекистон суғурта бозори суғурта соҳасидаги давлат сиёсати, раҳнамолиги ва қўллаб-қувватланиши (солиқ имтиёзлари бериб борилиши, янги суғурта компаниялари ташкил этилиши ва х.к.) туфайлигина ривожланиб, шаклланди.

#### **4.2. Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти кўрсаткичлари.**

Тўлов қобилияти нормативлари қуйидагилардан иборат:

– тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи;



- алоҳида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори;
- суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятлари жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори.

Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти кўрсаткичини аниқлаш учун охириги ҳисобот санасига суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, шунингдек, ҳисоб-китоблар йўли билан аниқланадиган маълумотлардан фойдаланилади.

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) тўлов қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб, улар томонидан белгиланган тўлов қобилияти нормативларига, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилиниши ҳисобланади.

Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи 1 дан кам бўлмаслиги шарт. Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорини тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдорига бўлган нисбатига тенг бўлиб, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$= \frac{\text{ТҚМЕН} \cdot \text{ТҚМХМ}}{\text{ТҚМНМ}} \quad (4.1)$$

Бу ерда:

ТҚМЕН — тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи;

ТҚМХМ — тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори;

ТҚМНМ — тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори.

Умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори бўлиб, қуйидаги учта миқдорнинг энг каттаси ҳисобланади:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори;
- «мукофотлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор;
- «тўловлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор.

**«Мукофотлар усули»** бўйича миқдор умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффицентни ўтган ўн икки ой мобайнида барча суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммасидан ушбу давр мобайнида тузилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларининг бекор қилиниши (шартлари ўзгариши)

муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофотларини чегириб қолиб аниқланган миқдорнинг 20 фоизига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Бунда 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари 50 фоизга оширилади. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача ўн икки ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда лицензия олинган вақтдан ҳисобот санасигача бўлган даврни ҳисоб даври сифатида қўллайди.

«Тўловлар усули» бўйича миқдор, умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициентни куйидаги кўрсаткичлар суммасининг 10 фоизини ташкил этувчи миқдорга кўпайтириш йўли билан ҳисобланади:

– ўтган ўттиз олти ой мобайнида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари суммаси. Бунда 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича суғурта товонлари 50 фоизга оширилади;

– ҳисобот санасига хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси. Бунда 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси 50 фоизга оширилади.

– Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача ўттиз олти ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда лицензия олинган вақтдан ҳисобот санасигача бўлган даврни ҳисоб даври сифатида қўллайди.

Умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонларидан қайта суғурталовчиларнинг улушларини чегириб қолинган суммани ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммасига нисбати сифатида ҳисобланади. Умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент 0,5 дан кам бўлиши мумкин эмас. Агар ҳисоб-китоб натижасида аниқланган катталиқ 0,5 дан кам бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент сифатида 0,5 қабул қилинади.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача ўттиз олти ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент сифатида 1,0 қабул қилади.

Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун тўлов қобиляти маржасининг

норматив миқдори бўлиб, қуйидаги миқдорларнинг энг каттаси ҳисобланади:

- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори;

қуйидаги икки миқдорнинг йиғиндиси:

а) мукофотлар захирасининг 5 фоизини ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун тузатувчи коэффициентга кўпайтмаси;

б) умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 класслари учун тузатувчи коэффициентни қуйидаги миқдорларнинг энг каттасига кўпайтмаси:

- ўтган ўн икки ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммасидан ушбу давр мобайнида тузилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларининг бекор қилиниши (шартлари ўзгариши) муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофотларини чегириб қолиб аниқланган миқдорнинг 20 фоизи;

- ўтган ўттиз олти ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари ва ҳисобот санасига умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларга оид хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси йиғиндисининг 10 фоизи.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача мос равишда ўн икки ёки ўттиз олти ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисоб-китобларни амалга оширишда лицензия олинган вақтдан ҳисобот санасигача бўлган даврни ҳисоб даври сифатида қўллайдди. Бу ҳолат ҳаётни суғурталаш соҳасига ҳам таълуқли бўлади.

**Тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори** суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз маблағлари манбаларининг суммасидан қуйидаги кўрсаткичлар суммасини чегириш орқали аниқланади:

- номоддий активлар, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг 10 фоизидан ошмаган миқдордаги суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) асосий фаолияти учун харид қилинган дастурий таъминот бундан мустасно (бу ҳолатда дастурий таъминот бошланғич баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади);

- таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи;

- мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар;

- таъсисчилар (акциядорлар) ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган тақсимланмаган фойданинг қисми;

- таъсисчиларга, акциядорларга ва ходимларга берилган қарзлар, шунингдек ушбу қарзлар бўйича жамғарилган фоизлар;

- дебитор-боғлиқ шахсларнинг қарзлари;

- суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар (қайта суғурта қилдирувчилар) томонидан тўланмаган суғурта (қайта суғурта) мукофотлари;

- берилган кафолатлар;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик қарзлар.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз маблағлари манбалари суммасининг **50 фоизи миқдори** билан чегараланади, олдинги молиявий йил якуни бўйича халқаро аудитнинг ижобий хулосасини олган тижорат банкларининг устав капиталларида иштирок этиш бундан мустасно.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши ушбу юридик шахснинг устав капиталининг **30 фоизидан** ошмаслиги шарт суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига (қайта суғурталовчига) тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамиятлари) бундан мустасно.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активлари кўчмас мулк объектларига жойлаштирилганда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг **50 фоизидан** ортиғини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа объектига ёхуд битта объект сифатида кўрилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари мажмуига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активларини банк омонатларига (депозитларига) жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган омонат суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг **40 фоизидан** ошмаслиги шарт.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активларини кредит ташкилотларида (тижорат банкларидан ташқари) омонатларга (депозитларга) жойлаштиришда, омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг **10 фоизидан** ошмаслиги шарт.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг **30 фоизидан** ошмаслиги шарт.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз таъсисчилари, акциядорлари ва ходимларига, шунингдек у билан ҳаёт суғуртаси шартномасини тузган

суғурта қилдирувчиларга ушбу шартномалар билан кафолатланган қарзлар беришга ҳақли. Бунда берилган қарзларнинг умумий суммаси суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) устав капиталининг **10 фоиздан** ошмаслиги шарт.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз маблағлари манбалари суммасининг **30 фоиздан** ошган ҳажмдаги қарзларни (молиявий ёрдамни) фақат Давсуғуртаназоратни хабардор этгандан сўнггина, олишга ҳақли.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) касса ва/ёки ҳисоб (валюта) ва бошқа банк рақамларида ўтган ўн икки ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммасининг **3 фоиздан** кам бўлмаган миқдорда пул маблағларига эга бўлиши шарт.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан битта боғлиқ шахсда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) устав капиталининг **15 фоиздан** ошмаслиги шарт, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурта фаолияти, суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни, шунингдек мулк ҳуқуқи асосида суғурталовчига (қайта суғурталовчига) тегишли бўлган хизмат биноларидан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар (шўъба хўжалик жамиятлари) бундан мустасно.

Суғурталовчилар таваккалчиликларни фақат уларда мавжуд лицензияда кўрсатилган класслар бўйича қайта суғурта қилишга ҳақли. Қайта суғурта қилдирувчи таваккалчиликларни фақат тасдиқланган қайта суғурталовчиларга қайта суғуртага беришга ҳақли.

Тасдиқланган қайта суғурталовчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга суғурталовчи;

б) суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга ва устав капиталининг шакллантирилган қисми фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчи учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига эга суғурталовчи;

в) ҳисобот йили бошига қуйидаги рейтинглардан бирига эга чет эл суғурта ташкилоти:

«**Moody's Investors Services**» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «**Baa3**»дан паст бўлмаган;

«**Standard & Poor's Corporation**» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «**BB+**»дан паст бўлмаган;

«**Fitch, Inc**» (Буюк Биртания) агентлиги таснифи бўйича «**BB-**»дан паст бўлмаган;

«**A.M. Best Company, Inc.**» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «**B+**»дан паст бўлмаган;

«Эксперт-РА» (Россия Федерацияси) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «А++»дан паст бўлмаган.

Мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига қайта суғуртага берилган мажбуриятлар ҳажми суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ҳар бир алоҳида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича мажбуриятлар ҳажмининг 95 фоизидан ошмаслиги шарт.

Мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, ўзида қолдирилган улушнинг энг кам миқдори суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг)тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорининг 5 фоизидан ортиқ ёки тенг бўлиши шарт, экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш ва чет элга чикувчи шахсларни суғурта қилиш шартномалари бундан мустасно.

#### **4.3. Суғурталовчиларнинг суғурта захираларини шакллантириш механизмлари**

Суғурта захиралари суғурталовчи томонидан суғуртанинг ҳар бир тури (класси) бўйича суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш назарда тутилган валютада шакллантирилади. Суғурталовчи бухгалтерия ҳисоботини тузишда ҳисобот санасига суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинган молиявий натижаларини аниқлашда суғурта захиралари ҳажмини ҳисоблайди. Суғурта захиралари ҳисоб-китоби суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳар бир ҳисобот санасига ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта захираларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган санадан бошлаб, 3 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланиши лозим. Хусусан, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатларнинг сақланиши лозим:

- шартнома (полис, гувоҳнома, квитанция) рақами;
- шартноманинг кучга кирган санаси (суғуртанинг амал қилишининг бошланиш санаси);
- шартноманинг амал қилиш муддати;
- суғурта пули (пуллари) миқдори (миқдорлари);
- ҳисобланган суғурта мукофоти (бадаллари) миқдори;
- суғурта мукофоти (бадаллари) ҳисобланган сана;
- суғурта мукофотининг (бадалларининг) миқдори (миқдорлари) ва тўланган санаси (саналари);

- шартнома тузганлик учун ҳисобланган мукофот миқдори;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда суғурта мукофотидан (бадалларидан) ажратмалар миқдори;
- шартномани муддатидан олдин тугатиш санаси;
- шартнома шартларини ўзгартириш санаси (саналари);
- шартноманинг муддатидан олдин тугатилиши (шартларининг ўзгартирилиши) муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофоти (бадаллари) миқдори;
- суғурта мукофотини (бадалларини) қайтариш санаси;
- суғурта ҳодисаси (ҳодисалари) тўғрисида ариза тушган сана (саналар);
- суғурта ҳодисаси (ҳодисалари) юз берган сана (саналар);
- хабар қилинган зарар (зарарлар) миқдори (миқдорлари), шунингдек, уни бартараф этиш жараёнида хабар қилинган зарар (зарарлар) миқдорининг (миқдорларининг) ўзгариши тўғрисида маълумот;
- суғурта тўлови (тўловлари) санаси (саналари);
- суғурта тўлови (тўловлари) миқдори (миқдорлари);
- суғурта тўловини (тўловларини) тўлашни рад этиш санаси (саналари).

Кўрсатилган маълумотлар электрон маълумотлар базаси, шунингдек, Тузилган суғурта шартномаларини ҳисобга олиш журнали, Зарарлар ва муддатидан олдин тугатилган суғурта шартномаларини ҳисобга олиш журнали, Қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномаларни ҳисобга олиш журнали, Қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича зарарларни ҳисобга олиш журнали учун ҳам мажбурий реквизитлар ҳисобланади. Суғурталовчи суғурта захиралари ҳисоб-китобини кўрсатилган регистрларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида амалга оширади.

Суғурталовчи ўзининг балансида (ҳолатга кўра) мажбурият ёки активлар сифатида ҳисобга олинувчи қуйидаги **техник захираларни** шакллантириши шарт:

а) ишлаб топилмаган мукофот захираси (умумий суғурта (қайта суғурта қилиш) бўйича фаолиятни амалга оширишда);

б) мукофотлар захираси (ҳаётни суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);

в) кейинги йилларда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун мўлжалланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ФЖМС БЗ) (транспорт

воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);

в-1) кейинги йилларда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун мўлжалланган иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ИФЖМС БЗ) (иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);

в-2) кейинги йилларда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун мўлжалланган ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ТФЖМС БЗ) (ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);

г) суғурта ҳодисасининг юз бериши билан келиб чиқувчи ҳамда суғурта шартномаси шартлари бўйича қопланиши лозим бўлган зарар (зиён) ҳажмига мувофиқ ҳолда аниқланадиган ва қуйидагилардан таркиб топган зарарлар захираси:

хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси (**ХЗЗ**);

содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси (**СХЗЗ**);

огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини (**ОЧЗ**);

фалокатлар захирасини (**ФЗ**);

зарарлиликнинг тебраниши захирасини (**ЗТЗ**);

активларнинг номувофиқлиги захирасини (**АНЗ**);

суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа турдаги суғурта захираларини ташкил этиши мумкин.

Бунда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни ва/ёки иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни ва/ёки ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширувчи суғурталовчилар тегишлича, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини (**ФЖМС ОЧЗ**) ва/ёки иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини (**ИФЖМС ОЧЗ**) ва/ёки ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини (**ТФЖМС ОЧЗ**) шакллантиришлари шарт.

Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасидан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасидан ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш



захирасидан ташқари, техник захираларни ҳисоб-китоб қилиш базаси сифатида базавий суғурта мукофоти — ҳисобот даврида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларини тузиш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатилганлик учун ҳисобланган коммиссион мукофоти ва огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини шакллантиришга йўналтирилган маблағлар суммаси чегирилган, ҳисобланган суғурта брутто-мукофоти қабул қилинади.

Фойдани аниқлашда техник захиранинг камайиши суғурталовчининг даромадини, техник захиранинг кўпайиши эса зарарини намоён этади.

Ишлаб топилмаган мукофот захираси (**ИМЗ**) — бу суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича ҳисобланган, кейинги ҳисобот даврларида амалга оширилиши мумкин бўлган, келгуси тўловларни таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажариш учун мўлжалланган ҳисобот даврининг чегараларидан чиқувчи шартноманинг амал қилиш даврига тегишли суғурта мукофотининг қисми.

ИМЗ маблағлари ҳисобидан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) муддатидан олдин тугатилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича суғурта мукофотларини қайтариш амалга оширилади.

ИМЗни ҳисоблаш учун суғурта фаолияти тўртта ҳисоб гуруҳларига бўлинади:

**а) 1-ҳисоб гуруҳи:**

- бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш (1-класс);
- касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш (2-класс);
- ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш (3-класс);
- ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш (4-класс);
- авиация суғуртаси (5-класс);
- денгиз суғуртаси (6-класс);
- йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш (7-класс);
- мол-мулкни оловдан, табиий офатдан (8-класс) ва зарардан суғурта қилиш (9-класс);
- автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (10-класс);
- авиация (11-класс) ва денгиз (12-класс) суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш;
- умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (13-класс) (қарз олувчиларнинг кредитни тўламаганлиги учун жавобгарлигини суғурта қилишдан ташқари);
- ҳуқуқий ҳимоя билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш (17-класс);
- непропорционал қайта суғурта қилиш шартномалари (ҳар бир қайта суғуртага қабул қилинган шартнома (шартномалар) бўйича қайта суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш доирасига тушувчи зарарнинг содир бўлиши борасида суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган ҳар

бир суғурта тўловидаги олдиндан ўрнатилган улушни қоплаш бўйича қайта суғурталовчининг мажбурияти пайдо бўлувчи шартларга эга бўлган қайта суғурта қилиш шартномаларидан ташқари қайта суғурта қилиш шартномалари);

**б) 2-ҳисоб гуруҳи:**

- кредитларни суғурта қилиш (14-класс);
- кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш (15-класс);
- бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш (16-класс) (қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини суғурта қилишдан ташқари);
- қарз олувчиларнинг кредитни тўламаганлиги учун жавобгарлигини суғурта қилиш (13 класс);

**в) 3-ҳисоб гуруҳи:**

- суғурта шартномасининг амал қилиш муддати бошланишининг ва тугашининг ноаниқ («очик») саналарига эга бўлган суғурта шартномаларини тузиш имкониятини назарда тутувчи суғурта турлари;

**г) 4-ҳисоб гуруҳи:**

- қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини суғурта қилиш (16 класс).

Суғурта захираларини ҳисоблаш учун суғурталовчи ҳар бир ҳисоб гуруҳи ичида суғурта шартномасининг шартлари, суғурта объектлари, суғурта объектларининг жойлашуви ва суғурта таваккалчиликлари рўйхатига боғлиқ ҳолда кўшимча ҳисоб гуруҳларини киритиши мумкин.

Биринчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот ҳар бир суғурта шартномаси бўйича алоҳида **«pro rata temporis»** усули — ишлаб топилмаган мукофотни ҳисобот санасига суғурта шартномасининг тугамаган амал қилиш муддатига пропорционал ҳолда ҳисоблаш орқали ҳисобланади. Ҳар бир суғурта шартномаси бўйича ишлаб топилмаган мукофот ҳисоб-китоб учун қабул қилинган базавий суғурта мукофотининг ҳисобот санасига суғурта шартномасининг тугамаган амал қилиш муддатининг (кунларда) суғурта шартномасининг бутун амал қилиш муддати (кунларда) нисбатига кўпайтмаси сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$И_{mi} = B_{mi} \times \frac{T_i - M_i}{T_i}, \quad (4.2)$$

бу ерда:

**И<sub>mi</sub>** — *i*-шартнома бўйича ишлаб топилмаган мукофот;

**Б<sub>mi</sub>** — *i*-шартнома бўйича базавий суғурта мукофоти;

**Т<sub>i</sub>** — *i*-шартноманиннг кунлардаги амал қилиш муддати;

**М<sub>i</sub>** — *i*-шартноманиннг кучга киришидан бошлаб ҳисобот санасигача бўлган кунлар сони.

Бутун ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот захираси ҳар бир шартнома бўйича «pro rata temporis» усули орқали ҳисобланган ишлаб топилмаган мукофотларни кўшиш йўли билан аниқланади.

Биринчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот захираси «1/24» усули бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин.

Ишлаб топилмаган мукофотни (ишлаб топилмаган мукофот захирасини) «1/24» усули орқали ҳисоблаш учун битта ҳисоб гуруҳига тааллуқли бўлган шартномалар кичик гуруҳларга ажратилади. Кичик гуруҳларга амал қилиш муддати (ойларда) бир хил бўлган ва амал қилишининг бошланиш санаси бир хил ойларга тўғри келувчи шартномалар киритилади.

Фалокатлар захираси (**ФЗ**), кўп сонли суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш заруратини келтириб чиқарган енгиб бўлмас куч ёки йирик миқёсдаги авария оқибати ҳисобланган, фавқулодда етказилган зиённи қоплашга мўлжалланган. **ФЗ** шартларида енгиб бўлмас куч ёки йирик миқёсдаги авария оқибатида етказилган зиённи қоплаш муносабати билан суғурталовчининг суғурта тўловини амалга ошириши мажбуриятини кўзда тутувчи суғурта турлари бўйича шакллантирилади.

Зарарлиликнинг тебраниши захираси (**ЗТЗ**), суғурта тури бўйича суғурта тарифининг нетто-ставкасини ҳисоблаш учун асос бўлган кутилаётган зарарлилик даражасидан ҳисобот давридаги зарарлилик даражаси юқори бўлган ҳолатда, суғурталовчининг суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини компенсация қилишга мўлжалланган.

Зарарлиликнинг тебраниши захирасининг миқдори ялпи ҳисобланган суғурта мукофотининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Активларнинг номувофиқлиги захираси (**АНЗ**) фақат ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолият юритадиган суғурталовчи томонидан ташкил этилиши мумкин ва мукофотлар захирасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ўзида мажбуриятларни акс эттирмаган, бироқ суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа захиралар суғурталовчи томонидан бундай захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шартларини назарда тутувчи тегишли захира тўғрисидаги низом суғурталовчи томонидан тасдиқланганидан кейингина ташкил этилиши мумкин.

Суғурталовчи суғурта захиралари маблағлари қийматига эквивалент бўлган суммадаги активларни ажратиши шарт. Ажратилган активлар, уларни ажратиш вақтида суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисобот регистрларида аниқ белгиланган бўлиши шарт.

Ажратилган активларнинг умумий қиймати суғурта захиралари маблағларининг жами миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Ажратилган активлар қиймати сифатида уларнинг баланс қиймати тушунилади. Ажратилган активлар диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик талабларига жавоб бериши лозим.

Суғурта захиралари хорижий валютада белгиланган ҳолатларда, активлар суғурта захиралари белгиланган валютага эквивалент валютада ёки эркин конвертация қилинадиган валютада ажратилади.

Ажратилган активларнинг 70% дан кам бўлмаган қисми қуйидагилардан (ёки уларнинг баъзиларидан) таркиб топиши лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;
- банк омонатлари (депозитлар);
- кассадаги ва/ёки ҳисоб (валюта) рақамлардаги ва ўзга банк рақамлардаги пул маблағлари, шунингдек уларга тенглаштирилган маблағлар;

- хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари (Давсуғуртаназорат билан келишган ҳолда);

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариш ва муомалага киритишга рухсат берилган, ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга (рухсатномага) эга бўлган хорижий эмитентлар томонидан чиқарилган, ҳамда қимматли қоғозлар бозорида муомалага қўйилган қимматли қоғозлар.

## 5-МОДУЛ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

---

### Режа:

5.1. Суғурта бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий моҳияти ва роли.

5.2. Хорижий мамлакатлар суғурта бозорларининг ривожланиш ҳолати ва Ўзбекистон тажрибасида фойдаланиш йўллари.

5.3. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари.

### Таянч иборалар

Суғурта хизматлари, суғурта бозори, суғурта компаниялари, суғурта назорати давалт инспекцияси, мажбурий суғурта, ихтиёрий суғурта, суғурта соҳалари.

### **5.1. Суғурта бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий моҳияти ва роли.**

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз суғурта тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу тармоқни изчил тараққий эттириш ҳукуматнинг доимо диққат эътиборида бўлиб келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида таъкидлаб ўтди: “...Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири – тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Улар мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортиқ суғурта хизматини таклиф этмоқда...”<sup>59</sup>.

Шаклланишнинг машаққатли йўлини босиб ўтган мамлакатларнинг мураккаб тажрибасини ва шу билан бирга республиканинг ўзига хос хусусиятлари, яшаш шароитлари, анъаналари, урф-одатлари, халқнинг турмуш тарзини ҳисобга олувчи ўз йўлидан мақсад сари дадил бориш Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг бош йўлидир.

Бу йўлни амалга ошириш ва иқтисодиётни тубдан ислох қилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ягона тамойиллар ташкил этади. Бу тамойиллар қуйидагилар:

---

<sup>59</sup> Каримов И.А. 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 17-б.

- биринчидан, иқтисодиётни мафкуралаштиришдан ҳоли этиш;
- иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида давлат асосий ислохотчи бўлиши лозим;
- учинчидан, янгиланиш ва тараққиётнинг бутун жараёни ҳуқуқий асосга таянмоғи лозим;
- тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш мавжуд аҳоли ҳолатини, унинг таркиб топган яшаш даражасини ҳисобга олган ҳолда, одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича олдиндан эҳтиёт чораларини амалга ошириш лозим;
- бешинчидан, янги иқтисодий бозор муносабатларига ўтиш ижтимоий сакрашларсиз, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу барча тамойиллар демократик ва иқтисодий қайта ўзгартиришлар жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бозор инфраструктурасини яратиш ва унинг фаолиятига хос жараёнларни тартибга солишни таъминлайдиган қонун меъёрлари фаол шакллантириб борилмоқда. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши республикада бозор механизмларини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлайдики, “Молия бозорида турли суғурта компаниялари борган сари фаол иш олиб бормоқда. Республиканинг собиқ Давлат суғурта бошқармаси қайта тузилди, унинг вазифалари анча ўзгартирилди. Акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб борувчи қирқдан ортиқ давлатга қарашли бўлмаган суғурта компанияси тузилди. Таваккалига қилинадиган ишларни сиёсий ва тижорат жиҳатдан суғурталаш, банк ва биржа операцияларини суғурталаш жараёни бошланди”<sup>60</sup>.

“Иқтисодиётимизда вужудга келтирилган мустаҳкам ҳуқуқий нормалар негизида институционал ўзгаришларга таяниб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб, барқарор ва собитқадам бўлиб бормоқда. Ўтган йиллар, хусусан, 1996 йил якунлари шундан далолат беради.

... Учинчидан, умуман бозор инфраструктураси шакллантирилди. Банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва хомашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмаларининг янги тармоғи вужудга келтирилди. ... Энг муҳими, бозор тузилмалари амалда ишлай бошлади”<sup>61</sup>.

Суғурта компанияларининг фаолияти бошқа турдаги хўжалик субъектлари фаолиятидан кескин фарқ қилади. Чунки, улар ишлаб

<sup>60</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 100-б.

<sup>61</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 207-209-б.

чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ҳодисалари рўй берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу ҳолат, суғурталовчилар зиммасига алоҳида маъсулият юклайди ва шунинг учун, улар давлат томонидан назорат остига олинмоғи зарурдир.

Бозор тизими механизми яхши йўлга қўйилган ва ўз ўзидан тартибга солувчи яширин имкониятларга эга бўлишига қарамай, тез-тез ҳамда мунтазам равишда издан чиқиб туради. Баъзан бу издан чиқишлар шундай кўламда рўй берадики, оқибатда иқтисодиёт барқарор мувозанат ҳолатига келиши учун кўп вақт талаб қилинади.

Айтиб ўтиш жоизки, саноати ривожланган мамлакатнинг суғурта тизими кўплаб ишлаб чиқарилган норматив қонуний-ҳужжатларнинг етарлилиги, суғурталанувчи гуруҳларнинг эҳтиёжларини қаноатлантирилишига аниқ қаратилганлиги билан ажралиб туради. Унга бир томондан суғурталанувчиларнинг энг мураккаб талабларига жавоб бера оладиган, мослашган ва ишлаб чиқарилган суғурта қоидалари, йўриқномалари хосдир. Иккинчи томондан эса у жамият олдида юзага келаётган ниҳоятда муҳим муаммоларни баъзи ҳолларда ҳал эта олмайди. Бундан ташқари, суғуртанинг қуйида келтирилган муаммоларини ҳал қила олмаслиги суғурта фаолиятига давлат томонидан тартибга солиниши зарурлигини табиий равишда шарт қилиб қўяди. Жумладан:

1. Суғурта тараққиёти кўламини кескин ривожланиб бориши халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлади. Суғурта тараққиёти шунчалик кўп қиррали ва шундай муаммоларни ўз ичига оладики, ҳатто энг йирик айрим компаниялар ҳам уларни удралай олмайди. Суғурта фаолиятини сиёсий молиявий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан назорат қилиш мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга.

2. Суғурта соҳасини ривожланиши, ўз моҳиятига кўра рақобатли иқтисодиётнинг бўлишини инкор этадиган монополиялар, улкан компаниялар вужудга келишига олиб келади. Ваҳоланки, уларни ана шу иқтисодиёт дунёга келтирган.

3. Бозор иқтисодиётининг циклик ривожланиши вақт-вақти билан ижтимоий ва иқтисодий танглик оқибатида ҳар хил ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Фақат давлатгина ўзининг сиёсий, иқтисодий, қонуний механизмлари орқали мувозанатни барқарорлаштириши ёки мувозанатнинг тикланишига ёрдам бериши мумкин.

4. Давлат ўзини назарга олишга мажбур қила олсагина, ҳеч қимга ва ҳеч нимага боғлиқ бўлмаган иқтисодий қудратга, аниқроқ айтганда мулкка эга бўлсагина ички ҳамда ташқи сиёсатни самарали олиб бориш мумкин. Давлат ушбу қудрат асосида ўзининг суғурта фаолияти назоратини ишлаб чиқаришини ташкил этадики, у бошқа ишлаб чиқаришлардан йирикроқ, турғунроқ, бақувватроқ ва мослашувчанроқ бўлади. Бинобарин, унда мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан нафақат давлат

бюджети йўлида, балки иқтисодий фаолият субъектлари даражасида ҳам муносабатлар авж олади.

5. Ҳозирги замон суғурта фаолиятида ривожланиш кўлами катталашибгина қолмасдан, унинг салбий оқибатлари ҳам намоён бўлади, яъни суғурталовчи томонидан суғурталанувчига кўрсатилган хизматлари юзасидан ҳар хил хатоликларга йўл қўйилишига олиб келмоқда. Умуман олганда бу камчиликларни олдини олиш чора тадбирлари албатта давлат томонидан назорат қилиниши лозим.

6. Давлат ўзининг ижтимоий сиёсати билан ҳам, иқтисодиёти билан ҳам кучдир. У моддий бойликларнинг тақсимланиши ва айниқса қайта тақсимлашни тартибга солади, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглигини, шахсий ҳамда иқтисодий эркинлигини таминлайди, камситиш, ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўйишнинг барча кўринишларига қарши курашади ва ҳоказо.

Ўзбекистонда 70 йил мавжуд бўлган монопол суғурта корпорациясидан кучли капиталга, мохирона бошқарувга эга бўлган, эҳтиёжлар бозорининг турли доираларида, миждозлар учун ҳар хил хизмат турларини тавсия этадиган қатор суғурта компанияларидан иборат таркиб топган муайян суғурта бозорига ўтиш жуда узоқ мураккаб жараённи ўз бошидан ўтказиб келди. Давлат корпорациялари, шунингдек янги суғурта компаниялар маблағлари тақчиллиги пайтида суғурта ҳажмлари, полисларининг шарти, хизмат сифати бўйича ўзаро рақобат шароитида ва умуман бошқа шароитларда ҳам давлатдан ёрдам сўраш ҳуқуқидан маҳрум бўлганликлари учун қуйидагича иш юритишларига олиб келди:

1. Ўзаро рақобатда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этувчи, яъни юз бериши мумкин бўлган зарарларни миқдорига кўра, фарқлаш имкониятини берадиган, уларни танлаш ва баҳолаш учун шароит яратувчи суғурта тадбирларини ишлаб чиқиш.

2. Суғурта компаниялари ўз зиммасига олган мажбуриятлар таваккалчилигини танлаш ва қайта суғурта қилишнинг ўхшаш ва дастурини тавсия этишда умумий таваккални даражасини назорат қилиш.

3. Ўтироқларни баҳолаш ва уларни энг кам миқдордаги харажатларга сарфланган ҳолда бартараф этиш, айти пайтда суғурталовчилар билан яхши муносабатларнинг ривожланиб боришига эришиш.

4. Тўланмаган ўтироқларни, шунингдек юз берган зарарларни қайд қилиш ва баҳолаб бориш тизимини яратиш.

5. Махсус ва эркин захираларни инвестициялаш бўйича инвестиция тартибини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқилган инвестицияларни назорат қилиш.

6. Суғурта мукофотлари ставкасини ҳисобланиши ва уларни тўланиши бўйича назорат ўрнатиш.

7. Маъмурий бошқарув ва назорат тизимини ўрнатиш.



Корхона қанчалик яхши ишламасин, унинг маҳсулотлари қанчалик талаб даражасида бўлмасин, агар унда маркетинг ва маҳсулот сотишнинг самарали ва тежамкор тизимлари мавжуд бўлмаса, бундай корхона ҳеч қачон муваффақият қозона олмаслигига тўғри келади.

Бозор иқтисодиёти керакли ва етарли даражада тартибга солиб турилмаса, муқаррар равишда кутилмаган тартибга солувчилар пайдо бўлади. Улар ҳам иқтисодиётда тартиб ўрнатадилар, ўзига хос мувозанат ва мутаносибликни тиклайдилар, аммо буларнинг бари инқрозлар, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолни камайиши, оммавий ишсизлик, ижтимоий тангликлик ва иқтисодий портлашлар эвазига бўлади. Қаерда давлат бошқаруви бўлмаса ҳар хил ҳукмронликлар юз бериши муқаррар.

Ташкилот, корхоналар молияси бирламчи фойда ва жамғармаларни шакллантириши орқали такрор ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади. Кўпгина ташкилотларда такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш жараёни фақатгина ўз маблағлари эмас, банк кредитлари, суғурта ташкилотларининг бўш маблағлари, қимматли қоғозлар бозорида молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали ҳам амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, тижорат ташкилотлари, ижтимоий ташкилотлар ва жамғармалар транспорт воситалари, мол-мулки, молиявий ва техник қалтисликлари суғурталаниши бу ташкилотларнинг узлуксиз ва иқтисодий жараёнларининг барқарор ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, суғурта – такрор ишлаб чиқариш жараёнининг микро ва макро даражаларида тартибга солиб турувчи, молиявий тизимнинг муҳим таркибий қисмидир. У аҳоли фаровонлиги, бизнес ҳимояси ва ишлаб чиқаришнинг тўхтовсизлигини таъминловчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай суғурта компаниясининг фаолияти суғурта бозори билан чамбарчас боғланган бўлиб, ушбу суғурта бозор ичида суғурталовчилар ўз фаолиятларини амалга оширишади. Барча суғурта компаниялари ўзаро муносабатлари замирида суғурта тизими шаклланади ва ушбу тизим ичида компаниялар манфаатлари уйғунлашади.

## **5.2. Хорижий мамлакатлар суғурта бозорларининг ривожланиш ҳолати ва Ўзбекистон тажрибасида фойдаланиш йўллари.**

Бутун дунё миқёсида суғурта хизматларининг халқаро савдосини ривожланиши билан турли мамлакатларда суғурта фаолиятини назорат қилишни бир қолипга солиш жараёни кетмоқда. 1994 йилда ташкил қилинган “Суғурта назорати органлари халқаро ассоциация”си доирасида суғурта хизматлари савдосини назорат қилишнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқила бошланди, бу стандартларда ҳар бир мамлакатнинг миллий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда суғурта бозорини назорат қилишда маъмурий ёки иқтисодий методлардан қай бирини қўллаш мумкин эканлигини танлаш мақсад қилиб олинган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суғурта соҳасининг ресурслари ўз ҳажми жиҳатидан фақат банк ресурсларидангина кам бўлиб, бир қатор мамлакатларда улар ЯИМ нинг 13-15 фоизини ташкил қилади.

Шу билан бирга, бу соҳа интеграция алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамда янги табиий, техноген, сиёсий ва бошқа хавфлар вужудга келиши билан боғлиқ глобал иқтисодий жараёнлар жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Суғурта сектори маълум ижтимоий вазифани бажаргани ҳолда, деярли барча меҳнатга лаёқатли аҳолини тадбиркорлик сектори ва уй хўжалигини қамраб олади, бу эса унинг муаммоларини тадқиқ этиш масаласининг ўта долзарблигини белгилаб беради. Мамлакатлар иқтисодиётида суғуртанинг ўрни йиғиладиган суғурта бадалларининг ЯИМга нисбати ва суғурта компаниялари инвестицияларининг ЯИМга нисбати билан белгиланади. Ўзбекистонда суғурта мукофотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010-2015 йилларда барқарор сақланиб, ўртача 0,30 фоизни ташкил этди. Суғурта бозори ривожланган мамлакатларда эса, бу кўрсаткич 6-10 фоизни ташкил этади.

Назорат ва бошқарув функцияларини ўзида мужассам этган ижро ҳокимиятининг органи мақомига эга бўлган давлат суғурта назорати органлари суғурта фаолиятини бошқаришда асосий ўринни эгаллайди. Турли мамлакатларда суғурта назорати органи турли вазирликлар ёки идоралар қошида очилган бўлишига қарамасдан мустақил равишда ҳаракат қилиши ва қарорлар қабул қилиши даражасида бўлади.

Кўпгина мамлакатларда суғурта назорати органи тўлиқ мустақилдир. АҚШда – ҳар бир штатда алоҳида суғурта муомалалари назорати комиссарлари фаолият юритади, Германияда – суғурта фаолияти назорати Федерал молия идораси томонидан, Францияда суғурта фаолияти устидан назорат ва бошқарув суғурта назорати комиссияси томонидан, Швецияда – суғурта инспекторлиги томонидан, Буюк Британияда эса – бу функциялар савдо ва саноат Департаментига юклатилган, Канадада – суғурта фаолияти назорати Молия вазирлиги қошидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади, Россияда эса – давлат суғурта назорати Молия бозорлари бўйича федерал хизмати органи томонидан олиб борилади.

## 5.1-жадвал

### Нобанк активлар бўйича дунёнинг энг йирик суғурталовчилари (минг АҚШ доллариди)<sup>62</sup>

2012	2011	Компани Nomi	Joylashgan joyi	Jami nobank aktivlari 2012 y	% o'zgarishi*
1	1	Japan Post Insurance Co.Ltd.	Japan	960,710,306	-3.44
2	2	AXA S.A.	France	951,705,253	5.03
3	3	Allianz SE	Germany	865,621,706	8.78
4	4	MetLife Inc.	United States	836,781,000	5.09
5	5	Prudential Financial Inc.	United States	709,298,000	14.36

<sup>62</sup> A.M. Best. Understanding the Insurance Industry. UK, 2014. 10 p.

6	6	Nippon Life Insurance Company	Japan	585,858,789	7.82
7	9	Assicurazioni Generali S.p.A.	Italy	583,898,541	4.42
8	10	Legal & General Group plc	United Kingdom	559,899,457	6.06
9	8	American International Group Inc.	United States	548,633,000	-0.80
10	7	National Mut Ins Fed Agricultural Coop	Japan	544,270,168	6.36
11	11	AVIVA plc	United Kingdom	516,312,146	2.23
12	15	Prudential plc	United Kingdom	501,617,050	13.75
13	12	Manulife Financial Corporation	Canada	487,708,590	5.21
14	13	Aegon N.V.	Netherlands	483,934,772	6.01
15	16	CNP Assurances	France	466,810,721	10.04
16	14	ING Verzekeringen N.V.	Netherlands	449,230,913	1.33
17	18	Berkshire Hathaway Inc.	United States	427,452,000	8.86
18	19	Zurich Insurance Group Ltd.	Switzerland	409,267,000	5.76
19	17	Dai-ichi Life Insurance Co Ltd.	Japan	379,074,645	6.65
20	22	China Life Insurance (Group) Company	China	366,053,313	17.82
21	20	Meiji Yasuda Life Insurance Company	Japan	351,316,227	11.28
22	21	Munich Reinsurance Company	Germany	341,500,248	4.35
23	24	PREDICA-Prevoyance Dialogue du Credit	France	307,739,372	2.20
24	23	Hartford Financial Services Group Inc.	United States	298,513,000	-1.35
25	26	Life Insurance Corporation of India	India	284,755,860	9.58

Юқоридаги айрим мамлакатларнинг суғурта назорати органлари ҳақида хусусий ҳолатда тўхталсак.

АҚШда суғурта соҳаси ҳар бир федерал штатнинг ўз назорати остида олиб борилади. Бутун мамлакат миқёсида фаолият юритмоқчи бўлган компания ўз фаолиятини 50 та штатнинг федерал қонунлари, Колумбия умумдавлат округи ва Пуэрто-Рико қонунларига мос ҳолга келтириши зарур. Шундан келиб чиқадики суғурта компанияси 50 та федерал ҳокимиятдан, Колумбия округи ва Пуэрто-Рико ҳокимиятларидан, яъни умумий ҳисобда 52 та рухсатнома олиши керак бўлади.

Ҳозирги вақтда Сенат ва Вакиллар Палатаси комитети томонидан доимий изланишлар олиб борилади ва суғуртани давлат назорати муаммолари, саволлари бўйича йиғилишлар ўтказилиб турилади.

Федерал штат ҳудудида Ички даромадлар федерал хизмати- ИДФХ (Internal Revenue Service) суғурта компаниясининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, инвестицион фаолият йўналиши ва тизими, солиқ сиёсати орқали суғурта компанияларининг суғурта заҳиралари миқдорига таъсир қилиб туради, суғурта хизматларининг нархи ва ҳаёт суғуртаси шартномаларини ишлаб чиқилиши устидан назорат ва кузатув олиб боради.

Суғурта соҳасини бошқаруви билан шуғулланувчи яна бир муҳим орган Депозитлар суғуртаси федерал корпорацияси – ДСФК (Federal Deposit Insurance Corporation) ҳисобланади. Бу корпорациянинг вазифаси турли кредит институтларини суғуртасини олиб борилиши устидан назорат қилиш ва мамлакатнинг молиявий бозорини барқарорлигини қўллаб-қувватлашдан иборат. Айнан ДСФК биринчи навбатда суғурта назорати билан шуғулланади.

Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бўйича комиссия – ФБКҚК суғурта хизматларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилади, шу жумладан ҳаёт суғуртаси ва рентани қамраб олади. Давлат капитали


иштирок этган суғурта компанияларини назорат қилиш ҳам шу Комиссияга юклатилган. Давлат капитали иштирок этган компаниялар Комиссияга молиявий ҳисоботларини ва ишчи ходимлар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган ҳужжатлар тўпламини топширади. Шу билан бир қаторда комиссия қимматли қоғозлар билан боғлиқ ноқонуний операциялар, фирибгарликларга қарши курашишга жавобгардир.

Федерал ҳокимиятнинг бошқа органлари ҳам суғурта фаолиятини бошқаришда қатнашади. Масалан, Савдо департаменти, АҚШ Савдо ваколатхоналари давлат департаменти ҳаракатларининг натижаси бўлиб Америка суғурта компаниялари Шимолий Америка Эркин Савдо Зонаси доирасида Канада ва Мексика бозорларига кириш ҳуқуқини қўлга киритишди.


Федерал захира тизими – ФЗТ (Federal Reserve System), Президент томонидан тайинланадиган Валюта назоратчиси (Controller of the Currency), Суғурта қонуншуносларининг миллий конференцияси - СКМК, бутун 50 та штатда, Колумбия округи ва 4 та Америка худудида ўз комиссарларига эга бўлган Суғурта комиссарлари миллий ассоциация – СКМА (National Association of Insurance Commissioners)лари ҳам суғурта фаолиятини бевосита бошқаришда иштирок этади.

Барча 50 та штат, Колумбия округи, Пуэрто-Рико, Гуамадаги суғурта комиссарлари Суғурта комиссарлари миллий ассоциациясига (СКМА) аъзодир. Комиссарлар даврий йиғилишларида ўзаро маълумотлар билан алмашишади, фаолият назоратини жамлайди, қонунчилик ва турли штатлар сиёсатига ўз таклифларини ишлаб чиқади. СКМА суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи орган бўлиши билан бир қаторда штатлар устидан назорат қилувчи ҳам ҳисобланади. Бу ассоциация бошқаришнинг ягона стандартларини ва қонунларини (Model Acts) ишлаб чиқади, СКМА миллий йиғилишида қабул қилингандан кейин штатлар қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш керак бўлади. Бу қарорлар тавсия кучига эга бўлиб, штатлар қабул қилмаслик ҳуқуқига эга. Лекин шу пайтгача бундай ҳолат кузатилмаган.

Мамлакат миқёсида барча суғурта компаниялари СКМА таклиф қилган йиллик ҳисобот шаклларида фойдаланади, инвестиция шаклида йўналтирилмоқчи бўлган қимматли қоғозларни баҳолашнинг ягона қоидаларини қабул қилади, компанияларни молиявий текширувларини ягона тизимини ишлаб чиқади, штатлардаги суғурта компанияларини тўлов қобилиятини назорат қилишни кучайтириш бўйича давлат сертификация дастурларини яратади.



**5.1-расм. АҚШда мол-мулк/бахтсиз ходисалардан суғурталаш соҳасининг суғурта мукофотларини йиғиш бўйича йирик суғуртаовчилари (2013 й. млрд, АҚШ долларида).** Изоҳ қавс ичидаги рақамлар суғурта ташкилотларининг кодлари<sup>63</sup>.



**5.2-расм. АҚШ ҳаёт/соғлиқни сақлаш соҳаси суғуртачиларининг активлари тақсимоти 2013 й. (млрд. АҚШ долларида)**<sup>64</sup>

Германияда суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши. Германияда суғурта фаолияти кўп йиллар ҳукумат томонидан қаттиқ назоратга олинган эди. Бу ҳолат ҳаёт суғуртаси ва ҳаёт билан боғлиқ бўлмаган суғурта соҳасида европа йўриқномасининг “учинчи буғини” қабул қилинишигача давом этди. Европа йўриқномаси амал қилиши

<sup>63</sup> A.M. Best. Understanding the Insurance Industry. UK, 2014. 24 p.

<sup>64</sup> A.M. Best. Understanding the Insurance Industry. UK, 2014. 28 p.

бошлангандан кейин суғурта тарифлари либераллашди, шартномаларнинг бош шартларини маъмуриятдан дастлабки рухсат олишга эхтиёж қолмади. Суғурта компаниялари ўртасидаги рақобат шартлари қайишувчан ҳолатга келди, лекин капитални узоқ муддатга жойлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича давлат назорати қаттиқлигича қолмоқда. Суғурта фаолиятида эркинлик тамойили эълон қилинган бўлсада, Германия ҳудудида фаолият юритадиган хориж суғурта компаниялари ўз юртларида лицензияга эга бўлсаларда, бу ҳудудда маълум талабларни бажаришлари керак.

Германияда суғурта иши қаттиқ назорат қилинадиган соҳадир. 1983 йилда қабул қилинган “Давлат суғурта назорати тўғрисида” ги Қонун (Versicherungsaufsichtsgesetz - VAG) ҳозирги кунда суғурта муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларини ўзида жам қилган асосий қонун ҳисобланиб, унга 1985 йил декабрида, 1990 йил октябрида ўзгартиришлар киритилган.

Суғурта фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган юридик шахс 1 май 2002 йилда ташкил қилинган, Федерал Молия Вазирига ҳисобот топширадиган «Суғурта фаолияти назорати Федерал молия идораси» (Federal Financial Supervisory Authority ёки BaFin)дан лицензия олиши керак. Назорат органи суғурта компанияларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий ва ҳуқуқий назорат доирасида бошқариб боради. Давлат томонидан суғурта соҳасини бошқариш бўйича 1994 йилда рўй берган баъзи бир ўзгаришлардан кейин Назорат органининг ваколатлари бир мунча камайди, бу ўзгаришлар Европа Иттифоқининг суғурта хизматларини хилма хиллигини ошириш, соғлом рақобатни юзага келтиришга қаратилган сиёсати натижасидир. Бироқ суғурта компанияларнинг суғурта қилдирувчилар манфаатларига таҳдид соладиган ҳаракатларини олдини олиш ҳали ҳам Федерал назорат органи вазифаси ҳисобланади. Шу муносабат билан BaFin нинг вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- суғурта ва қайта суғурта фаолияти билан шуғулланишга лицензия бериш;
- жорий назоратни амалга ошириш;
- суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини ва тўлов қобилиятини текшириб бориш;
- суғурта қилдирувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;
- рақобат курашининг махсус қоидаларига риоя қилишлари устидан назорат олиб бориш;
- суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шулар жумласидандир.

Немис суғурта назорати қонунчилиги бўйича тўғридан-тўғри суғурта шартномалари тузиш учун суғурта компанияси мулкчилик шаклининг акционерлик жамияти, биргаликда суғурталаш жамияти, жамоа корпорацияси ёки муассасаси бўлиши лозим. Ўз-ўзидан кўриниб

турибдики бир шахсга тегишли бўлган, шахсий ширкат, маъсулияти чекланган жамиятлари кўринишидаги ташкилотлар фаолиятига йўл қўйилмайди. Қайта суғурта фаолияти билан шуғулланадиган компанияларга бундай чегаралар мавжуд эмас, бироқ немис бозорида фаолият юритаётган аксарият қайта суғуртачилар акционерлик жамиятлари шаклига эга. Ҳаттоки қайта суғурта компаниялари назорат органидан махсус рухсатнома олишлари ҳам шарт эмас, биргаликда суғурталаш жамиятлари бундан мустаснодир. Назорат органига қайта суғурта фаолияти билан шуғуллунмоқчи эканлиги ҳақида билдирги хат бериб қўйса шунинг ўзи кифоя. Қайта суғуртачиларга VAGнинг фақатгина айрим бандлари тегишлидир. Масалан, компаниянинг ташқи ва ички бухгалтерия ҳисобот тизими тўғрисидаги банд. Қонуннинг суғурта компаниясини ўз маблағлари захиралари ва тўловга лаёқатлилиги маржаси банди ҳам қайта суғуртачиларга тадбиқ қилинмайди. VaFinнинг қароргоҳи Берлинда жойлашган бўлиб, Германиядаги барча миллий ва хорижий суғурта компаниялари устидан мажбурий давлат назоратини олиб боради.

Францияда суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқарилиши.

Дунёнинг барча мамлакатларида бўлгани каби Францияда ҳам суғурта фаолияти давлат томонидан қаттиқ назоратга олинган соҳадир. Суғуртанинг жамоатчиликка фойдасини ва суғурта компанияларини иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучлардан бири эканлигини ҳис қилган ҳолда давлат суғурта бизнесини ривожини рағбатлантиришни ўз зиммасига олган. Француз Суғурта Кодексининг L 310.1-моддасида шундай келтирилган: «Суғурта устидан давлат назорати суғурта қилдирувчиларнинг ва наф олувчиларнинг суғурта шартномалари ва капитални жойлаштириш манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилиши даркор».

Францияда суғуртани тартибга солиш Молия ва иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Ғазначилик бошқармасига қарашли суғурта бизнесини назорат қилиш бошқармаси томонидан амалга оширилади. Ушбу Бошқарманинг вазифалари суғурта бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, хусусан, қонуний, иқтисодий ва солиқ жиҳатларини қамраб олган ҳолда албатта. Суғурта компаниялари устидан назоратни 1989 йилда ташкил қилинган суғурта бизнеси устидан назорат қилувчи Комиссия олиб боради. Комиссия Молия вазирлиги томонидан тайинланадиган бешта аъзоларидан иборатдир, уларга: Давлат маслаҳатчиси, Кассацион суд магистри, Ҳисоб палатаси аъзоси, қолган иккита аъзо суғурта ва молия соҳасидаги мутахассислардир. Комиссия амалий ишларни олиб бориши учун назоратчи комиссарлар гуруҳига эга. Ўз иши давомида Комиссия бухгалтерия операцияларини, техник захиралар назорати, тўловга лаёқатлилигини таҳлили, инвестицияларни назоратини асосий мақсад қилиб олади. Комиссия фақатгина тўғридан-тўғри суғуртачиларни назорат қилади. Францияда бошқа мамлакатларда бўлгани каби суғурта

ташкilotларининг икки хил юридик шакли қонунчилик билан кўзда тутилган:

- акционерлик жамиятлари, тижорат ташкilotларига тегишли қонунчилик асосида фаолият юритадиган;
- биргаликда суғурталаш жамиятлари, суғурта қилдирувчиларнинг тижоратга асосланмаган жамиятлари.

Қонунчилик билан суғуртачиларнинг энг кам низом жамғармаси даражасига ҳам талаблар белгилаб қўйилган. Акционерлик жамиятлари ва биргаликда суғурталаш жамиятларининг фаолият соҳасига қараб (life, non-life) низом жамғармасига қуйидагича талаблар мавжуд (5.1- жадвал).

Комиссия суғурта компаниясининг молиявий ҳолати устидан диққат билан кузатиб боради, агарда ҳолати ёмонлашса суғурта компаниясига огоҳлантириш беради ёки маълум вақт ичида молиявий ҳолатини яхшилаш талабини қўяди. Суғуртачининг ҳаракати суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларига зид эканлиги хулосасига келса комиссия компаниянинг молиявий фаолияти режасини талаб қилади ёки активларини музлатиб қўйишгача боради. Назорат органи ҳал қилувчи қарор сифатида лицензияни қисман ёки тўлиқ тўхтатиб қўяди.

#### 5.1- жадвал

##### Францияда суғурта компанияларининг низом жамғармасига талаблар<sup>65</sup>

Юридик шакли	Низом жамғармаси LIFE (млн.евро)	Низом жамғармаси NON-LIFE (млн.евро)
Акционерлик жамиятлари	3,0	1,5
Биргаликда суғурталаш жамиятлари	5,0	2,5

Буюк Британияда суғурта фаолияти устидан назоратни Давлат котиби томонидан бошқариладиган Ғазначилик департаментининг (Tresuary) зиммасига юклатилган. Департаментнинг зиммасига суғурта фаолиятини лицензиялаш, суғуртачиларнинг молиявий барқарорлиги устидан назорат қилиш, суғурта шартномаларини тузиш ва мажбуриятларни бажарилишини текшириш каби вазифалар юклатилган.

– 1982 йилда қабул қилинган Қонун (Lloyd’s Act)га асосан Қироллик ҳудудида қуйидаги компаниялар суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга:

- 1982 йилгача очилган ёки Қонуннинг 3-моддасига муфовик лицензия олган суғурта компаниялари;
- Lloyd’s андеррайтерлари;
- руйхатга олинган биргаликда суғурталаш жамиятлари (Friendly Societies);

<sup>65</sup> Жаҳон банкининг расмий сайти <http://www.worldbank.org> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



– иш ташлаш рискларидан ҳимоя қиладиган тадбиркорлар ассоциацияси ва касаба уюшмалари.

Буюк Британия худудида фаолият юритмоқчи бўлган компания руйхатга олинган бўлиши керак. Суғуртанинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензия олиниши зарур. Ўз вақтида лицензия бериш тўғрисидаги хулоса 6 ой муддат ичида қабул қилинади ва эълон қилинади. Давлат котиби суғуртачининг раҳбарлари (директорлари, менежерлари, бош вакиллари, асосий суғурта агентлари) касбий талабларга жавоб бермайди деган хулосага келса лицензия беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Бироқ инглиз қонунчилигида ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини баҳолаш мезонлари мавжуд эмас. Давлат котибининг қарорига норозилик билдириш муомалалари қонун билан келтириб ўтилмаган.

Бугунги кунда хорижий давлатларда бирорта суғурта қилинмаган иншоат завод, фабрикалар топилмайди. Ўз даврида Англиянинг иқтисодий ўсиши аҳолининг суғуртага жиддий аҳамият бериши билан боғлиқ бўлган. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, суғурта орқали давлатлар табиий офатлардан, авариялардан кейин ўз молиявий аҳволларини қийинчиликларсиз тиклаб олишган. Суғуртанинг мақсади фақат суғурталанувчининг зарар кўрган маблағларини қоплашдангина эмас, балки уни зарар кўришдан олдин бўлган молиявий аҳволига қайтаришдан иборат. Суғурта бозори, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашга, иқтисодий ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Суғурта компанияси суғуртавий ҳимояни амалга ошириб, суғурта капиталини тўлаш ва уни инвестиция қилиш орқали суғурта бозорини барқарорлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади.

Суғурта бозори ривожланишининг жаҳон тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, суғурта бозорининг юзага келган (рақобатчилик, олигополистик, монополистик) тузилмасига мувофиқ суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг учта асосий тури шаклланади: либерал тизим, бозор механизмларининг қисман чекланиши, давлат суғурта таъминоти. Бундан ташқари, давлат назоратининг у ёки бу модели шаклланишига ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётлари моделлари ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

### **5.3. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари.**

Ўзбекистон суғурта бозорини, ривожланган давлатлар миқёсига чиқариш учун суғурта тизимини давлат томонидан тартибга солиш лозим. Ушбу масалани ечиш учун суғурта тизимининг қуйидаги жиҳатларига эътиборни қаратсак мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– тўловларнинг янги интеграция воситаларини юқори суратлар билан шакллантирадиган суғурта операцияларини

компьютерлаштиришнинг технологик инқилобига боғлиқ. Бу жараёнлар талайгина молиявий харажатлар талаб қилади, суғурта иши қимматлашади, бироқ унинг самарадорлиги ва тезкорлиги ошади, бу эса харажатлар ўсишини қоплайди;

– суғурта ишида ўсиб бораётган рақобат суғурта компанияларнинг қўшилиб кетишига ёки қайта суғурталашни ривожлантиришга олиб келади, бу эса сармоялар бозорида ва иқтисоднинг инвестициялар соҳасида янги шароитларни вужудга келтиради. Бу ходиса республика суғурта хизмати бозорида анчагина рақобатбардош ва самарали бўлган хорижий компанияларнинг пайдо бўлишига ҳам ёрдам беради;

– бу ананавий суғурта хизматлари бозорига тобора шахдам одимлар билан кириб келаётган суғуртадан ташқари тузилмалар билан рақобатнинг кучайиши. Яъни фуқароларга хизмат кўрсатишда турли хил тижорат тузилмалари фаолият кўрсата бошлайдилар;

– суғурта ишларига бу хизматларнинг кўп сонли истемолчилари таъсири ортади. Истемолчи операцияларнинг тезлиги ва сифати, ҳисоб-китобларнинг қулайлиги (айниқса, суғурта тўловларни олиш ва қопламаларини тўлашни) мижозларнинг эҳтиёжларига диққат-эътибор қаратилишига нисбатан, суғурта компанияларига нисбатан тобора каттик талаблар кучая бошлайди.

Суғурта тизими ҳозир ҳал қилиниши қийин бўлган дилемманинг кескинлашув шароитида турубдики, унда суғурталанувчилардан қўйилмалар (суғурта пуллари)ни жалб қилишда суғурталовчилар экспансияси ва мижозларни зарарлардан кафолатлаш ўртасида асосий мувозанатсизлик мавжуд.

Кафолатлашни сифати, тезкорлиги ва қулайлиги молия институтларига қўшимча қўйилмаларни жалб қилиш имконини беради. Қўйилмалар фаолиятининг мижозлар томонидан бошқарилмаслиги эса, суғурта компанияларига бу қўйилмалардан фойдаланишда кенг имкон яратиб беради. Бу икки омилнинг ўзаро уйғунлиги кредитлаш ҳажмларининг ўсиши учун шароит яратади. Бироқ, бу бошқарилмаслик ғоясини кучайиши билан хавф-хатар ва компенсация ўртасидаги мувозанатсизлик ортади. Шунинг учун ҳам суғурта тизимини ривожлантириш ва бошқаришга нисбатан самарали сиёсат олиб бориш зарур.

Ўзбекистонда суғурта компанияларни узок муддатли инвестицияларга маблағлар қўйишга рағбатлантирадиган аниқ самарали механизмлар ҳали мавжуд эмас, ҳисоб-китоблар тизимида ҳамда узок вақтлардан бери сақланиб келаётган тўламаслик муаммолари мавжуд. Бу муаммолар қуйидаги йўллар билан ҳал этилиши мумкин:

– инвестициялардан минимал солиқ олиш;  
– хорижий суғурта компаниялари бозорларининг очилиши шароитида компаниялар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш:

– ишончли ахборот каналларини тайёрлаш, амалдаги компьютерли суғурта тизимини кенг жорий қилиш ва бир хиллаштириш, суғурта сектори мутахассисларини аттестациядан ўтказиш;

– суғурта компанияларини молиявий ҳолати барқарорлашгунга қадар, рағбатлантиришни солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

Энг кичик суғурта ташкилотларидан то йирик акциядорлик суғурта компанияларига, суғурта бозорининг барча субъектлари ўзаро фаолият кўрсатиши ва ўзаро бир бирини тўлдириб туришини таъминлайдиган суғурта ишини маълум бир кўринишда бирлаштириш талаб этилади. Бизнинг йирик суғурта компанияларимиз ўз суғурта ишлари чегарасидан ташқарига чиқиши ва иқтисодга ахборот хизмати кўрсатиши, суғурта хизматчилари маҳорат даражасини ошиши консалтинг хизматлари кўрсатиш эвазига комплекс аҳамият касб этиши керак.

Бироқ юзага келадиган қалтис ҳолатлар ишончсиз ва ёмон бошқариладиган суғурта компанияларига нисбатан маълум бир даражада тозаловчи тадбир бўлиб ҳисобланади.

Халқаро андозалар талабларига жавоб бермайдиган суғурта компаниялари мавжудлигини инобатга олиб, уларни мустақамлаш бўйича жиддий ишларни амалга ошириш керак. Суғурта ишида халқаро андозаларга эришиш бўйича ишни, мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, соф нуқтаи-назардан туриб, амалга ошириш керак.

Халқаро андозаларга мос келувчи компаниялар тузиш дастури икки асосий қисмдан ташкил топиши мумкин:

Халқаро андозаларга мос келувчи компаниялар сифатида малака берилган суғурта компаниялари томонидан риоя қилиниши керак бўлган талаблар ва имтиёзлар мажмуидир.

Халқаро даражадаги суғурта компанияларига бўлган талаблар қуйидагилар:

– суғурта ҳисоб-китобларини оммабоблигини таъминлаш;  
– суғуртанинг ишламаётган активларини қисқартириш;  
– суғурта захираларини ишлайдиган активларга айлантириш;  
– суғурта тури, қўйилмалар суммаси, мижозлар тоифасига қараб захиралар меъёрини дифференциациялаш; қўйилма қолдиклари ўзгаришларини аниқроқ илғаш имконини берадиган захира ҳисоб рақамларини тез-тез тартибга солиб туриш;

– суғурталаш хавф-хатарларини тўғри баҳолаш лаёқати;  
– маблағларни корхоналар, банклар акцияларига жойлаштиришда суғурта компаниялари учун рағбатлар тизимини ишлаб чиқиш;

– суғурта хизмати кўрсатишда “зичлик меъёри”ни жаҳон андозалари даражасида таъминлаш;

– суғурта сармоясини йўқотиш хавф-хатарсиз мижозлар маблағлари ҳисобидан портфелли инвестицияларни кенг тарқатиш;

- суғурта компанияларининг бозор ахлоқи тактикасида ўринларнинг кўпроғини ишончли молия воситаларидан фойдаланишга берилиши;
- хорижда суғурта компаниялари тармоғини мавжудлиги;
- суғуртада ташқи хавф хатардан ҳимоя қилишнинг қўшимча механизмларини ишлаб чиқилмоғи лозим;
- асосий диққат-эътибор хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, суғурта маҳсулотларининг турли туманлилигига (суғурта бозорига хизмат кўрсатувчи хизматларни ва ҳалол рекламани ривожлантиришга қаратиш керак);
- суғурта компаниялари, ўзларининг катта кичиклиги, жойлашган ўрни, ходимларнинг малакаси, мижозларнинг таркиби, суғурта турига ва бошқаларга қараб операцияларни бажаришга ихтисослашишлари керак; Кўпчилик муаммолар бошқарув сифатига – суғурта менежментига, ташкилот тузилмасига, молиявий оқимга, ҳисоб-китобга, иқтисод таҳлилига, бизнес режалаштиришга ва шунингдек ходимлар малакасига чамбарчас боғлиқдир.

Суғурта томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўзида суғурта операциялари, хизматлари ва ишларини акс эттиради. Суғурта маҳсулотларини сотишдаги стратегик йўналиш, суғурта тараққиётини муҳим муаммоси бўлиб ҳисобланиди.

Умумий маънодаги уларнинг функционал объект йўналишли, асосий мақсади бир гуруҳ суғурта компаниялари маҳсулотларини сотиш йўли билан ёки мижозлар маълум гуруҳининг алоҳида суғурта маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш йўли билан даромад олишдан иборат суғурта компанияларга ажратиш мумкин.

Суғурта хавф-хатари суғурта тараққиётини белгилайдиган кучли омиллар қаторига киради, хавф-хатарларни олдини олиш ва уни бошқариш суғурта компанияларининг юраги бўлиб ҳисобланади. Суғурта учун энг катта хавф-хатар бу салбий оғишлар, яъни йўқотиш таваккалдир. Хавф-хатарларнинг барча тури суғурта маҳсулотларининг мол қиймати хусусиятига таъсир кўрсатади. Суғурта компанияларининг назарида “хавф-хатарларни олдини олиш чора тадбирлари” учун маълум миқдорда доимий равишда маблағлар сарфлаш четда қолмаслиги керак.

Иқтисодий таҳлил ва назорат хўжалик объекти сифатидаги компания бошқарувининг муҳим унсури бўлиб ҳисобланади.

Суғурта компаниялари ташкилий шаклидан қатъий назар таҳлил тизими қуйидагиларини ўз ичига олиши керак:

- татбиқ қилиш муддатларининг афзалликлари бўйича тартибланган таҳлилнинг асосий йўналишлари;
- таҳлилни ташкил этиш схемаси ва ўтказиш тартиби:
  - а) бошқарув бўйича, бўлимларнинг таркибий бўлинмалари бўйича ва мансабдор шахслар бўйича аналитик вазифаларнинг тақсимланиши;
  - б) иерархик бўйсунувчанлик, аналитик хизматларнинг ўзаро

фаолияти;

в) ишларнинг ходимлар билан таъминланиши (шу жумладан, аналитикларни тайёрлаш);

г) ахборот базаси ва ахборот оқимларини шакллантириш тартиби ва таркиби;

– муддати (тезкор, жорий, ойлик, чораклик, йиллик) аналитик ишларни сақланиш мазмуни;

– методик ёндашишлар, турлари, муддатлари ва йўналишлари бўйича таҳлил алгоритми;

– тадқиқотлар устидан назоратни амалга ошириш тартиби таҳлил натижаларини расмийлаштириш ва уларни амалда татбиқ этишни ишлаб чиқиш.

Бунда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил суғурта бозори фаолиятининг барча жабхаларига “хизмат кўрсатиши” кераклигини, уни баҳолаш ва прогнозлаш учун асос бўлишини инобатга олиб, суғуртанинг мазмуни ва йўналишлари суғурта бозори олдида турган вазифалар ва мақсадли йўл йўриқлардан келиб чиқиши лозим. Бунда таҳлил алоҳида стратегик тактик йўл-йўриқларга аниқ йуналтиришни таъминламоғи лозим, зеро уни ўтказиш усуллари ва тартиблари бир-биридан сезиларли фарқ қилади.

Суғуртанинг умумий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

– бир томондан молиявий хизмат кўрсатиш йўли билан савдо-сотик ишини амалга оширишга ўхшайди;

– иккинчи томондан, у шартномавий муносабат ҳисобланиб, шу муносабат ёрдамида томонлардан бири ўзига етказилган зарар учун шартномага кўра ҳақ ундириб олади.

Суғурта ўз моҳияти жиҳатидан:

– суғурта фаолиятнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг иши банкларда олиб бориладиган ишга ўхшайди;

– суғурта ижтимоий психологияга ҳам боғлиқ;

– суғурта фаолияти махсус қонунлар воситасида белгилаб қўйилади;

– суғурта жараёнлари, одатда акциядорлик компаниялари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилганидек фуқаро ёки юридик шахс қуйидаги суғурта хизмат турларидан фойдаланадилар:

– ихтиёрий суғурта. Томонларнинг хоши иродасига кўра амалга ошириладиган суғурта ихтиёрий суғурта ҳисобланади;

– мажбурий суғурта. Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкани ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий

суғурта мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта қоидаларига мувофиқ, шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади).

Шартномаларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан шартномаларни қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорини икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади. Хулосада асосан, қоида тариқасида, қуйидагилар киритилади:

– хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

– хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

– тарафларнинг жавобгарлик меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Мавзунинг ушбу йўналиши бўйича, асосан бозор иқтисодиёти шароитида шартномаларни ўрни, шартнома тушунчаси ва шартномани тузиш эркинлиги, шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, хўжалик шартномалари тузишни намунавий шакли бўйича тавсиялар ҳамда шартномаларни тузиш ва ижро қилишда юридик хизмат (адвокат)нинг иштироки ҳақидаги амалиёт тажрибалари назарий билимлар билан боғлаб ёритилди.

Суғурта тизимининг инвестиция фаолияти. Суғурта биринчи навбатда молиявий инқироз билан боғлиқдир. Аммо шуни таъкидлаш жоизки суғуртачилар молиявий чиқимларни назорат қилишда иштирок этадилар. Бунда табиий бир савол туғилади: молиявий чиқимларни назорат қилишдан суғуртачилар учун қандай зарар бор?

Аввало, уларнинг мақсади суғурта қилишни шунчаки назорат қилиш эмас, балки иқтисодий харажатларни кенг кўламда камайтиришдир. Суғурта компаниялари ихтиёрида жуда кўп маблағ бўлади. Бу суғурта тўловларини тўлаш ва талаб мажбуриятларини тўлаш оралиғида пайдо бўлади. Суғурта компаниялари тўпланган маблағларни ушлаб ўтирмасдан уни инвестицияга йўналтирилади. Суғурта компаниялари инвестицияни йўналтиришда кенг диапазонни қўллашади. Бу билан улар давлатга жуда катта ёрдам кўрсатади. Суғурта компаниялардан тушган маблағлар иқтисоднинг бирон бир тармоғига йўналтирилади ва ўша тармоқни ўсишига ёрдам беради.

Албатта, табиий бир савол туғилади, қаердан ва нима эвазига катта маблағлар олинади? Бундай маблағлар бир неча минг ва миллионлаб кишиларнинг суғурта қилинишларидан ва юқорида келтириб ўтилган суғурта турларини амалга ошишидан пайдо бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Суғурта назоратига кучли бозор, бозорга кучли суғурта назорати керак”<sup>66</sup>. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 05.04.2002 й. 359-II-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган, унда суғурталашнинг ҳуқуқий пойдевори шаклланди.

Ушбу, қонуннинг 10 моддасида “Махсус ваколатли давлат органи” бўйича алоҳида тўхталган. Унда, суғурта ташкилотларини фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилгандир.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи:

– ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар ҳажмининг йўл қўйиладиган кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

– суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;

– суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;

– суғурталовчиларнинг суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;

– суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди;

– суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

---

<sup>66</sup> Каримов И. А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўллари. Ўзбекистон, – Т.: 2000. – 54 б.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Суғурта фаолияти тўғрисидаги. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил 5 апрель.

– қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

– суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади;

– ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;

– суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

– актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;

– актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказилади;

– белгиланган тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги 286 сонли “Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида”<sup>68</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>69</sup> қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига давлат суғурта назорати функцияси юклатилиб, унинг

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июндаги Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисидаги 286-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1998. 7-сон, 24-модда.

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. – Т.: 2002. 27 ноябрдаги 413-сон.



ҳузурида “Суғурта назорати давлат инспекцияси” ташкил қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг суғурта фаолияти масалалари бўйича ваколатлари доирасида чиқарилган норматив ҳужжатлари давлат бошқарув органлари, юридик шахслар, бирлашмалар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Республикада суғурта ишининг ривожланиши, суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичи эканлигидан далолат беради. Бу борада республика суғурта бозорини ривожлантиришда давлат миқёсида чора-тадбирларни қабул қилиш учун объектив талаблар юзага келди.

Ўзбекистонда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш мақсадлари, вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Мақсадлари:

– фуқароларнинг ва давлатнинг суғурта хизматларига бўлган талабларини максимал даражада қондириш;

– Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланишини ва такомиллашини жаддалаштиришга замин яратиш.

– Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши шарт.

– Ўзбекистонда суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада шакллантириш ва такомиллаштириш (биринчи навбатда қайта суғуртага ва ўзаро суғуртага, медицина суғуртасига тегишли);

– Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниш норматив ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш (хусусан суғурта компанияларни инвестицион фаолияти ва Ўзбекистон Республикасида чет эл суғурта компаниялари фаолият олиб бориши тўғрисида);

– суғурта ривожланишини солиқ қонунчилиги йўли билан рағбатлантириш (чет элга узатиладиган қайта суғуртада 10% лик солиқни камайтириш);

– Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори инфратузилмасини тезлашган ҳолда шакллантириш.

Республикада суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш асосий йўналиши эса республикада суғурта бозорини ривожланишини янада жаддалаштиришдир.

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ягона давлат сиёсатини белгилашда асосан қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

– суғурта муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва суғуртавий ҳуқуқ тизимини шакллантиришни такомиллаштириш;

– Ўзбекистон ҳудудида суғурта ташкилотларини назорат қилиш тамайилларини тартибга солиш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– мажбурий суғурта соҳасида фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатларини суғуртавий ҳимоялашнинг норматив ҳуқуқий базасини ривожлантириш.

Аҳолининг кенг қатлами ва турли хил мулкчилик шаклдаги ташкилотларни суғуртага жалб қилишни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

– тиббий суғурта, узоқ муддатли йиғилиб боровчи ҳаёт суғуртаси, пенсия суғуртасини ривожлантириш учун меъёрий ҳуқуқий базасини шакллантириш;

– юқорида айтиб ўтилган суғурта турларини солиқ қонунчилиги билан рағбатлантириш;

– маблағларни жойлаштириш учун қўшимча кафолатлаш ўтказиладиган суғурта муомалаларининг рентабеллигини ошириш мақсадида суғурта ташкилотларининг маблағларини инвестиция қилишнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш.

Суғурта бозорининг инфратузилмасини шакллантириш борасида эса қуйидаги ишларни амалга ошириш тақозо этилади:

– миллий суғурта бозорини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи кадрларни тайёрлаш, ва қайта тайёрлаш, ўқув дастурларининг ягона тизимини яратиш;

– суғурта муаммолари жараёнига таъсир этувчи ва фуқаролар ҳам мулкчиликнинг барча шаклидан қатъий назар юридик шахслар манфаатларини ақс эттирувчи давлат суғурта сиёсатини амалга оширишга ёрдам берувчи ёки йуналтирувчи институтларни ривожлантиришга ёрдам бериш.

Республикамизда суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқаришда қатнашадиган бир аъзоси Молия вазирлиги қошидаги Давлат суғурта назорати инспекциясини кўриб чиққан эдик. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнида эса яна бир қанча ташкилотлар ҳам қатнашади:

– Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, монополияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва бажарилишини назорат қилади;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки суғурта ташкилотларини банк билан боғлиқ фаолияти хусусиятларини назорат қилади;

Суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш жараёни ўз ичига бир қатор ҳаракатларни қамраб олади:

– суғурта ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил қилиш;

– суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини танлаш, модомики, суғурта компанияси ва суғурта брокерини ўрнини ҳар қандай ташкилот ёки шахс эгаллай олмайди (лицензиялаш орқали);

– суғурта бозорининг барча иштирокчилари (шу жумладан суғурта ташкилотлари) томонидан ҳаракат қилиш нормалари ва қоидаларини бажарилишини назорат қилиш;

– ўрнатилган тартиб ва қоидаларни бажарилмаслиги ёки бажаришдан бош тортишда санкциялар тизимини қўллаш.

Суғурта иши субъектлари фаолиятининг суғурта назорати шакллари ва усулларини такомиллаштириш суғурта ҳуқуқининг бузилиши юзасидан огохлантирувчи чора-тадбирларнинг самарали амалиётини ривожлантириш бўйича ялпи тадбирларни ўз ичига олади ва бу ҳаракатлар қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Давлат назорати тизимини такомиллаштириш шуни назарда тўтиши лозимки, у ушбу жараёнга суғурта операцияларини амалга оширишнинг профессионал шартларини киритган ҳолда давлат назоратининг кучли марказлашган тарзда тартибга солинадиган воситаларига эга бўлган давлат томонидан тартибга солиш модели доирасида амалга оширилади. Бунда суғурта бозори касбий бирлашмаларига суғурта ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функцияси топширилиши керак.

Давлат назорати институти қуйидагиларни таъминлаш имконини берувчи услубий тузилмалар билан кучайтирилиши лозим:

– суғурта фаолияти шартларига нисбатан қўйиладиган талаблар даражаси (суғурта шартномаларини тузишнинг стандарт шаклларини жорий этиш, суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминловчи улар фаолиятини баҳолашнинг аниқ тизимини белгилаш асосида);

– суғурта қилдирувчиларга суғурта тўловини қафолатловчи суғурта ташкилотлари ажратмаларининг ихтисослашган жамғармасини тузиш шартлари (суғурталовчи ёки суғурта ташкилотлари профессионал бирлашмаларининг тўловга қодирсизлиги ҳолатида);

– суғурта ташкилотларининг капиталлашуви ва тўлов қобилияти, қалтисликлари, эҳтимол қилинадиган зарар миқдори ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қалтисликларни суғуртага қабул қилиш;

– суғурта бозорини эркинлаштириш тенденцияларига мос келадиган назоратнинг истикболли усуллари тизимини жорий қилиш: профессионал фикрлаш, қалтисликка йўналтирилган назорат;

– суғурта иши субъектларидан лицензия қайтариб олинганидан кейин то банкротлик жараёни тугатилгунга қадар улар фаолиятини назорат қилиш имконини берувчи назорат усулларини ишлаб чиқиш.

Суғурта ташкилотларининг суғурта фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилишдаги жавобгарлигини ошириш мақсадида, Давлат суғурта назорат инспекцияси томонидан суғурта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг олиб қўйилишига қадар огохлантирувчи чора-тадбирлар сифатида

қўлланиладиган суғурта жавобгарлигининг аниқ тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини қонунчилик йўли билан тартибга солишни такомиллаштириш йўналишларидан бири халқаро стандартлар, меъёрлар ва қоидалар (Европа Иттифоқи директивалари, Суғурта назорати органлари халқаро уюшмасининг суғурта назорати бўйича асосий тамойиллари ва стандартлари, Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)нинг халқаро хизматлар савдоси соҳасидаги қоидалар тўплами, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тавсиялари, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги форумининг қарорлари, МДХга аъзо давлатлар, Ягона иқтисодий минтақани шакллантириш жараёнининг иштирокчилари ҳисобланган давлатларнинг интеграцион ўзаро ҳамкорлиги доирасида қабул қилинадиган келишувлар) билан босқичма-босқич уйғунлаштиришдан иборат бўлиши керак. Бу суғурта ташкилотлари тўлов қобилиятининг талаб этиладиган даражасини ҳам, узоқ муддатли чет эл инвестициялари бозорини ташкил қилиш манфаатлари йўлида қонунчиликнинг мослаштирилишини ҳам таъминлайди.

Ҳозирги вақтда суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормалари билан ҳимояланган бўлиб, бунда низолар юзага келган ҳолларда улар Давлат назорати ва фуқаролик суди органларига ҳал этиш учун ўтказилади.

Тўловга қодир бўлмаган суғурта ташкилотларининг мижозларига суғурта тўловларини амалга ошириш учун суғурта турлари бўйича қафолатловчи жамғармалар тизимини яратиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидан бири ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини оширишнинг етарлича ривожланган тизими мавжуд эмаслиги, кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифатида ўз аксини топади. Гуманитар йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида суғурта ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш зарур. Бунда ўқув муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ушбу мақсадда суғурта мавзуси бўйича илмий-амалий конференцияларни, социологик тадқиқотларни, диссертация ишларини тайёрлашни ташкил этиш зарур. Кадрлар тайёрлаш ва суғурталовчилар малакасини ошириш сифати суғурта назарияси амалиётини очиқ берувчи ўқув – услубий ва илмий адабиётларнинг яратилиши билан чамбарчас боғлиқ. Суғурта ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш бўйича суғурта фаолиятининг турли масалалари юзасидан мунтазам семинарлар ўтказиш, чет эл суғурта компанияларида стажировкалар ўташ амалиётини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш зарур.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки,

таклиф этилаётган чора-тадбирлар миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ўрта муддатли истиқболда давлатнинг суғурта соҳасидаги сиёсатини шакллантириш имконини беради. Шунингдек, улар суғурта ҳимоясининг самарали тизими бўйича қатор дастурларни ишлаб чиқиш, суғуртанинг янги турлари, суғурта технологияларини жорий этишни фаоллаштириш, суғурта хизматларининг сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, суғурта назоратининг шакллари ва усулларини такомиллаштиришга имкон беради.

## IV. Амалий машғулот материаллари

### 1-масала:

Биринчи қарздор 150 млн.сўм миқдорида бир йилга кредит олди. Кредит йиллик 42%. Суғурта шартномаси муддати 8 ой. Суғурталовчининг максимал жавобгарлиги 85%. Йиллик тариф ставка 2,1%.

**Кредитни қайтарилмаслик rischi бўйича суғурта мукофотларини топинг.**

### 2-масала:

Иккинчи қарздор 250 млн.сўм миқдорида бир ярим йилга кредит олди. Кредит йиллик 48%. Суғурта шартномаси муддати 10 ой. Суғурталовчининг максимал жавобгарлиги 95%. Йиллик тариф ставка 2,1%.

**Кредитни қайтарилмаслик rischi бўйича суғурта мукофотларини топинг.**

### 3-масала:

Объектнинг ҳақиқий нархи 15 млн.сўм, суғурта суммаси 3,5 млн.сўм, объектнинг суғурта ходисаси натижасида кўрган зарари 7,5млн.сўм.

**Нисбий жавобгарлик тизими бўйича суғурта қопламаси суммасини топинг.**

### 4-масала:

Биринчи риск системаси бўйича автотранспорт 60 млн.сўмга суғурталанган. Автотранспортнинг ҳақиқий нархи 90 млн.сўм. Суғурта ходисаси натижасида автотранспорт 80 млн.сўм миқдорида зарар кўрди.

**Биринчи риск системаси бўйича суғурта қоламаси суммасини топинг.**

### 5-масала:

Биринчи риск системаси бўйича автотранспорт 50 млн.сўмга суғурталанган. Автотранспортнинг ҳақиқий нархи 70 млн.сўм. Суғурта ходисаси натижасида автотранспорт 34 млн.сўм миқдорида зарар кўрди.

**Биринчи риск системаси бўйича суғурта қоламаси суммасини топинг.**

### 6-масала:

Шоли ҳосилдорлиги охири беш йиллик ҳосилдорликни инобатга олган ҳолда 1 га ердан 14 ц ҳосил олиш учун суғурталанган. Суғурта ташкилотининг максимал жавобгарлиги 70%. Шоли 500 га ерга экилган. Ҳақиқий ҳосилдорлик 1 га ердан 12,8 ц ни ташкил этди. Шолиннинг сотиб олиш нархи 1ц га 170 сўм.

**Суғурталовчининг зарар миқдорини ва чегаравий жавобгарлик тизими бўйича суғурта қопламаси миқдорини топинг.**

### 7-масала:

Карам ҳосилдорлиги чегаравий жавобгарлик тизими бўйича 1 га ердан 3 минг сўмлик ҳосил олиш учун суғурталанган. Суғурта ташкилотининг максимал жавобгарлиги 70%. Карам 400 га ерга экилган. Ҳақиқий ҳосил нархи 1 га ердан 2,4

минг сўмни ташкил этди.

**Суғурталовчининг зарар миқдорини ва чегаравий жавобгарлик тизими бўйича суғурта қопламаси миқдорини топинг.**

#### **8-масала:**

Хўжалик субъекти ўз мол-мулкани бузиб кириб ўғирлик қилишдан 150 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 2 млн.сўм миқдорида шартсиз франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 4% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 8,5млн.сўмга тенг.

**Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топинг.**

#### **9-масала:**

Хўжалик субъекти ўз мол-мулкани бузиб кириб ўғирлик қилишдан 600 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 3 млн.сўмга тенг.

**Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топинг.**

#### **10-масала:**

Хўжалик субъекти ўз мол-мулкани бузиб кириб ўғирлик қилишдан 800 млн.сўмга бир йилга суғурта қилди. Суғурта тариф ставкаси суғурта суммасидан 0,3%. Суғурта шарномаси бўйича 1% миқдорида шартли франшиза белгиланган, франшиза белгиланганлиги сабабли 2% миқдорида тарифга чегирма қўлланилган. Суғурталовчининг зарари 12,5 млн.сўмга тенг.

**Суғурта мукофоти суммаси ва суғурта қопламаси суммасини топинг.**

#### **11-масала:**

Суғурталанган объектнинг қиймати 8,400 сум, суғурта суммаси 3,360 сўм, шикастланиш натижасида кўрилган зарар 4,840 сўм.

**Суғурта таъминлаш тизимининг нисбий жавобгарлиги қоидаларига асосан суғурта қопламасини ҳисобланг.**

#### **12-масала:**

Объект 18 000 сўмга баҳоланган, унинг 80% суғурталанган, зарар миқдори 6 200 сўм.

**Нисбий жавобгарлик тизими асосида суғурта қопламасини ҳисобланг.**

#### **13-масала:**

Автомобил биринчи таваккалчилик тизими асосида 75 000 сўмга суғурталанган, унинг ҳақиқий баҳоси 89 000 сўм, суғурталанувчи 32 000 сўм миқдорида зарар кўрган.

**Биринчи ва иккинчи таваккал миқдорини белгиланг.**

## VI. Мустақил таълим мавзулари

1. Ўзбекистонни молиявий тизимида суғуртани аҳамияти ва ўрни.
2. Ривожланган давлатларда суғуртани аҳамияти ва ўрни.
3. Суғурта бозорни шаклланишини асосий шартлари.
4. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини таркибий тузилиши.
5. Ривожланган давлатларда суғурта бозорини ҳозирги ҳолати.
6. Ўзбекистон суғурта бозори ҳозирги ҳолатини таҳлили.
7. Инқилобдан олдинги Ўзбекистон суғурта бозорини ҳолати.
8. Совет давридаги Давлат суғуртани таҳлили.
9. Мустақил Ўзбекистонни суғурта бозорини замонавий ҳолати.
10. Ўзбекистонда суғурта хизматларининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.
11. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги даврида суғурта компаниялар фаолияти.
12. Суғурта фаолиятининг институционал базаси шаклланиши ва ривожланиши.
13. Суғурта бозорни тартибга солишга тегишли асосий тушунчалар ва атамаларни мазмуни.
14. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини тартибга солиш тизимини таркибий тузилишини таҳлили.
15. Ривожланган давлатларда суғурта бозори ўз-ўзини тартибга солиш усуллари.
16. Ривожланган давлатларда суғурта бозорига тегишли қонунчилик тизими.
17. Ўзбекистонда ва ривожланган давлатларда суғурта бозорига тегишли қонунчилик тизимини нисбий таҳлили.
18. Ривожланган давлатларда суғурта бозорни давлат томонидан тартибга солиш асослари.
19. Ривожланган давлатларда суғурта бозорига тегишли асосий қонунчилик ҳужжатларни таҳлили.
20. Ўзбекистонда ва ривожланган давлатларда суғурта бозорни тузилишини нисбий таҳлили.
21. Суғурта бозорни ички ва ташқи муҳити.
22. Суғурта мунособатларини амалга ошириш жараёнлари.
23. Ривожланган давлатларда суғурта бозорни профессионал иштирокчилари.
24. Суғурта бозорларни таснифлаш асослари.
25. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда суғурта бозорини таркибий тузилишини таҳлили.
26. Ўзбекистон суғурта бозорни профессионал иштирокчилари.
27. Суғурта бозорни иқтисодий таҳлил қилиш асослари.
28. Суғурта бозорни баҳолаш ва бошқаришда экспертлар усулининг ўрни ва аҳамияти
29. Ўзбекистонда суғуртанинг тадрижий тараққиёти ва унинг ўзига хослиги.
30. Ўзбекистонда суғурта компанияларини инвестицион фаолиятини баҳоловчи кўрсаткичлар.
31. Қайта суғуртани баҳоловчи кўрсаткичлар.
32. Суғурта фаолиятни рентабеллиги кўрсаткичлари.
33. Суғурта бозор ҳолатини асосий баҳоловчи кўрсаткичларини таҳлили.
34. Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари.



35. Ривожланган давлатларни амалиётини Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантиришда ишлатиш.

36. Ўзбекистон суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш тажрибаси ва такомиллаштириш муаммолари.

37. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари

38. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини кенг ривожланишига тўсқинлик қиладиган факторларни таҳлили.

39. Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлили.

40. Суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.

## VII. Глоссари

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Абандон</b>	<p>тўлик миқдордаги суғурта суммасини олиш учун суғурталанувчининг суғурталанган мол–мулкдан суғурталовчининг фойдасига воз кечиши (суғурталанган кема нобуд бўлганда, у хабарсиз йўқолганда, кема ёки юк қароқчилар томонидан босиб олинганда). Абандон тўғрисидаги ариза воқеа–ходиса рўй бергандан кейин олти ой мобайнида берилиши керак. Айрим чет мамлакатлар қонунчилигида абандон суғурталанувчининг бир томонлама акти ҳисобланади. Фақат, Англия қонунчилигида абандон учун суғурталовчининг розилиги талаб этилади.</p>	<p>Property insurance policies can include what is known as an abandonment clause, which allows the policyholder to abandon the damaged property and still receive their claim settlement. Once abandoned, the damaged property is owned by the insurance company. Abandonment clauses are more common in marine property insurance policies. Homeowners policies typically prohibit policyholders from abandoning property under any condition.</p>
<b>Авария комиссари</b>	<p>суғурта компаниясининг ваколатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Суғурталанган кема ёки юк бўйича кўрилган зарарнинг характери ва миқдорини аниқлайди, ходиса рўй берганлик сабабларини ўрганади. Суғурта компанияси авария комиссарининг чет элда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тайинлаши мумкин. Авария комиссарининг юридик манзили, телефон ва телекс рақамлари суғурта компанияси томонидан бериладиган суғурта полисида кўрсатилади. Суғурталанувчи суғурта ходисаси рўй бериши заҳоти авария комиссарига муурожаат қилиши зарур. Авария комиссари мол–мулкнинг зарарланганлик даражасини аниқлайди ва суғурта компаниясининг топшириғига асосан, кўрилган зарарни қисман қоплаши мумкин. Авария комиссари бажарилган ишлар тўғрисида суғурта компанияси учун</p>	<p>Policies providing coverage, singly or in combination, for death, dismemberment, disability, or hospital and medical care caused by or necessitated as a result of accident or specified kinds of accidents. Types of coverage include student accident, sports accident, travel accident, blanket accident, specific accident or accidental death and dismemberment. Coverage for the insured in the event that the insured's negligent acts and/or omissions result in losses in connection with the use, ownership, or maintenance of aircraft.</p>

	авария сертификати тузади ёки унга ёзма ахборот тайёрлайди.	
<b>Авария сертификати</b>	мол–мулк суғурта ходисаси туфайли зарарланганда, кўрилган зарарнинг миқдори ва характерини тасдиқловчи ҳужжат. Авария сертификати авария комиссари (аджастер) томонидан тузилади ва тегишли комиссия хақи ҳисобига суғурталанувчига тақдим этилади. Авария сертификати суғурта қопламасини олиш тўғрисидаги аризасига илова этилади ва қопламани тўлашда суғурта компаниясига асос бўлиб хизмат қилади.	Property insurance event due to a document certifying the nature of the damage and the amount of damage. Emergency certificate emergency commissioner (adjaster) and the related report of the commission created by the Insured. Emergency certificate shall be attached to the application for insurance compensation insurer and the cover will serve as the insurance to pay company.
<b>Аддендум</b>	илгари тузилган суғурта ва қайта суғурталаш шартномасига томонларнинг ўзаро келишуви билан қўшимчалар киритиш.	With the mutual agreement of the parties before the insurance and re - insurance contract amendments.
<b>Аджастер</b>	суғурта ходисаси рўй бериши муносабати билан суғурталанувчи томонидан билдирилган эътирозни тартибга солишда суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя этувчи жисмоний ёки ҳуқуқий шахс. У суғурталанувчи билан унга тўланадиган суғурта қопламаси миқдорини келишишга ҳаракат қилади. Аджастер суғурта ходисасини рўй бериш сабабларини ўрганади ва таҳлил этади. Ушбу таҳлил натижалари бўйича суғурта компаниясига эксперт хулосасини тузади ҳамда авария комиссари функциясини бажаради. Аджастер вазифасини суғурта компаниясининг таркибий бўлими ёки ихтиссослашган ташкилот амалга ошириши мумкин.	A person who investigates claims and recommends settlement options based on estimates of damage and insurance policies held. A representative of the insurer who seeks to determine the extent of the insurer's liability for loss when a claim is submitted. An individual employed by an insurer to evaluate losses and settle policyholder claims. Also see "public insurance adjuster."
<b>Актуарий</b>	лотин тилидан таржима қилганда ҳисобчи деган маънони билдиради. Актуар ҳисоб–китоблар назариясини ўзлаштириб олган суғурта математикаси соҳасидаги мутахассис. У суғурта тарифларини ҳисоблаш ва методологиясини ишлаб чиқиш, узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта	Business professional who analyzes probabilities of risk and risk management including calculation of premiums, dividends and other applicable insurance industry standards. A specialist in the mathematics of insurance who calculates rates, reserves, dividends and other

	<p>заҳираларини шакллантириш билан боғлиқ ҳисоб–китобларни амалга ошириш билан шуғулланади. Ҳозирги пайтда Англияда актуарийлар институти фаолият кўрсатмоқда. Актуарийларнинг халқаро уюшмаси мавжуд.</p>	<p>statistics. (Americanism: In most other countries, the individual is known as "mathematician.") An insurance professional skilled in the analysis, evaluation and management of statistical information. Evaluates insurance firms' reserves, determines rates and rating methods, and determines other business and financial risks. A person professionally trained in calculating the risks and costs of insurance.</p>
<b>Актуар ҳисоб–китоблар</b>	<p>суғурта тарифи ставкаларини ҳисоблашнинг иқтисодий–математик усуллари йиғиндиси. Ушбу ҳисоб–китоблар катта сонлар қонунига асосланади. Актуар ҳисоб–китобларнинг методологияси, эҳтимоллар назарияси, демография қонуниятларига асосланади, тариф ставкасини миқдори суғурта ходисалари рўй беришининг эҳтимолийлигига боғлиқ. Демография маълумотларидан фуқароларнинг ҳаётини суғурталашда суғурталанувчиларнинг ёшига мос равишда суғурта тарифи ставкасини табақалаштиришда фойдаланилади. Узоқ муддатли ҳаётни суғуртаси бўйича суғурта суммалари суғурталанган шахс вафот этганда ёки у маълум бир ёшга етганда тўланади. Етарли миқдордаги суғурта фондини шакллантириш учун, суғурталовчи шартнома амалда бўлган даврда қанча шахс вафот этиши ёки маълум бир ёшга етиши эҳтимолийлигини билиши зарур. Аҳоли ўлими даражаси ҳақидаги статистик маълумот асосида турли ёшга етиши эҳтимоллигини ҳисоблаш ҳамда фуқароларнинг ўлими тўғрисидаги жадвални тузиш мумкин.</p>	<p>The sum of the insurance rate of economic - mathematical calculation methods. These calculations are based on the law of large numbers. The methodology of actuarial calculations, probability theory, based on the laws of demography, the rate depends on the amount of insurance. Accidents happen Demographic data of citizens in accordance with the age of the life insurance differentiated rate. The long - term life insurance, the amount of insurance the insured person dies, or he is paid a certain age. Sufficient for the formation of the insurance fund, the insurance period of the contract or the death of a person at a certain age you need to know ehtimoliyligini. On the basis of statistical data about the population mortality rate to calculate the probability of different ages as well as a schedule of the death of the citizens .</p>
<b>Андеррайтер</b>	<p>турли рискларни суғурталаш</p>	<p>Person who identifies,</p>

	<p>ваколатига эга, суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. Суғурта компаниясининг суғурта портфелини шаклланиши учун жавоб беради. У суғурта шартномаларини тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта тарифи ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга бўлиши зарур; 2) Ллойд суғурта полисларини берадиган Ллойд суғурта корпорациясини аъзоси; 3) потенциал мижозларга суғурта полисини сотиш билан шуғулланадиган ёки манфаатдор томонларга суғурта соҳаси бўйича юқори даражада маслаҳат хизматларни кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс.</p>	<p>examines and classifies the degree of risk represented by a proposed insured in order to determine whether or not coverage should be provided and, if so, at what rate. The individual trained in evaluating risks and determining rates and coverages for them. Also, an insurer. The person who reviews an application for insurance and decides if the applicant is acceptable and at what premium rate.</p>
<b>Андеррайтинг</b>	<p>1) суғурталаш мақсадида рискни баҳолаш; 2) суғурта шартномаларини тузиш ва унинг шартларини бажариш; 3) суғурта.</p>	<p>The process by which an insurance company examines risk and determines whether the insurer will accept the risk or not, classifies those accepted and determines the appropriate rate for coverage provided. 1) insurance risk assessment; 2) the terms of the insurance contracts and its performance; 3) insurance.</p>
<b>Андеррайтер сиёсати</b>	<p>суғурталаш билан боғлиқ янги таклифларни кўриб чиқиш ва мазкур таклифни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида хулосалар чиқаришга қаратилган сиёсат.</p>	<p>to insurance and consider new proposals that can accept or reject the conclusions of the policy.</p>
<b>Аннуитет</b>	<p>рента ва нафақаларни суғурталашнинг ҳамма турларини умумлаштирувчи тушунча. Бунда суғурталанувчи суғурта компаниясига бир вақтнинг ўзида ёки бир неча йиллар давомида тегишли суғурта мукофотларини тўлайди. Кейин суғурталанувчи бутун ҳаёти давомида суғурта компаниясидан даромад олади. Аннуитетнинг бир тури ҳисобланадиган фуқароларнинг йиллик даромадини суғуртаси бугунги кунда Буюк британияда, Францияда ва АҚШда кенг</p>	<p>a contract providing income for a specified period of time, or duration of life for a person or persons. An agreement by an insurer to make periodic payments that continue during the survival of the annuitant(s) or for a specified period. A contract in which the buyer deposits money with a life insurance company for investment. The contract provides for specific payments to be made at regular intervals for a fixed period or</p>

	ривожланган.	for life.
<b>Аудит</b>	суғурта компаниясининг молиявий ҳисоботи тўғрилигини ёзма равишда тасдиқлаш ва текшириш. Аудит ишини махсус малакага эга бўлган аудиторлар амалга оширади. Аудиторлик фирмаси билан суғурта компанияси ўртасида шартнома тузилади. Ўзбекистон Республикасида аудит ишини Молия вазирлигининг лицензиясига эга бўлган шахслар амалга ошириши мумкин.	The insurance company to confirm in writing the accuracy of financial reporting and auditing. Audit work specially qualified auditors. Auditing firm concluded a contract between the insurance company. Persons licensed by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan in the work of the audit can be carried out.
<b>Бонус</b>	суғурта компанияси ўзи учун қулай шартларда суғурта шартномасини тузганлиги учун суғурталанувчига, у тўлайдиган суғурта мукофоти миқдоридан чегирмалар белгилайди.	The insurance company for the terms of the insurance contract concluded for the discounts that the amount of insurance premiums paid by Insured.
<b>Брутто–мукофот</b>	суғурта шартномаларини тузиш, иш юритиш харажатларини ҳисобга олган ҳолдаги суғурта мукофотлари суммаси	the net premium for insurance plus commissions, operating and miscellaneous commissions. For life insurance, this is the premium including dividends
<b>Бош полис</b>	суғурта компанияси ва суғурталанувчи ўртасидаги ёзма битим. Бу битимга мувофиқ, тегишли давр мобайнида суғурталанувчи барча объектларни суғурта компаниясига суғурталаш учун беради. Чет эл тажрибасида бу битим «очиқ полис» ёки «полис–абонамент» дейилади. Мазкур бош полис асосида суғурталаш ташқи савдо юклари суғуртасида кенг тарқалган. Суғурталанувчи суғурта компаниясига ҳар бир жўнатилган юк ҳақидаги маълумотлар (юкнинг вазни, суғурта суммаси, юкни жунатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари) баён этилган аризани тақдим этса етарли, юк автоматик равишда суғурталанган ҳисобланади.	an agreement in writing between the insurance company and the insured. In accordance with this agreement, the relevant period for the insurer to insure all areas of the insurance company. Foreign practice this agreement 'public policy' or 'policy abonament'. This insurance policy on the basis of common foreign trade cargo insurance. Each insurance company sent information about the cargo (cargo weight, the sum insured, receive and dispatch cargo units) enough to submitting the application, are automatically insured.
<b>Биргаликда суғурта қилиш</b>	битта суғурта шартномаси доирасида рискни икки ёки ундан ортиқ суғурта компаниялари ўртасида тақсимланиши. Ушбу шартномада ҳар бир	The percentage of each health care bill a person must pay out of their own pocket. Non-covered charges and deductibles are in addition to

	суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Биргаликда суғурта қилишда суғурталанувчига қўшма полис ёки ҳар бир суғурта компанияси ўз зиммасига олган риск ҳиссасига мувофиқ алоҳида полис берилади.	this amount. An arrangement in a health or dental insurance plan where you and the insurance company share the cost of the items covered. You usually pay a set percentage (e.g., 20% paid by you and 80% paid by the plan).
<b>Брутто – ставка</b>	суғурта қопламасини (суғурта суммасини) тўлашга мўлжалланган нетто–ставка ва иш юритиш харажатларини қоплашга мўлжалланган нетто–ставкага юклама суммаларини ўз ичига олган суғурта мукофотларининг тариф ставкасини билдиради. Кўпгина адабиётларда ушбу ибора суғурта тарифи маъносига ҳам ишлатилади.	insurance coverage ( insurance amount ) to pay the net is intended to cover the costs of work - rate and net insurance premiums , including the sums of the load rate of the rate . Most of the literature , this technique is also used in the sense of insurance rate.
<b>Денонсация</b>	шартномадан воз кечиш. Агар суғурта муносабатларида томонлардан бири ёзма равишда шартномадан воз кечиши тўғрисида иккинчи томонга маълум қилмаса, шартнома унда кўрсатилган муддатгача кучда бўлади.	refusal of agreement . If the insurance relations are one of the parties in writing not to reject the agreement on the second side, the deadlines specified in the contract which will be strong.
<b>Депозит</b>	суғурта компаниясининг банк муассасасида сақланадиган пул маблағи ёки қимматли қоғозлари. Банк, одатда, суғурта компаниясига ўз пулини банкда сақлагани учун фоиз тўлайди; 2) айрим мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ, чет мамлакат суғурта компанияси, агар, бирор бошқа мамлакатда суғурта фаолиятини амалга оширмоқчи бўлса, дастлаб у ўша мамлакат банк муассасасига тегишли пул маблағини депозитга қўяди. Мазкур депозит, чет давлат суғурта компаниясининг бошқа мамлакат ҳудудида суғурта фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлиб хизмат қилади.	the insurance company kept the banking institution in cash or securities . The bank, as a rule, the insurance company money pays interest to the banks; 2) in accordance with the laws of some countries, a foreign insurance company in the country, if there is any other insurance activity in the country, the first banking institution in the country depositing money. This deposit, foreign insurance company to carry out insurance activities in the territory of the other country to serve as a basis for it.
<b>Диверсификация</b>	йирик суғурта компанияларининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан ҳам шуғулланиши. Масалан, суғурта воситачилиги, қимматли қоғозларнинг олди–сотдиси, кўчмас мулк билан шуғулланиш ва ҳақозо.	The largest insurance companies, is engaged in other activities in addition to the primary activity. For example, the insurance agent, the sale of securities, real estate activities and so on.

<b>Депозитларни суғурта қилиш</b>	<p>банклар банкрот деб эълон қилинганда ёки тўлов қобилияти йўқолганда, омонатчиларнинг банкдаги пул маблағларини уларга қайтарилишини суғурталаш. Бунда банклар суғурталанувчилар ҳисобланади. Суғуртани махсус суғурта ташкилотлари амалга оширади. Депозитларни суғурталаш чет мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, АҚШда депозит суғуртасини депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси амалга оширади. АҚШда ҳар бир омонатчига тўғри келадиган 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги депозитни банклар мажбурий суғурталайди.</p>	<p>The solvency of the banks declared bankrupt or return money to depositors lost their insurance. At the same time, banks have insurance. Insurance and private insurance organizations. Widespread insurance of deposits in foreign countries. For example, the US federal insurance of deposits in the deposit insurance corporation. US towards each depositor banks in the amount of \$ 100 thousand deposit insurance.</p>
<b>Диспашер</b>	<p>денгиз транспортида умумий авария содир бўлганда кўрилган зарарни кема, юк ва фрахт ўртасида тақсимлаш бўйича ҳисоб-китобларни тузадиган мутахассис. Ривожланган мамлакатларда диспашер функциясини махсус компаниялар бажаради. Зарарларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоблар диспаша дейилади ва диспашани тузганлик учун ҳақни манфаатдор томонлар (кема эгаси, юк эгаси, юкни сотиб олувчи шахс) тўлайди.</p>	<p>Sea transport accident caused damage to the ship, cargo and chartered distribution of settlements between the expert concluded. Performs the function of dispatcher private companies in developing countries. Losses distribution of settlements and called dispasha dispashani creation for stakeholders delusion ( the ship owner , the owner of the cargo, the cargo recipient entity ) pays.</p>
<b>Европолис</b>	<p>европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида суғурта шартномаси тузганлик фактини тасдиқловчи суғурта полиси</p>	<p>European Economic Community countries, confirming the fact of the creation of the contract of insurance the insurance policy.</p>
<b>Заҳира фонди</b>	<p>жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан суғурта қопламасини тўлаш имконияти бўлмаганда, ушбу суғурта қопламасини тўлаш учун фойдаланиладиган пул маблағлари фонди. Маълумки, суғурта ходисалари туфайли кўрилган йўқотишлар ва зарарлар миқдори ҳар йили ҳар-хил бўлади. Айрим йиллари суғурта ходисалари кам, бошқа йили эса кўпроқ бўлиши мумкин. Агар суғурта ходисалари</p>	<p>This year at the expense of insurance premiums received by the absence of the possibility of payment of insurance compensation fund of funds used to pay for this insurance. It is known that the amount of insurance losses and damages caused by the incident are the same every year. Some of the events of the years of insurance less can be more. If you have insurance for damage caused by</p>



	сони кўп бўлиб, кўрилган зарар миқдори жорий йилда келиб тушган суғурта мукофотларидан бир неча марта кўп бўлса, уларнинг фарқи захира фонди ҳисобидан қопланади.	a large number of cases received in the current year in the amount of insurance premiums for more than a few times, the difference will be covered by the reserve fund.
<b>Карго</b>	транспорт воситасида ташиладиган ва суғурталаниши мумкин бўлган юкнинг номланиши.	Name of the load which can be carried by the means of transport and insurance.
<b>Каско</b>	транспорт воситасининг борти. Каско суғуртаси транспорт воситасини нобуд бўлиши ёки шикастланиши ўз ичига олади.	Board the transport. Kaska insurance covers loss or damage to the transport
<b>Каф</b>	ташқи савдо шартномаси бўйича юкларни белгиланган портгача (жойгача) етказиб бериш шарти. Бунда ташилаётган товарнинг қийматига денгиз транспортида ташиш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Ушбу шарт бўйича товарларни суғурта қилиш товар етказиб берувчининг (сотувчи) мажбуриятига кирмайди.	Foreign specified in the contract of sale of goods (marker) delivery. At the same time, the value of the goods transported on the sea transport costs. This insurance product supplier (seller) is not covered by the obligation.
<b>Касбий жавобгарлик</b>	чет эл тажрибасида врачларнинг, адвокатларнинг, аудиторларнинг, нотариусларнинг, бухгалтер, архитектор ва бошқа касб эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасини тасдиқлайдиган суғурта полисининг аталиши. Ушбу касб эгалари хусусий амалиёт билан шуғулланганларида, уларда суғурта полисининг бўлиши мажбурийдир	Coverage available to pay for liability arising out of the performance of professional or business related duties, with coverage being tailored to the needs of the specific profession. Examples include abstracters, accountants, insurance adjusters, architects, engineers, insurance agents and brokers, lawyers, real estate agents, stockbrokers.
<b>Квота</b>	1) бир неча суғурта компанияси томонидан биргаликда тегишли объект суғурталанаётганда, битта суғурта компаниясига тўғри келадиган ҳисса. Бундай ҳолатда ҳар бир суғурта компаниясига тегишли квота ягона суғурта полисида ўз аксини топади; 2) қайта суғурталаш компаниясини қайта суғурталашда қатнашиш ҳиссаси.	1) shared by more than one insurance company to contribute towards the object an insurance company. In this case, the quota of each insurance company only reflected in the insurance policy; 2) reinsurance companies to participate in the reinsurance contributions.
<b>Квотали қайта суғурталаш</b>	суғурта компанияси қайта суғурталовчи компания билан келишган ҳолда унга рискларни бир қисмини беради. Бу операция квота шартномаси орқали	Insurance company reinsurance agreement with the company a portion of the risk. This is not a quota agreement was drawn up. Reinsurance company in

	расмийлаштирилади. Қайта суғурталовчи компанияга суғурта мукофотини тегишли қисми берилади ва қайта суғурталовчи компания пропорционал равишда кўрилган зарарни қоплашда иштирок этади.	proportion to the portion of the insurance premium and the insurance company will participate in the review of the compensation.
<b>Ковернота</b>	суғурта воситачиси томонидан суғурталанувчига бериладиган ва суғурталанувчининг суғурта шартномаси тузишини тасдиқловчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда кўрсатилган муддат мобайнида суғурта брокери суғурталанувчига суғурта полисини бериши шарт. Чунки, ковернота суғурта компанияси учун юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди.	Insured by the insurance intermediary and the insurer's insurance contract issued document. During the period specified in this document are required to provide insurance broker insurance policy Insured. Because the insurance company kovernota be considered legally valid document.
<b>Комбинацияли суғурта</b>	бир неча суғурта турлари бўйича суғурта қопламаси шarti	provided insurance coverage of a few types of insurance
<b>Комиссия ҳақи</b>	мижозларни суғуртага тортганлиги учун суғурта компанияси томонидан воситачиларга (суғурта брокери, агент) тўланадиган ҳақ. Комиссия ҳақининг миқдори суғуртанинг турига ва келиб тушган бадалнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда суғурта бадалига нисбатан фоизларда тўланади.	Fee paid to an agent or insurance salesperson as a percentage of the policy premium. The percentage varies widely depending on coverage, the insurer and the marketing methods.
<b>Коносамент</b>	денгиз транспортида юкларни ташиш шартларини ифодаловчи ҳужжат. Коносамент шартнома мавжудлиги фактини ва юк ташувчини юкни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Коносаментга имзо чекиши билан юкни сақлаш, уни тегишли манзилга етказиш масъулияти тўлалигига юк ташувчи кема зиммасига ўтади. Имзоланган коносаментнинг асл нусхаси сотиб олувчига юборилади ва ушбу ҳужжат унга тегиши билан сотиб олувчи юкнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади.	Document expressing the terms of maritime freight transport. Konosament the fact of the existence of the agreement and the acceptance confirming the receipt of the carrier. Sign cargo, it has successfully assumed responsibility to pay the freight ship. К Konosament's signed original copy is sent to the buyer and buy touch him the legal owner of the cargo .
<b>Кумуляция</b>	бир қанча йирик суғурта суммали объектларнинг битта суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўриши эҳтимоллигини назарда тутувчи суғурта рискларини йиғиндиси	a large amount of the insurance objects of the alleged damage because of an insurance event to which the sum of the insurance risk.

<b>Кэптив суғурта компанияси</b>	таъсисчиларнинг манфаатларини суғурта ҳимоясига оладиган ёки йирик концерн, корпорациялар, йирик саноат–молия гуруҳлари таркибига кирувчи суғурта компанияси. Рақобатдаги бошқа суғурта компанияларини кэптив суғурта компанияси мавжуд бўлган тармоққа кириши мураккаброк ҳисобланади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган кэптив суғурта компанияларига – «АЛСКОМ», «Универсал суғурта» суғурта компанияларини мисол келтириш мумкин.	To protect the interests of the founders of the insurance or major corporations, insurance company, part of the largest financial and industrial groups. Competition from other insurance companies, captive insurance company is more complex network. Captive insurance companies in Uzbekistan - the ALSKOM, Universal insurance that insurance companies might be.
<b>Ллойд</b>	Англиядаги халқаро суғурта бозори; Англиядаги суғурталовчиларнинг корпорацияси, тахминан 1734 йилда ташкил этилган. Ҳозирги пайтда Ллойдга 22000 дан ортиқ аъзо бор. Унинг фаолияти Англия парламенти қабул қилган махсус қонун билан тартибга солинади. Ллойд суғуртани барча турларини амалга оширади. Ллойд аъзолари 279 синдикатга бирлашган бўлиб, синдикат фаолияти учун андеррайтерлар жавоб беради. Андеррайтерлар билан сугурталанувчиларни сугурта воситачилари бирлаштиради. Сугурта воситачилари Ллойд бозорида рискларни жойлаштиради. Андеррайтерлар сугурта шартномаси буйича жавоб бериш учун йирик миқдордаги пул маблағларини корпорацияга депозит сифатида қўяди.	In England, the international insurance market; UK insurers Corporation, founded in about 1734. Lloyds currently has more than 22,000 members. Its activity is regulated by a special law passed by the Parliament of England. Lloyd carries out all types of insurance. Lloyd sindikatga 279 members of the union, sindikat underwriter. Underwriter combines sugurtalanuvchilarni insurance brokers. Insurance brokers Lloyd market risks. Underwriter to respond to the insurance contract on the large amount of funds to the Corporation as a deposit.
<b>Тиббий суғурта</b>	аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш воситаларидан бири. Суғурта ҳодисаси рўй бериши муносабати билан, суғурта полиси орқали бепул тиббий хизмат кўрсатилиши. Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни суғурта компанияси тўлайди. Тиббий суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлади.	Covers medical expenses for accidents or sickness, on a first-party basis, and regardless of fault. A policy that will pay specifies sums for medical expenses or treatments. Health policies can offer many options and vary in their approaches to coverage.
<b>Мулкий суғурта</b>	турли кўринишдаги мол–мулкларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар	Insurance that covers direct damage to the nonprofit's

	суғурта муносабатларининг объекти хисобланган, суғуртанинг мустикал тармоғи. Суғурталанувчининг шахсий мулки, унинг қарамоғида жойлашган мол-мулклар суғурталаниши мумкин. Суғурталанувчи сифатида, нафақат мол-мулкнинг соҳиблари, балки мол-мулкнинг сақланиши учун масъулиятли бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.	property and equipment including consequential losses (business income, loss of rents, extra expense) caused by an insured peril.
<b>Нетто-ставка</b>	брутто-ставканинг асосий таркибий қисми. Нетто-ставка суғурта қопламасини тўлашга мўлжалланган пул маблағлари ресурслари бўлиб, у брутто-ставканинг 90 фоизигача миқдорини ташкил этади.	Gross - rate component. Netto - rate sources of funds intended for the payment of insurance compensation, which amount to 90 % of the gross rate.
<b>Облигаторли қайта суғурталаш</b>	1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валютани чиқиб кетишини олдини олади; 2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси.	1) form of compulsory insurance. According to the laws of some countries accept all insurance companies operating in the territory of that country risk is a part of the compulsory reinsurance company. These measures through reinsurance to prevent the flow of currency out of the country; 2) insurance company (tsedent) is a type of insurance risk insurer, and in turn, providing for the insurer to accept the risk reinsurance contracts.
<b>Мажбурий суғурта</b>	суғурта муносабатларининг қонун кучига эга бўлган шакли. Мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжатда суғуртага тортиладиган объектлар сони, суғурта жавобгарлигининг ҳажми, суғурта муносабатларида қатнашадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа реквизитлар кўрсатилади. Амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда мажбурий суғуртани тегишли	Insurance relationships form which has the force of law. Compulsory insurance on the basis of legislative acts. This document insurance taxable items, the volume of insurance liability, the rights and obligations of the parties involved in the relationship between insurance and other details.

	лицензияга эга бўлган ҳар қандай суғурта компанияси ўтказиши мумкин.	
<b>Оферта</b>	асосий шартлар кўрсатилган ҳолда суғурта шартномасини тузиш таклифи. Суғурта компанияси офертани конкрет юридик ёки жисмоний шахсга йўллаши мумкин.	The main recommendation of the conditions specified in the insurance contract . Insurance companies offer a specific natural or legal person may send.
<b>Оффшор суғурта компанияси</b>	махсус мақомга эга бўлган суғурта компанияси. Оффшор суғурта компаниялари солиқ тўлаш ставкалари энг кам булган оффшор зоналарда (Бермуд ороли, Гернси, Мэн ва Кэйманов ороллари) ташкил этилади. Оффшор зоналарда амалга ошириладиган суғурта операциялари суғурта компаниясини ташкил этишда қатнашган таъсисчилар жойлашган давлати органлари томонидан назорат этилмайди.	A special status with the insurance company. Offshore insurance companies of low tax rates in offshore zones (the island of Bermuda, Guernsey and Keymanov Islands). Offshore zones participated in the organization of the implementation of the insurance operations of insurance company shareholders are not controlled by the state bodies.
<b>Пролонгация</b>	ўзаро келишган ҳолда суғурта шартномасини амал қилиш муддатини узайтириш. Пролонгация ёзма кўринишда тасдиқланиши мумкин	Mutual agreement to extend the term of the insurance contract. Credit can be confirmed in written form
<b>Пропорционал қайта суғурталаш</b>	қайта суғурталаш шартномасини тузиш шакли. Бу ерда қайта суғурталаш компанияси суғурта мукофотларини умумий тушумидаги ва суғурта копламаларини тўлашда ўз улушига эга. Пропорционал қайта суғурталаш шартномалари квотали, экцедентли ва квота–экцедентли шартномаларини ўз ичига олади.	portion of the losses and premium reinsurer shares with the ceding entity.
<b>Рискларни жойлаштириш</b>	1) суғурта манфаати туфайли юзага келадиган суғуртавий ҳуқуқий муносабатларнинг бошланиш жараёни. Рискларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи жойлаштириш, тенг равишда суғурталаш, қайта суғурталаш ва ретроцессияга тўғри келади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда рискларни жойлаштириш суғурта воситачилари орқали суғурта бозорида амалга оширилади; 2)	1) due to the benefit of the insurance or other legal process. The risk of primary, secondary, tertiary, insurance, reinsurance and to retrotion. Market-based economy, the risk in the insurance market through insurance intermediaries; 2) using an insurance broker at the same time the largest and most dangerous part of the risk method to insure more than one insurance company. A number

	суғурта брокери ёрдамида бир вақтнинг ўзида йирик ва хавфли рискларни қисмларга бўлиб, бир нечта суғурта компаниясида суғурталаш услуги. Бир қанча суғурта компаниялари таркибидан биттаси етакчи сифатида ажралиб чиқади ва у суғурта шартномасидаги шартларни маъқуллаб, рискнинг тегишли қисмини ўз жавобгарлигига олади.	of members were released as one of the leading insurance companies and approved the terms of the contract of insurance risk part of their responsibility.
<b>Рақобат</b>	суғурта компанияларининг суғурта бозоридаги ўз улушини эгаллаши учун ўзаро иқтисодий мусобақаси. Рақобат суғурталанувчи учун суғурта компанияларини танлаб олишларида кўмак беради. Рақобат суғурта хизматини кенгайтишида ва уларнинг сифатини ошишида муҳим аҳамиятга эга. Бир суғурта хизматини кўрсатаётган бир неча суғурта компаниялари рақобат шароитида мижозларни жалб этиш учун уларга суғурта шартномаларини тузишда, суғурта мукофотларини тўлашда ва суғурта қопламаларини қисқа муддатларда тўлашда имконият яратади.	Insurance companies take their share of the market for economic competition. The competition will assist in the selection of the insurer for the insurance companies. Competition is increasing the quality of insurance services and the expansion of their importance. The conditions of competition in insurance services in a number of insurance companies to attract customers to their insurance contracts, payment of insurance premiums and the payment of insurance covering short term opportunities.
<b>Ретроцедент</b>	қабул қилиб олинган қайта суғурталаш рискин ретроцессияга (иккинчи қайта суғурталаш) берувчи суғурта ёки қайта суғурталовчи компания	received from reinsurance Risk ( reinsurance ) , insurance or reinsurance company
<b>Ретроцессионарий</b>	ретроцедентдан рискни қабул қилиб олувчи қайта суғурталовчи компания.	from retrotsedent risk receiving reinsurance company.
<b>Ретроцессия</b>	1) қайта суғурталашга илгари қабул қилиб олинган рискларни яна қайта суғурталашга бериш; 2) рискларни учламчи жойлаштириш	had received more risks for reinsurance; 2) the risk of tertiary
<b>Риск</b>	1) битта кутилаётган ҳодиса бўйича хавфнинг юзага келиши. Риск тушунчаси кўринишларининг хилма-хиллиги, уни содир бўлиши натижасида юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, рискни рўй бериши сабабли пайдо бўлган зарарларни мутлоқ тугатишни имконияти бўлмаганлиги суғурта	The likelihood that an insured event will happen while the policy is in place. For example, in life and health insurance, risk is typically the likelihood that the person insured will die, be injured or get sick. A measure of the possibility that the future may be surprisingly different

	<p>ишини ташкил этиш учун асос яратади. Шундай қилиб, риск суғуртавий ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Риск-рискли ҳолатларнинг ягоналик ва ўзаро алоқадорлик йиғиндисидир. Суғурта фанида риск тушунчасига турлича тарифлар берилган. Жумладан, риск-бу конкрет ҳодиса ёки ҳодисалар йиғиндиси бўлиб, улар содир бўлган тақдирда суғурта компанияси қопламалар тўлайди. Риск суғурта объекти билан тўғридан тўғри боғланган. Объектга риск салбий таъсир кўрсатиб, уни шикастлаши ёхуд нобуд қилиши мумкин. Шу туфайли риск – бу ягона тасодифий ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши инсон онгига ёки иродасига боғлиқ эмас. Суғурта рискларининг рўйхати суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги ҳажмини ташкил этади. Риск баҳосининг пулдаги ифодаси суғурта тариф ставкасини ташкил этади; 2) суғурта объекти: 3) суғурта жавобгарлигининг тури.</p>	<p>from what we expect. Downside risk of loss and upside risk of gain.</p>
<b>Риск менежменти</b>	<p>рискни камайтириш ёки чегаралаш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган ҳаракати. Риск менежментининг таркибий элементига қуйидагилар киради: рискни аниқлаш, рискни баҳолаш, рискни назорат қилиш ва рискни молиялаштириш</p>	<p>A discipline for dealing with the possibility that the future may be surprisingly different from what we expect (see Strategic risk management). Management of the pure risks to which a company might be subject. It involves analyzing all exposures to the possibility of loss and determining how to handle these exposures through practices such as avoiding the risk, retaining the risk, reducing the risk, or transferring the risk, usually by insurance</p>
<b>Рискли ҳолатлар</b>	<p>риск даражасига таъсир қилувчи омиллар. Суғурталанувчига маълум бўлган барча рискли ҳолатлар суғурта компаниясига хабар қилинади. Бу рискни баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Рискли ҳолатларни таҳлил этиш сюрвейер</p>	<p>A thorough examination of the exposures of the nonprofit, both insurable and uninsurable</p>

	ёки аджастернинг функциясига киради. Бу суғурта компаниясини суғурта шартномасини тузиш ёки тузмаслик масаласи бўйича қарор қабул қилишида ҳамда суғурта қопламалари ва суммаларини тўлашда муҳим ўрин тутди. Рискли ҳолатлар: шахсий ва ашёвий; тўғри ва эгри; тасдиқланадиган ва инкор қилинадиган: объектив ва субъектив турларга бўлинади.	
<b>Рискларни танлаш</b>	суғурта шартномасини тузиш бўйича мижозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Рискларни танлаш – бу риск менежмент соҳасида олиб бориладиган чора – тадбирларнинг бир қисмидир.	Analysis of proposals received from customers on the conclusion of the contract of insurance activities of the insurance company. The risk of the formation of a balanced insurance portfolio of the insurance company is important to practical use of the phrase. Insurance risk selection syurveyerlar work in practice. Risk selection is conducted in the field of risk management measures is a part of.
<b>Рискни баҳолаш</b>	риск параметрларини характерловчи барча рискли ҳолатларни натура ва қиймат кўринишида таҳлил этиш. Энг аҳамиятли белгисига қараб тегишли рисклар гуруҳи ажратилган ҳамда у рискни баҳолаш мезони ҳисобланади. Масалан, шахсий суғурта шартномасини тузишда инсоннинг ёшига эътибор берилади. Суғурта шартномаси тузилган моментдан, суғурталанувчининг ўлимига ёки ногирон бўлиб қолишига олиб келувчи хавfli касалликларни аниқлаш мақсадида мижоз кўшимча равишда дастлабки тиббий текширувдан ўтказилиши мумкин.	A thorough examination of the exposures of the nonprofit, both insurable and uninsurable
<b>Суғурта мукофотлари захираси</b>	хаётни ва нафақани узок муддатли суғурталаш бўйича тўловларни олдиндан тўлаш учун суғурта компаниясида ташкил этиладиган фонд. Бу фонд суғурта	Amount of insurance purchased vs. the actual replacement cost of the insured property expressed as a ratio.



	<p>операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда суғурталовчи зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда муҳим ўрин тутлади. Ҳаёт суғуртаси шартномалари, одатда, бир неча йилга тузилади. Суғурта мукофтларини келиб тушиш ва суғурта суммасини тўлаш вақтлари ўзаро тўғри келмаганлиги учун, суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофоти маълум вақт мобайнида унинг ихтиёрида бўш холда бўлади. Келиб тушган суғурта мукофотларининг бир қисми жорий тўловлар учун сарфланади, қолган қисми эса заҳира фондини шакллантириш учун йуналтирилади. Узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича заҳира фондининг маблағлари кредит ресурси сифатида фойдаланилиши мумкин.</p>	
<b>Суғурта заҳиралари</b>	<p>суғурта суммаларини тўлашни кафолатлаш мақсадида суғурта компаниялари ташкил этган фондлар. Агар, маълум бир вақтда суғурта қопламаларини тўлаш учун жорий суғурта мукофотлари етмаса, суғурта компанияси заҳира фондларидан фойдаланиши мумкин. Суғурта заҳираларига қуйидагилар киради: ҳаётни суғуртаси бўйича заҳира фондлари, рўй берган, аммо арз қилмаган зарарларни қоплаш заҳиралари ва бошқалар. Ушбу заҳира фондларининг маблағлари вақтинча бўш бўлгани учун инвестиция мақсадларида фойдаланилиши мумкин. Бунинг натижасида суғурта компанияси қўшимча даромад олади.</p>	<p>In order to guarantee the payment of the sum insured of insurance companies assets. If, at a certain time does not pay insurance premiums for insurance coverage, the insurance company may use the reserve fund. Insurance reserves include the following: life insurance reserve funds to cover losses occurred but did not complain reserves and others. The reserve fund may be used for investment purposes. As a result, the additional income from the insurance company.</p>
<b>Суғурта полиси</b>	<p>суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал</p>	<p>The document confirming the fact of the insurance contract is designed. The insurance policy must have the following requisites: the insurance company's legal address, the name of the insurer, the insurance objects, the amount</p>

	<p>қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.</p>	<p>of insurance premiums, the contract is valid. The payment of insurance compensation insurance policy , the insurance company is required to provide</p>
<p><b>Суғуртада тариф сиёсати</b></p>	<p>суғурта операцияларини зарарсиз ўтказилишини ва суғурталанувчиларнинг манфаати йўлида суғурта тарифларини белгилаш, аниқлаш, тартибга солиш ва табақалаштириш бўйича суғурта компаниясининг мақсадли йўналтирилган фаолияти. Суғуртада тариф сиёсати қуйидаги асосий принципларга асосланади:</p> <p>1. Нетто–мукофотлар ва суғурта қопламаси ўртасидаги эквивалентлик. Ҳар бир суғурта тури бўйича нетто–ставка зарарларнинг эҳтимол тутилган миқдорига максимал даражада тўғри келиши зарур.</p> <p>2. Суғурталанувчиларнинг асосий қисми учун суғурта тарифи миқдорининг қулайлиги. Тариф ставкаларини юқори даражада белгиланиши суғурта ишини ривожланиши учун тўсик бўлади.</p> <p>3. Суғурта тарифи ставкаларининг барқарорлиги. Агар узоқ йиллар мобайнида тариф ставкалари ўзгармаса, бу ҳолат суғурталовчининг нуфузини оширади. Суғурта суммаларининг зарарлилик кўрсаткичи камайса, суғурталанувчиларнинг манфаати учун суғурта тарифи ставкасини ўзгартирмасдан жавобгарлик ҳажмини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.</p> <p>4. Суғурта операцияларининг рентабеллигини таъминлаш.</p>	<p>conduct safe operations of insurance and reinsurance of determining the tariff for the benefit of insurance regulation and diversification of the insurance company's target - oriented activities . Tariff policy of insurance with the following basic principles:</p> <p>1. Netto equivalence between premiums and insurance coverage. Each type of insurance at the rate of net - maximum possible amount of damages.</p> <p>2. The amount of the insurance tariff for the main part of the insurance benefit. Establish a high level of tariff rates will be an obstacle for the development of the insurance business.</p> <p>3. The stability of the insurance tariff rates. If the tariff rates change over the years, the reputation of the insurer in this case. The loss of the sum insured for the benefit of declining insurance is desirable to increase the amount of liability insurance tariff rate unchanged.</p> <p>4. To ensure the profitability of insurance operations.</p>
<p><b>Сиёсий риск</b></p>	<p>давлат органларининг ҳатти–ҳаракати ёхуд уюшган шахслар гуруҳининг сиёсий талаб бўйича чиқиши натижасида вужудга келадиган хавф. Сиёсий рискга уруш ҳаракатлари, сиёсий ҳокимиятнинг ёки тузумнинг ўзгариши, қонун ҳужжатларидаги</p>	<p>State authorities regarding the movement of persons or organized group of political risks arising as a result of the demand. The political risk of war, acts of political authority or regime change, changes in legislation, as well as media</p>

	<p>ўзгаришлар, фуқароларнинг оммавий чиқишлари ва иш ташлашлари, миллийлаштириш, конфискация киради. Сиёсий риск рўй берган вақтда суғурта компанияси жавобгарликдан озод бўлади. Чунки сиёсий рисклар, фақат, давлатга қарашли махсус суғурта компаниялари томонидан суғурталаниши мумкин.</p>	<p>outlets and strikes, nationalization, confiscated . Time of political risk insurance company from liability. Because of the political risk, the only state - owned insurance companies can be insured.</p>
<p><b>Суғурта портфели</b></p>	<p>суғурта компаниясига келиб тушган суғурта мукофотларининг йиғиндиси. Суғурталанган объектлар сони, суғурта шартномаларининг миқдори ҳам суғурта портфели тушунчасини англатади. Чет мамлакатлар суғурта амалиётида ушбу ибора ишлаб топилган суғурта мукофотининг ҳажми тушунчасига тўғри келади.</p>	<p>the sum of the premiums received by the insurance company . The number of insured objects, the concept of the amount of the insurance portfolio of the insurance contract. Foreign insurance practice this technique corresponds to the concept of earned insurance premiums.</p>
<p><b>Суғурта далолатномаси</b></p>	<p>суғурта ходисаси рўй берганда суғурта компанияси томонидан тузиладиган ҳужжат. Далолатномада мол–мулкнинг зарарланиш ёхуд нобуд бўлиш сабаблари, кўрилган зарар миқдори ва бошқа кўрсаткичлар бўлади. Далолатномага, зарур ҳолларда суғурта ходисаси ва мол–мулкнинг зарарланганлигини тасдиқловчи тегишли ташкилотларнинг (ёнғинга қарши кураш, давлат автомобиль назорати, қишлоқ хўжалиги, ветеринария хизмати ва бошқалар) ёзма ҳулосаси илова этилади. Халқаро суғурта муносабатларида суғурта далолатномасини аджастер тузади ва моҳиятан авария сертификатига яқинлашади</p>	<p>the document concluded by the insured event occurs the insurance company. The act of property damage or loss, which is why the amount of losses and other indicators. Act, if necessary, confirming the accident and property damage insurance organizations (fire, police, agriculture, veterinary services, etc.) will be attached to the written report. International insurance relations form the Insurance Act adjecter and in fact closer to the certificate of accident</p>
<p><b>Суғурта мукофот</b></p>	<p>суғурта мукофотининг миқдори суғурта суммасига нисбатан фоизларда аниқланади. Суғурта мукофотининг миқдори аниқ суммаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, автомобиль эгаларининг учинчи шахсга зарар келтириш фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида суғурта мукофоти аниқ пул бирлигида кўрсатилади</p>	<p>The amount is determined by the percentage of the insurance premiums. The amount of the insurance premium amount can also be expressed . For example, damage to the transport owners ' civil liability insurance insurance premium is clearly displayed in the monetary unit.</p>

<p><b>Суғуртавий фойда</b></p>	<p>суғурта хизматининг баҳоси ва таннархи ўртасидаги фарқ. Суғуртавий фойда суғурта операцияларини амалга ошириш натижасида шаклланади. Суғуртавий фойда баланс услуби асосида суғурта мукофотлари тушуми ва суғурта операциялари таннарини ўзаро таққослаш натижасида аниқланади. Суғурта операцияларининг таннархи бу, суғурта компаниясининг суғурта ҳимоясини таъминлашга қаратилган тўғри ва эгри, (шу жумладан заҳира фондларига ажратмалар) харажатларнинг йиғиндисидир. Одатда, суғурта тарифини ҳисоблашда нетто–ставка юкламада фойда улуши ҳам кўрсатилади. Шаклланиш манбаига кўра, ҳақиқатдаги суғуртавий фойда ўз ичига қуйидаги фойда турларини олади: суғурта суммаси зарарлик кўрсаткичини камайтиришдан олинган фойда, бошқарув харажатларини иқтисод қилиш натижасида олинган фойда, инвестициядан олинган фойда ва суғурта тарифида белгиланган фойда.</p>	<p>the difference between the price and the cost of insurance services. Insurance benefit as a result of the implementation of the insurance operations are formed. Insurance benefit balance method on the basis of insurance premiums and the result of the comparison between the cost of the insurance operations. The cost of this insurance operations, the insurance company to provide insurance protection Direct and indirect (including reserve funds), the sum of the costs.</p>
<p><b>Суғурта пули</b></p>	<p>суғурта мажбуриятини бажариш ҳамда суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ўзаро келишган ҳолда бир қанча суғурта компанияларининг ихтиёрий уюшмаси. Суғурта пули, асосан, хавфли, йирик объектларни суғурталаш мақсадида ташкил этилади. Ҳар қайси компания ўз суғурталанган рискни пулга беради ва бунинг учун, пул орқали йиғилган суғурта мукофотларининг бир қисмини олади. Олинган суғурта мукофотлари ҳажмида суғурта копламасини тўлаш бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олади. Хорижий мамлакатларда авиация, атом, ҳарбий рискларни</p>	<p>liability insurance, as well as the status of a legal entity in order to ensure the financial stability of the insurance operations, without being able to agree on a number of insurance companies are willing union. Foreign countries, aerospace, nuclear, defense - risk insurance for the insurance money.</p>

	суғурталаш учун суғурта пули ташкил этилган.	
<b>Суғурта объекти</b>	шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти: мулкый суғуртада бинолар, қурилмалар, транспорт воситалари, уй–жой мулки, ташиладиган юклар ва бошқа моддий бойликларни сақлаш билан боғлиқ манфаатлар; жисмоний ёки юридик шахснинг ўз ҳагги–ҳаракати билан унинг шахсга зарар келтириш фуқаролик масъулияти – масъулиятни суғурталашда суғурта объектлари бўлиб ҳисобланади. Рискни баҳолаш мақсадида суғурта объекти суғурта компаниясининг мутахассислари томонидан экспертиза қилиниши мумкин.	personal insurance of citizens' life, health, work capacity: property insurance for buildings equipment , transport, residential property, cargo and other benefits related to the material values; natural or legal person to hurt a person with his own behavior of civil liability - liability insurance sectors. In order to assess the risk of insurance can be an object of examination by experts of the insurance company.
<b>Суғурта шартномаси</b>	икки томонлама ёзма равишдаги битим бўлиб, бунда суғурта компанияси суғурта ҳодисаси туфайли зарар кўрилганда суғурталанувчига суғурта қопламаси ёки суғурта суммасини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқлаш учун суғурталовчи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта шартномасини тузишдаги асосий, оддий ва қўшимча шартлар суғурта шартномасининг мазмунини ташкил этади.	mutual written agreement of the loss as a result of which the insurance company accident insurance coverage or pay the amount of insurance Insured, the insurer is obliged to pay the insurance premium in time . Insurance contract is designed to confirm the extent of insurance policy the insurer Insured.
<b>Суғурта</b>	ҳар хил ноҳуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳамда фуқароларнинг ҳаётида тегишли суғурта ҳодисалари рўй берганда уларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ (мақсадли пул фондлари) иқтисодий муносабатлар йиғиндиси. Ўтказиш шартига қараб, суғурта мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Объектига кўра, мулкый, шахсий ва жавобгарлик	Traditional risk-financing tool used to transfer the financial hazard of risk. An insurance policy spells out what is or is not covered caused by all or specific perils (causes of damage or injury). Insurance is also a contract whereby an organization agrees to indemnify another and/or to pay a specified amount for covered losses in exchange for a premium. For many nonprofits,

	суғуртасига бўлинади. Суғуртанинг асосини риск ташкил этади. Суғурта – бу рискни тақсимлаш усулидир	insurance provides the funds to pay for the nonprofit's unexpected losses of people, property and income, while ultimately keeping the organization in operation.
<b>Суғурталанувчи</b>	қонун асосида ёки икки томонлама шартнома асосида суғурта компанияси билан фуқоралик–хуқуқий муносабатларга кирувчи юридик ёки жисмоний шахс. Суғурталанувчи учинчи шахс фойдасига суғурта шартномасини тузишга ҳақли. Суғурталанувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шарт. Суғурта шартномасини тузиш жараёнида суғурталанувчи суғурта объектига тааллуқли бўлган барча маълумотларни суғурта компаниясига маълум қилиши шарт.	The person or organization covered by an insurance policy. party(ies) covered by an insurance policy
<b>Суғурта қопламаси</b>	мулкий суғуртада ва суғурталанувчининг учинчи шахс олдида фуқаролик жавобгарлигини суғуртасида зарарни қоплаш учун суғурта фондидан тўланадиган пул маблағи. Суғурта қопламаси суғурта суммасига тенг ёки ундан кам бўлиши мумкин. Суғурта ҳодисаси рўй берганлик ҳолати ва шакли бўйича аджастер ёки авария комиссарининг ҳулосаси суғурта компанияси томонидан суғурта қопламаси тўланишида асос бўлиб хизмат қилади	Insurer for property insurance and in front of a third party civil liability insurance for the damage amount of money paid to the insurance fund . May be less than or equal to the amount of insurance indemnity insurance.
<b>Суғурта манфаати</b>	суғуртада моддий манфаатдорлик чораси. Суғурта ҳодисаси рўй бериши натижасида суғурталанувчига моддий зарар келтирувчи предметлар – мол–мулк ёки суғурталанувчининг учинчи шахсга зарар келтириш ҳолатлари. Масалан, суғурталанувчининг автомобиль транспорти йўл–транспорт ҳодисалари туфайли шикастланганда, суғурталанувчида ушбу мулкка нисбатан манфаатдорлик юзага келади ва суғурта моддий манфаатдорлик чораси сифатида майдонга чиқади.	a measure of a material interest in insurance. As a result of the insurance event Insured material harmful objects - cases of damage to the property or a third party insurer. For example, the insurer transport damaged due to road traffic accidents, this property Insured interest income as a measure of insurance and financial interest.

<b>Суғурта йиғими</b>	Жисмоний шахсинг йўловчиларнинг мажбурий суғурта бўйича бир марта тўланадиган суғурта мукофоти. Одатда, суғурта йиғими йўл ҳақи таркибида бўлади ва чиптада суғурта йиғими «киритилган» деган сўз бўлади	Physical person, one time payment of insurance premiums on compulsory insurance of passengers. Typically, the insurance fee structure of the salary and term insurance fee is included in the ticket.
<b>Слип</b>	рискни характерловчи хужжат. Слип суғурта брокери томонидан тузилади ва андеррайтерга берилади. Слипда суғурта компаниясининг рискни суғурталашдаги ҳиссаси кўрсатилади. Англияда слип суғурта полисига тенглаштирилади. Айрим ҳолатларда слип суғурта қопламасини тўлашда асосий хужжат ҳисобланади	risk that characterizes the document. Slip formed by insurance brokers and underwriters. Slip the insurance company risk insurance contributions. England slip the insurance policy expired. In some cases , the payment slip insurance document
<b>Суғурта компанияси</b>	суғурта шартномасини тузиш ва унга хизмат қилишни амалга оширувчи, суғурталанувчи билан ҳуқуқий муносабатда бўлувчи юридик шахс. У ўз Низоми асосида фаолият юритувчи мустақил хўжалик субъектидир. Тегишли иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи суғурта компанияларининг йиғиндиси суғурта тузимини ташкил этади. Суғурта компаниялари бажарадиган суғурта операцияларига кўра, улар универсал ва ихтисослашган бўлади. Устав капитали миқдори ҳамда келиб тушган суғурта мукофотлари ҳажмига мувофиқ, суғурта компанияларини йирик, ўрта ва кичик гуруҳларга бўлиш мумкин.	Carrying out an insurance contract and related legal person your legal relationship with the insurer. It operates on the basis of the Charter of independent businesses. The economic environment, the sum of the insurance companies operating in the insurance implicit. According to the insurance operations carried out by insurance companies, they are universal and specialized. The amount of the authorized capital and in accordance with the amount of insurance premiums received by insurance companies to large, medium and small groups can be.
<b>Суғуртавийтиб биёт</b>	турли касалликлардан мажбурий суғуртани назарда тутувчи соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш шакли. Суғуртавийтиббиёт бўйича суғурта фонди ишчи–ҳодимларнинг иш ҳақидан, тадбиркорларнинг фойдасидан, давлат дотацияси ҳисобидан ҳамда хайр–эҳсон фондларининг мажбурий ажратмаси ҳисобидан шаклланади. Суғуртавий тиббиёт бўйича суғурталанган контингентга тиббий суғурта	Insurance coverage sold on an individual or group basis to help fill the "gaps" in the protections granted by the federal Medicare program. This is strictly supplemental coverage and cannot duplicate any benefits provided by Medicare. It is structured to pay part or all of Medicare's deductibles and co-payments. It may also cover some services

	полиси берилади. Суғурталанувчига тиббий суғурта полиси бўлган тақдирда тиббий хизмат кўрсатилади. Бунда тиббий суғурта компанияси, бир томондан суғурталанувчилар билан, иккинчи томондан тиббиёт муассасалари билан шартнома тузади.	and expenses not covered by Medicare. Also known as "Medigap" insurance.
<b>Суғурта баҳоси</b>	суғурталаш мақсадида аниқланадиган мол–мулкнинг қиймати. Амалиётда мол–мулклар ҳақиқий қиймати, бозор қиймати ва бошқа қийматлар воситасида баҳоланади. Зарур ҳолларда суғурта баҳосини тўғри ҳисоблаш учун малакали экспертлар жалб этилади. Суғурта баҳоси тўғрисидаги ҳақиқий маълумот таъриф ставкаси ва суғурта мукофоти миқдорини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчиликка биноан, суғурта суммаси мол–мулкнинг суғурта баҳосидан ошиб кетмаслиги зарур	In practice, the actual value of the property, the market value and the other values are evaluated by means of. Necessary for calculating the value of insurance to attract qualified experts. Described information on the cost of insurance is important in determining the rate and amount of insurance premiums. According to the current legislation, the insured amount should not exceed the cost of property insurance.
<b>Суғурта тизими</b>	1) турли хил суғурта компаниялари ва уларни суғурта назорати билан алоқадорлигини йиғиндиси: 2) суғурта ҳуқуқий муносабатларни ташкил этишнинг давлат – ҳуқуқий шакли.	1) different insurance companies and their involvement in the supervision of the insurance sum: 2) the organization of legal relations in the insurance legal form.
<b>Суғурта суммаси</b>	суғурта манфаати ва суғурта рискига мос келувчи пул маблағи. Халқаро амалиётда суғурта суммаси суғурта қопламаси дейилади. Суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофоти аниқланади ва суғурта қопламаси тўланади. Суғурта суммаси ибораси, кўпроқ, шахсий суғуртада – фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғини суғурталашда ишлатилади.	With international practice, the insurance amount of insurance coverage is called. Compared to the amount of insurance paid insurance indemnity and insurance Winner is determined. The expression amount of insurance, insurance of citizens ' life and health insurance.
<b>Суғурта майдони</b>	суғуртага тортилиши зарур бўлган объектларнинг энг катта сони. Айрим экспертлар ҳулосасига кўра, Ўзбекистонда суғурта майдони ҳали тўла ўзлаштирилмаган. Фақат мол–мулкларнинг 20–30 фоизигина суғуртага тортилган.	insurance area, which required the largest number of objects . According to some experts, the insurance is still completely in Uzbekistan undeveloped. Only 20-30% of the property insurance measure.
<b>Суғурта суммасининг</b>	суғурта суммаси ва суғурта қопламаси тўлови ўртасидаги	That characterizes the ratio between the sum insured and



<b>зарарлилиги</b>	<p>нисбатни характерловчи иқтисодий кўрсаткич. Бу кўрсаткич зарар миқдори эҳтимоллигини кўрсатади ва ундан рискни ўзгариши устидан назорат ўрнатишда фойдаланилади. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади: суғурталанган объектлар сони ва уларнинг суғурта суммаси, суғурта ходисаларининг сони, зарар кўрган объектлар сони ва суғурта қопламаси. Суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи нетто–ставка тузилишига қараб ҳар бир суғурта тури ёки жавобгарлик тури бўйича аниқланади. Агар зарарлилик кўрсаткичи нетто–ставкага яқинлашса ёки ундан ошиб кетса, бу ҳолда суғурта суммасининг зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада эканлигидан далолат беради</p>	<p>the insurance payment pavement economic indicators. This figure indicates the likelihood of the amount of damage and to establish control over the change in risk.</p>
<b>Суғурта ҳуқуқи</b>	<p>суғурталовчилар, суғурталанувчилар ва улар ўртасидаги воситачиларнинг ҳатти–ҳаракати қоидалари йиғиндиси. Суғурта ҳуқуқи қонун ва қонун ҳужжатларида ўз аксини топади. Суғурта ҳуқуқи молиявий ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади</p>	<p>insurers, insurance intermediaries between them and the sum of the rules of behavior . Insurance rights are reflected in the laws and legislation. Insurance Law is part of the financial law</p>
<b>Суғурта ҳодисаси</b>	<p>стихияли, табиий ёки олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа–ҳодисаларнинг амалда юз бериши. Суғурта ҳодисаси юзага келган зарар суғурта компанияси томонидан шартномага мувофиқ қопланади. Мулкий суғуртада суғурта ҳодисаси дейилганда, стихияли ҳодисалар, ёнғин, авария, портлаш, zilzila, довул ва бошқалар тушунилади. Шахсий суғуртада эса суғурта ҳодисасига фуқароларнинг маълум бир муддатгача яшаши, уларнинг ҳаётида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши ёки ўлими киради. Халқаро амалиётда суғурта ҳодисаси баъзан «форс–мажор» деб юритилади.</p>	<p>coverage for financial loss because of the cancellation or postponement of a specific event due to weather or other unexpected cause beyond the control of the insured. To qualify for a particular policy at a particular price, companies have the right to ask for information about health and lifestyle. An insurance company will use this information - the evidence of insurability - in deciding if your application for insurance is acceptable and at what premium rate.</p>
<b>Суғурта</b>	<p>иншоотларни ёниш даражасини,</p>	<p>buildings burning level , the</p>

<b>ходисалари частотаси</b>	транспорт воситаларини авария бўлиш даражасини, аҳоли ногиронлиги даражаси ва шунга ўхшаш даражаларни ифодаловчи кўрсаткич. Суғурта ходисалари сонини суғурта қопламалари миқдорига ёки суғурталанган объектлар миқдорига нисбати суғурта ходисалари частотасини аниқлайди.	level of emergency transports , people with disabilities and expressing similar levels to the level of the indicator . The number of insurance events or the amount of insurance coverage for the insured items are determined by the frequency of the events of the ratio of the amount of insurance.
<b>Суғурталовчилар уюшмаси</b>	суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш, уюшма аъзоларининг манфаатини давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижроия органлари олдида ҳимоя этиш ҳамда маҳаллий суғурта компаниялари ва хорижий суғурта компаниялари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкил этиладиган суғурта компанияларининг уюшмаси. Бунга ўзаро суғурталаш жамиятларини халқаро уюшмасини, техник рискларни суғурталовчи компаниялар иттифоқини, Буюк Британия суғурталовчилар уюшмасини мисол келтириш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда суғурталовчилар уюшмаси ташкил этилмаган. Фақат, автосуғурталовчилар иттифоқи фаолият кўрсатмоқда	insurance regulation, the members of the union state 's legislative and executive authorities to protect the interests of domestic insurance companies and foreign insurance companies to be established in order to establish mutually beneficial relationships between the Association of insurance companies.
<b>Суғурта қопламаси лимити</b>	суғурта компаниясининг филиали, бўлими, шуъба корхонаси томонидан битта суғурта ходисаси бўйича мустақил тўланадиган суғурта қопламасининг энг юқори миқдори. Бу миқдорни суғурта компанияси бошқаруви жойлардаги суғурта суммасининг зарарлилик даражасидан, кадрларнинг малакасидан ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда белгилайди	highest amount is branch office of the insurance company , by a subsidiary of an insurance event , an independent insurance coverage and paid the.
<b>Суғурталовчининг жавобгарлик лимити</b>	тузилган суғурта шартномасидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган суғурта компаниясининг мумкин бўлган энг юқори даражадаги жавобгарлиги. Суғурталовчининг жавобгарлик лимити суғурта	highest levels of responsibility is the insurance contract , the insurance company may be established based on the limit of liability reflected in the insurance policy of the insurer.

	полисида ўз аксини топади.	
<b>суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари</b>	кунунчилик ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис хужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиял ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс	the legislative and the insurer (insurance broker), in accordance with the established in accordance with the labor contract as a result of the appointment or election of the insurer (insurance broker) which is the sole executive body or the insurer (insurance broker) over the collegial executive body of the individual.
<b>суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери</b>	суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштиришни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс	the insurer (insurance broker) carrying out the functions of accounting and financial management, accounting organization, as well as material and financial resources, to ensure control over the use of frugal person
<b>Сюрвейер</b>	суғуртага тортиладиган мол–мулкни кўриқдан ўтказувчи суғурта компаниясининг ходими. Суғурта компанияси сюрвейернинг хулосаси асосида суғурта шартномасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Чет эл амалиётида ёнфин хавфсизлигини таъминловчи ихтисослашган фирмалар, меҳнат муҳофазаси бўйича ташкилотлар сюрвейер функциясини бажаради.	insurance company employee examination of the taxable property insurance. Syurveyerning the company decided on the basis of the conclusion of the insurance contract. The practice of foreign companies specializing in providing fire safety, occupational safety organizations perform the function of syurveyer.
<b>Тариф ставкаси</b>	суғурта рискин бахоси; суғурта суммасига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган брутто–ставка. Тариф ставкаси (брутто–ставка) икки қисмдан иборат: нетто–ставка ва нетто–ставкага юклама. Нетто–ставка суғурта компаниясининг суғурта фондидан қиладиган харажатларини ифодалайди. Нетто–ставкага юклама суғурта компаниясининг иш юритиш харажатларини, комиссия ҳақини ва бошқа харажатларини ўз ичига олади. Шахсий суғурта бўйича	Insurance Risk price; which is a percentage of the insurance gross - rate. Rate (gross - rate) consists of two parts: net - rate and the rate of net - load. Net rate represents the cost of the insurance company that the insurance fund.

	тариф ставкаси мол–мулк суғуртасининг тариф ставкасидан кескин фарқ қилади. Ҳаёт суғуртасидаги тариф ставкаси ҳаётийлик жадвали ва даромад нормасига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади	
<b>Эҳтимоллар назарияси</b>	тасодифий ҳодисаларнинг эҳтимоллиги бўйича ўзаро алоқада бўлган бошқа ҳодисаларнинг эҳтимоллигини аниқлаш билан боғлиқ математика фани. Эҳтимоллар назарияси асосида тасодифий ҳодисаларнинг руй бериш эҳтимоллиги катта ёки кичик эканлиги аниқланади. Эҳтимоллар назарияси актуар ҳисоб–китобларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади	the probability of random events related to the bilateral relations with the other to determine the likelihood of events in mathematics . The theory of probability based on the probability of random events as a reaction to that it is big or small.
<b>Қайта суғурталаш</b>	суғурталашга рискни қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш); суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш).	insurance risk associated with the system of economic relations. According to the reinsurance operations of insurance companies, as well as specialized reinsurance companies.
<b>Қайта суғурталовчи брокер</b>	иккита суғурта компанияси ўртасидаги профессионал воситачи	two insurance company between professional intermediary.
<b>Қайта суғурталовчи</b>	суғурта брокери ёрдамида қайта суғурталаш учун рискни қабул қилиб оладиган жисмоний ёки юридик шахс. Қайта суғурталовчи ёрдамида рискни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради.	Insurance broker reinsurance for risk acceptance that an individual or a legal entity.
<b>Факультатив</b>	пропорционал қайта суғурталаш	Optional insurance is a risk

<b>қайта суғурталаш</b>	шартномасининг тури. Факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилаётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.	given on a separate contract. Proportional reinsurance contract.
<b>Факультатив облигатор шартномаси</b>	цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискни бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси	tsedent reinsurance agreement with any of the categories of insurance risk to the reinsurance contract of insurance is that it is obliged to accept them
<b>Франшиза</b>	суғурта шартномаси шартларида кўзда тутилган суғурталовчининг зарарни қоплашдан озод этиладиган қисми. Франшиза суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланадиган шартли ва шартсиз франшизаларга бўлинади. Шартли франшизада суғурталовчи белгиланган франшиза суммасидан ошмайдиган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этилади. Бу ҳолда, агар кўрилган зарар миқдори франшиза суммаси миқдоридан ошиб кетса, суғурта компанияси зарарни тўлиқ қоплайди. Шартсиз франшизада кўрилган зарар франшиза суммасидан чегирилиб қопланади.	Portion of the insured loss (in dollars) paid by the policy holder. Amount of loss that the insured pays before the insurance kicks in. The amount the insured must pay in a loss before any payment is due from the company
<b>Фрахт</b>	денгиз ёки ҳаво йўллари орқали юкни ташишда тўланадиган ҳақ. Ушбу ҳақ тариф ёки юкни ташиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўзаро келишилган нарх асосида тўланади. Денгиз суғуртасида юкларни ташишда фрахт полиси ёзилади ва фрахт қилувчига берилади.	the paid is by sea or air transportation of cargo . This is the truth or a mutual agreement on cargo transportation tariffs are paid on the basis of the agreed price.
<b>Фронтлаштирувчи компания</b>	бошқа суғурта компаниясининг илтимосига кўра, ўз номидан суғурта полиси берувчи суғурта компанияси. Фронтлаштирувчи суғурта компанияси қабул қилиб олинган рискни юз фоиз миқдорида илтимос қилган суғурта компанияси	the other insurance company in front request of, the insurance policy in the name of their insurance company .

	хисобига ўтказида ва бунинг учун ундан комиссия ҳақ олади.	
<b>Фронтинг</b>	қабул қилиб олинган рискни тегишли комиссия ҳақи эвазига тўлалигича бошқа суғурта ёки қайта қайта суғурталовчи компанияларига бериш.	an arrangement in which a primary insurer acts as the insurer of record by issuing a policy, but then passes the entire risk to a reinsurer in exchange for a commission. Often, the fronting insurer is licensed to do business in a state or country where the risk is located, but the reinsurer is not.
<b>Цедент</b>	рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади.	to insurance companies carrying out the risk of the secondary placement, the risk reinsurance. Secondary tsedent called retrosedent.
<b>Цессия</b>	1) суғурта рискни қайта суғурталашга бериш жараёни. Цедент ва қайта суғурталовчи ўртасидан ҳуқуқий муносабатларда ишлатилади. 2) Хориж амалиётида цедентнинг олинган суғурта мукофоти маъносини билдиради.	1) insurance risk to reinsurance process. Tsedent and legal relationship between the insurer. 2) Foreign practice means tsedent's insurance premiums.
<b>Шомаж</b>	суғурта ходисаси рўй бериши натижасида ишлаб чиқаришни тўхтаб қолиши билан боғлиқ фойда олмаслик рискни суғуртаси.	As a result of an insurance event associated with the stop of production can not benefit from risk insurance.
<b>Экспедент риски</b>	мазкур тоифадаги риск бўйича зарарни қайта суғурталаш тўғрисидаги келишув.	this category of risk of loss reinsurance agreement.
<b>Экспедент зарари</b>	нопропорционл қайта суғурталаш шакли. Бунда цедентга ўз зиммасида ушлаб қолинган зарардан ошган қисми қайта суғурталовчи компания томонидан қопланади.	nonproportional form of reinsurance. At the same time, part of the increased harm to tsedent at your own risk covered by the insurance company.
<b>Ўзаро суғурталаш жамияти</b>	фойда олишни кўзламайдиган ноижорат шаклидаги суғурта компанияси. Суғурта қилишнинг ташкилий шакли. Ўзларининг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоялаш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий битим асосида бирлашуви. Ўзаро суғурталаш жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ҳар бир суғурталовчи ушбу жамиятнинг аъзоси бўлади. АҚШ ва Японияда	Companies with no capital stock, and owned by policyholders. The earnings of the company--over and above the payments of the losses, operating expenses and reserves--are the property of the policyholders. There are two types of mutual insurance companies. A nonassessable mutual charges a fixed premium and the policyholders

	<p>асосан, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи компаниялар ўзаро суғурталаш жамияти шаклидадир. Ҳозирги пайтда Японияда ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳаётни суғурталаш бозорининг 89,4%ни ташкил этади.</p>	<p>cannot be assessed further. Legal reserves and surplus are maintained to provide payment of all claims. Assessable mutuals are companies that charge an initial fixed premium and, if that isn't sufficient, might assess policyholders to meet losses in excess of the premiums that have been charged. A privately held insurer owned by its policyholders, operated as a non-profit that may or may not be incorporated.</p>
--	--	--

## **VIII. Адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2012. – 496 б.
3. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Суғурта фаолияти тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2002, 4-5-сон, 68-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2008, 17-сон, 128-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2009, 16-сон, 197-модда.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 31 январ, ПФ-3022-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 10 апрел, ПҚ-618-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 10 апрел, ПҚ-872-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида. 1998 йил 8 июн, 286-сон. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1998 йил, 7-сон, 24-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 27 ноябр. 413-сон. / Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - Т.: 2002 йил 11-сон.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти**

#### **И.А.Каримовнинг асарлари.**

11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 88 б.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.:Ўзбекистон, 2009. – 30 б.
13. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. - Т.:Ўзбекистон, 2010. – 163 б.

### **IV. Асосий адабиётлар.**

14. Агеев Ш.Р., Васильев Н.М., Катърин С.Н. Страхование (теория, практика и зарубежный опыт). – М.: Экспертное бюро, 2009. – С. 497.
15. Архипов А.П., Гомелля В.Б. Основы страхового дела. Учебное пособие. – М.: “МаркетДС”, 2002. – С. 413.
16. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. М.: Финансы и статистика, 2006. – С. 250.



17. Белых В.С. Страхование право. – 3-е изд., перераб. и доп. М.: Норма, 2009. – С. 352.
18. Гражданское право / под ред. Е. Н. Суханова. – Т. 2. – М., 2009. – С. 496.
19. Манэс А. Основы страхового дела. – М.: Анкил, 2010. – С. 108.
20. Страхование: под ред. проф. Федоровой М.А. – М.: Издательство БЕК, 2002. – С. 746.
21. Сплетухов Ю.А. Страхование: Учебное пособие. М: ИНФРА-М, 2010. – С. 312.
22. Шинкаренко И.Э. Страхование ответственности: Справочник. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Анкил, 2011. – С. 308.
23. A.M. Best Company/ Understanding the Insurance Industry: An overview for those working with and in one of the world's most interesting and vital industries. CreateSpace Independent Publishing Platform (October 31, 2014). – 64 p.
24. Marshall Wilson III Reavis. Insurance: Concepts & Coverage. FriesenPress, 2012. – 96 p.
25. Peter Zweifel, Roland Eisen. Insurance Economics. Springer; 2012 edition (February 24, 2012). – 452 p.
26. Reggy de Feniks. Roger Peverelli. Reinventing Financial Services - What consumers expect from future banks and insurers. Pearson Education Benelux / Financial Times / Prentice Hall (August 6, 2011). – 335 p.

#### **V. Қўшимча адабиётлар:**

27. Грищенко Н.Б., Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. - М: Финансы и статистика, 2004. – 352 с.
28. Кудрявцев О.А. Банковское страхование: сотрудничество и конкуренция// Банковское дело, 2005. - №8. - С.44-48.
29. Мирсадыков М.А., Мирсадыков М.М. Страховые имущества: практическое пособие. – Т.: 2014. – 251 с.
30. Тукманова Д.П. Страхование финансовых рисков. Казань, 2002. – С. 152.
31. Умаров С.А., Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. – Т.: Фан, 2009. – 127 б.
32. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. - М.: БЕК, 2001. – С. 776.
33. Шахов В.В. Страхование. 4-е изд., перераб. и доп. - М., 2011. – С. 399.
34. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес: Словарь-справочник. – М.: АНКИЛ. 2005. – С. 272.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:**

35. Шеннаев Х.М. Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: ФА, 1996. – С.23.
36. Журнал “Страховое дело”, 2010 – 2015.
37. Журнал “Страховое ревью”, 2010 – 2015.
38. Газета “Бизнес-вестник Востока”, 2010 – 2015.

#### **VII. Интернет сайтлари:**

39. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти.
40. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.
41. <http://www.znay.ru> – Электрон кутубхона.
42. <http://www.worldbank.org> – Жаҳон банки расмий сайти.
43. <http://www.raexpert.ru> – Эксперт РА Рейтинг агентлиги.

44. <http://www.lex.uz> – Миллий қонунчилик расмий базаси.

